

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Халқ таълими вазирлиги**

**Мақтабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларини**  
**қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича**  
**Республика ўқув-методик Маркази**

**Ф.Р.ҚОДИРОВА**  
**Р.М.ҚОДИРОВА**

**1 МАҚТАБГАЧА ЁШДАГИ**  
**БОЛАЛАРГА ИККИНЧИ ТИЛНИ**  
**ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ**

**TOSHKENT - 2004**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**Мақтабгач таълим муассасаси раҳбар ходимларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича  
Республика ўқув-методика Маркази**

**Ф.Р.ҚОДИРОВА  
Р.М.ҚОДИРОВА**

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА  
ИККИНЧИ ТИЛНИ ЎРГАТИШ  
МЕТОДИКАСИ**

Муаллифлар:

Ф.Р.Қодирова, Р.М.Қодирова — педагогика фанлари номзодлари, доцентлари. Низомий номи Тошкент Давлат Педагогика университети, Педагогика-психология факультети

Тақризчилар:

Р.А.Мавлянова — Педагогика фанлар доктори, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг «Бошланғич таълим педагогикаси» кафедраси профессори

М.Ш. Расулова — МТМРХҚТМОБРЎМ Маркази ўқув-методик ишлар бўйича директор ўринбосари, психология фанлари номзоди.

Ушбу ўқув-методик қўлланма мактабгача ёшдаги болаларга иккинчи тилда сўзлашув нутқини ўргатишнинг психологик омиллари, таълимдаги ворисийлик ва истиқболлилик, унга қизиқиш уйғотиш масалалари очиб берилган.

Болаларга иккинчи тилни ўргатиш методикаси нутқни ривожлантиришнинг барча жиҳатларини ўз ичига олади. Шу боис қўлланмада болалар томонидан материални ўзлаштириш даражасини назорат этишни ташкил қилиш ва уни амалга ошириш юзасидан зарур материаллар берилган.

Ўқув-методик қўлланма педагогик олий ўқув юртлари талабаларига, педагогик колледжлар ўқувчилари ва мактабгача муассасалари методит, педагогларига мўлжалланган.

## КИРИШ

«Бизнинг барчамиз фарзандларимизнинг бахти, уларнинг келажаги йўлида яшаймиз ва меҳнат қиляпмиз. Нафақат хавфсизлигимиз, балки миллий уйғониш ғоясининг амалга оширилиши, давлатимиз тараққиётини таъминлаш ҳам қандай ёшларнинг вояга етишига боғлиқ.

Фарзандларимиз биздан-да яхшироқ, биздан-да тозароқ, биздан-да олижаноброқ бўлишлари лозим. Улар умумжаҳон цивилизациясининг ютуқларини эгаллашлари, тарихимизни, маданиятимизни, бизнинг буюк авлодларимиз қолдирган меросни чуқурроқ билишлари лозим»<sup>1</sup>.

Фарзандларимизнинг жаҳон цивилизацияси ютуқларини эгаллаб олишлари учун биз, катталар, уларга биринчи навбатда она тилини эгаллаб олишларида ёрдам беришимиз ва унинг негизида жаҳон тилларини, шу жумладан, рус тилини ўрганишга қизиқиш ва хоҳиш уйғотишимиз зарур.

Ўзбек тилида таълим бериладиган болалар боғчаларида рус тилини ўргатиш аҳволини кузатиш ва махсус ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, ҳозирги пайтда болалар, айниқса, қишлоқ жойларидаги болалар рус тилини ўзлаштириб олмоқдалар, дея таъкидлаш учун асос йўқ, бу эса, шубҳасиз, уларнинг келгусида ўқиш ва меҳнат фаолиятларида акс этмай қолади.

Барчага маълумки, яхши ривожланган нутқ кўп жиҳатдан бутун билим олиш жараёнини белгилаб беради. Нутқ — бу ақлни ривожлантириш каналидир. «Нутқ қанчалик илгари ўзлаштириб олинса, билимларни ўзлаштириш шунчалик осон кечади»<sup>2</sup>.

Инсон бутун умри мобайнида борлиқни англаш жараёнида иштирок этади. Ундаги билишга бўлган эҳтиёж кўп жиҳатдан тил орқали қондирилади. Мулоқотга бўлган эҳтиёж доимо уни эгаллашга ҳал қилувчи компонент ҳисобланади. Бола тилини катталар ва ўз тенгдошлари билан биргаликдаги фаолиятда иштирок этиш зарурлиги учун ўрганadi, бунинг учун эса унга қаратилган нутқни тушуниш ва ўзи ҳам гапириши лозим.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий тамойиллари. «Ўзбекистон». — Т.: 1995, 4-бет.

<sup>2</sup> Жинкин Н.И. Коммуникативная система человека. — М.: 1969.

«Тилда инсоннинг ҳамда атроф-муҳитнинг битмас-туганмас ва ҳали қўл урилмаган англаш имкониятлари яширинган, лекин унга тилни тавсифлаш орқали эмас, балки унинг фаолиятини ўрганиш орқали киритиш мумкин»<sup>3</sup>.

Болаларни рус тили бўйича мактабгача таълимга катта аҳамият берилаётганлиги бежиз эмас. Мактабгача таълим мамлакатимиздаги узлуксиз таълимнинг биринчи бўлиши ҳисобланади ва боланинг келгусида таълимни давом эттириши унинг ушбу босқичда қандай билим олганлигига боғлиқдир.

Мактабгача таълимни ривожлаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

— малакали тарбиячилар, педагогларни устувор равишда тайёрлаш;

— мактабгача таълимнинг самарали руҳий-педагогик методикаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш<sup>4</sup>.

Юқорида баён этилганлардан хулоса шуки, таълим методикаларини такомиллаштириш ва юқори босқичга кўтариш фан ва амалиёт зиммасига юклатилган долзарб вазифалар сирасига киради.

Амалиёт талабларидан келиб чиққан ҳолда қўлингиздаги ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилди, ундан назарий материаллар ўрин олган, дастлабки босқичда рус тилини ўргатишнинг замонавий методикаларини ривожлантириш имконини берувчи аниқ тавсиялар берилган.

Қўлланмада мактабгача ёшдаги болаларга русча сўзлашув нутқни ўргатишнинг психологик-педагогик асослари таклиф этилмоқда, ушбу ишда мактабгача ёшдаги болалар билан мактабгача таълим муассасалари ўртасидаги ворислик масалалари кўриб чиқилган, болаларда тилни ўрганишга эҳтиёж, талаффузга, лексика, грамматика, рафон нутққа қизиқишни уйғотишга эътибор қаратилган. Мазкур методика чет тилини ўзлаштириб олиш психологиясини ҳисобга олган ҳолда вазиятни ўйинлар асосида ишлаб чиқилган.

Ўқув қўлланмаси 20 йил мобайнида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг «Педагогика ва психология (мактабгача таълим)» факультетида; Тошкент

<sup>3</sup> Звягинцев В.А. Теоретическая и прикладная лингвистика. — М.: 1967.

<sup>4</sup> Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. — Т.: 1997.

Тошкент вилояти Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Андижон шаҳар ва вилоят педагоглар малакасини ошириш институтларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси — Нукус шаҳрида синовдан ўтказилган.

Мазкур ўқув қўлланмаси ҳақида билдирилган таклиф ва истакларни муаллифлар мамнуният билан қабул қиладилар.

Манзилимиз: 70004, Тошкент ш., Юсуф Хос  
Ҳожиб, 103-уй.  
e-mail: tdpu@yandex.ru

*Ф.Р.Қодирова*  
*Р.М.Қодирова*

## БОШҚА МИЛЛАТ БОЛАЛАРИГА РУС ТИЛИНИ ЎРГАТИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги миллий болалар боғчаси ва мактабларининг болаларга рус тилини ўргатишнинг вазифаси, энг асосий амалий аҳамиятга эга, яъни она тилидан бошқа тилдаги нутқ фаолиятида иштирок этиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Шу туфайли тарбиячилар ва педагоглар учун нутқ фаолият тури сифатида нималардан иборатлигини, фикрлар туғилиши ва қабул қилиниши қандай рўй беришини, «одамлар ўртасида мулоқот»<sup>5</sup> ўрнатиш «жараёни» қандай рўй беришини ва айнан қандай сабаблар инсоннинг фикр билдирилишини, хусусан, унинг рус тилида фикр билдиришини келтириб чиқаришини билиш жуда муҳимдир.

Психологияда тил инсоний мулоқотда қўлланиладиган белгиларнинг (товушлар, сўзлар, иборалар, айрим элементларни бирлаштириш ва ўзлаштириш қоидалари) энг муҳим табиий тизими сифатида тушунилади. Нутқ эса – инсонларнинг тилдан таълим олиши, яъни ахборотни қабул қилиш ва узатишда фойдаланиш жараёни сифатида тушунилади.

Таълим амалиётида «тил» сўзи қўлланилганида кўпинча тил билан бирга нутқ ҳам тушунилади. Бу шу билан изоҳланадики, бола нутқи ундан ташқаридаги тил тизими билан белгиланади. У нутқни эгаллар экан, моҳиятан ушбу тил тизими мавжудлигининг қоида ва усулларини ҳам эгаллайди. Ва яна: кишиларнинг нутқий мулоқотини муайян миқдордаги сўзларни ва ушбу тил қоидаларини билишсиз, муайян мазмунни ифодалаш учун ушбу сўзларни бир-бирига боғланг кўникмаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай қилиб, тил ва нутқ турли тушунчалар бўлгани ҳолда бир-бири билан узвий боғланган. Тил – бу «имкониятли мулоқот воситаси», нутқ эса – «ҳаракатдаги айнан ўша воситалар» ҳисобланади<sup>6</sup>.

Тил ва нутқ энг бевосита тарзда фикрлаш билан боғланган, чунки у моҳиятан унинг қуроли ҳисобланади. Файласуфлар айтганлар: «Тил онг каби қадимийдир; тил бошқа кишилар

<sup>5</sup> Леонтьев А.А. Психологические проблемы массовой коммуникации. – М 1974, 32-бет.

<sup>6</sup> Головин Б.Н. Введение в языковедение. 3-нашр. – М.: 1997, 2-бет.

учун ва шу билан бирга менинг ўзим учун ҳам амалда мавжуд бўлган ҳақиқий онгдир ва онга ўхшаб тил фақат эҳтиёждан, бошқа кишилар билан мулоқот қилиш заруратидан пайдо бўлади».

Бу фикрлаш жараёни инсоннинг ички нутқи («ўзига мўлжалланган» нутқ) билан бир пайтда рўй беради, дея таъкидлаётган психологлар фикрини тасдиқлайди.

Тил инсонга ақлий фаолиятни режалаштириш, ақлий саъй-ҳаракатлар натижаларини келгуси авлодларга қолдириш имконини беради. Инсоннинг ўз ўтмиши ва бугуни ҳақида билганлари, унинг келгусида қолдирадиган билимларининг барчаси тил орқали амалга ошади. Дунёқарашлар, маънавий ва эстетик идеаллар, ахлоқ меъёрлари — буларнинг барчаси тил ва нутқий мулоқот орқали юзага келади. Шу сабабли тилнинг вазифаларидан бири фикрни расмийлаштириш, уни моддий ифодалашдан иборатдир; «Ташқи нутқ — фикрни сўзга айлантириш, уни моддийлаштириш жараёнидир»<sup>7</sup>. Шундан фикр нутқнинг психологик омили бўлиб хизмат қилади, фикрни бойитиш эса нутқий ривожланишнинг шарти ҳисобланади. Маълумки, нутқ — «нутқий фикр»нинг у ёки бу тил кўрсаткичларида ўз ифодасини топишига, кейинчалик эса унинг ташқи нутқда, яъни оғзаки ва ёзма нутқда амалга ошишига ўтиш жараёнидан иборатдир<sup>8</sup>.

Ташқаридан кузатиладиган нутқий ҳаракатлар кўплаб чуқур психологик ҳолатлар билан боғлиқ. Инсоннинг гапириши учун қандайдир сабаблар — эҳтиёжлар зарур, уларнинг умумийлиги нутқий таълим мотивацияси деб аталади.

Бола тилини катталар ва ўз тенгдошлари билан биргаликдаги фаолиятда иштирок этиш учун ўрганади, бунинг учун эса унга нималар дейишаётганини тушуниши ва ўзи ҳам гапириши лозим.

Бунда она тили (бизнинг ҳолатимизда — ўзбек тили) ва рус тилини ўрганишнинг мотивацион асослари турлича бўлади. Бошқа тилдаги нутқни ўрганишнинг асосий мотивация манбаи — бу мулоқотга бўлган эҳтиёждир. Нутқ ҳаракатларини муваффақиятли қўллаш бу эҳтиёжни қондиради ва аста-секин

<sup>7</sup> Выгодский Л.С. Мышление и речь. Асарлар тўплами. — М.: 1982, 1-жилд.

<sup>8</sup> Леонтьев А.А. Психолингвистические единицы и порождение речевого высказывания. — М.: 1969.



нутқий ахлоқ маҳоратини оширади. Рус тили эса айнан шундан мотивацион асосларда фақат боланинг атрофидагилар икки тил воситасида мулоқотга эҳтиёжни юзага келтирган ҳолдагина кучаяди. Шу сабабли болаларда ўз фикрларини рус тилига тузиш ва бу тилдаги нутқни тушунишга эҳтиёжни яратиш ўзбек болалари учун русча нутқни ривожлантиришнинг муҳим методик шарт ҳисобланади.

Рус тилини ўзлаштиришнинг психологик қийинчиликлари рус тилини ўрганишга бўлган қизиқиш соҳасида ҳам эмас, балки психолингвистик соҳада яширинган: яъни бу қийинчилик ўрганаётган бола онгида икки тил тизими – рус ва ўзбек тилининг қандай ўрин олганлигига, шунингдек иккинчи тилга (рус тилига ўрганишда) бу икки тизимнинг бир-бири билан қандай муносабатда бўлишида, яъни интерференцияни бартараф этишидадир<sup>9</sup>.

Ҳар қандай тил фаолияти тил қурилмаси ёрдамида амалга оширилади, бу қурилма у ёки бу тилни эгаллаган, яъни тилнинг эгаси бўлган ҳар бир одамда мавжуддир.

Тил қурилмаси – матнларни тузиш ва уларни тушунишда ёрдам берувчи тил тизимидир (яхлит олинган товуш, лексика ва грамматика тизимлари).

Бола она тилини ўзлаштираётган экан, ўз онгида тегишли тил қурилмасини шакллантиради. Ўзбек оилаларидаги болаларда табиийки, ўзбек тили қурилмаси шаклланади. Бола она тилини эгаллаш орқали ҳали тўлиқ бўлмаган тил қурилмасидан фойдаланишга ўрганади, чунки у ҳали сўзларнинг маъносини, уларнинг қандай қилиб тўғри талаффуз этилишини билмайди; у ҳали грамматикани тўлиқ ўзлаштирмаган. Шунинг учун бола ўзига мослаштирилмаган матнларни, масалан катталар ўртасидаги суҳбатни қабул қилар экан, секин-аста ўз тил қурилмасининг етарли эмаслиги билан боғлиқ муайян қийинчиликларга дуч келади, ва нутқни сўзма-сўз қабул қилмасликка ўрганиб қолади. Аслини олганда, ўз тилини тўлиқ ўзлаштириб олиш – бу тилдан фойдаланиш жараёнида тил қурилмасини тўлиқ шакллантириш деганидир. Кўп мартадан қайтариладиган сўзлар ёки грамматик тузилмаларни бола эслаб

<sup>9</sup> Интерференция – она тилидаги маҳорат ва кўникмаларнинг ўрганилаётган тилда, бизнинг ҳолатимизда рус тилида, маҳорат ва кўникмаларни шакллантиришга нисбатан салбий таъсири.

қолади ва тил қурилмасидаги қабул қилувчи қисмнинг бир элементи сифатида ўзлаштириб олади, кейин эса у яратувчи қисмга ўтади: бола ўзи тузган сўзларини матнда қўллашни ўрганиб олади.

Бола билингвини шакллантирган ҳолда рус тилига ўргатилганлар шунини ҳисобга олиши жуда муҳимки, она тилининг тил қурилмаси бирданига эмас, балки тил қурилмасининг айрим қисмлари (фонологик тизим, грамматик тизим асослари) шаклланиб улгурган бўлса-да, у ҳали ниҳоясига етказилмаган бўлади.

Шу туфайли бола ўз она тилида эшитган матнларидан (эртақ, мультфильм ва ҳ.к.) билган таниш образларга таянган ҳолда рус тилидаги матнни анчайин тез муддатда қабул қилишни ўрганишга яъни юқорида айтилган кўриш образларига таянган ҳолда унинг умумий мазмунини илғаб олишга қодир бўлади. Бироқ, бола матнни тушунса, у дарҳол гапира олади деб ўйлаш нотўғридир.

Матн яратишда (гапиришда) билингвини шакллантиришнинг илк босқичларида бўладиган аралаш тил қурилмалари (бола она тилида сўзлайди ва унга нисбатан рус тилида сўзлаётганликларини қисман тушунади) ишламайди.

Турли тил қурилмаларини аралаштириб юбориш бола нутқининг ўзбек тили ва, айти пайтда, рус тили нуқтаи назаридан ҳам атрофдагилар учун тушунарсиз бўлишига олиб келади. Ва, бу қонунийдир: яратилаётган матнлар аниқ бир тилга тааллуқли бўлиши лозим. Чунки улар тил эгаларини яратишда қатнашмайди, балки мулоқотнинг бошқа иштирокчилари берилади.

Шу боис, ўзбек тилида таълим бериладиган болалар боғчалари ва бошланғич синфларда рус тилини ўқитишнинг педагогик вазифаларидан бири, аввало, болага аниқ кўрсатма беришдан иборат («Сен ўзбекча гапир!», «Энди русча гапир!»), токи бу боланинг тегишли тилдаги нутқ механизмини йўлга солиб юборсин. Бу ўринда шунини эътиборга олиш зарурки, мактабгача ва кичик ёшдаги болаларда лингвистик тажриба етарли эмас, бунинг оқибатида улар турли тилларда сўзлаётганликларини билмайдилар. Бир-бирига қўшилган нутқ механизми эса ўз навбатида, икки тил тизимининг интерференцияга дучор бўлишига олиб келади. Шунинг учун, иккинчидан, таълимдаги яна муҳим вазифалардан бири —

интерференция кўринишларини бартараф эта олинган иборатдир. Шуни унутмаслик лозимки, иккинчи тили ўрганишда бола ўз она тилида матн тузиш борасидаги зарур кўникмаларини ўз-ўзидан бу тилга ҳам кўчириб ўтади. Шу билан бирга уларда ҳали ўз она тилига нисбатан расмий ёндашув кўникмалари мавжуд эмас. Гарчи, рус тилини ўрганишга киришишда болалар ўз она тилида сўзлаш борасида катта нутқий тажрибага эга бўлсалар-да, лекин уларда ўз она тилидафикрларни ифодалаш усуллари ҳали етарли эмас, шунинг учун таълимнинг дастлабки босқичида ишни ушбу кўникмаларни рус тилига нисбатан ҳам ривожлантиришдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда болаларда ўз нутқига, маҳоратларига таянган ҳолда рус тилини эгаллаш кўникмаларини ҳам шакллантириш даркор.

Масалан, ўзбек болаларига рус тилини ўқитишда, уларга айрим товушларни тўғри талаффуз этишни ўргатиш, «мужской» ва «средний» родларда отлар ва сифатлардан фойдаланишни ўргатиш зарур.

Юқорида қайд этилганларни ҳисобга олган ҳолда, бизнинг назаримизда, рус тили бўйича ўқув-методик материалларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бу материалларда турли тоифали мактаблар шароитида, яъни русча нутқи ҳали етарли даражада ривожланмаган ўзбек болалари ҳам ўқийдиган кўп миллатли мактаблар шароитида вужудга келаётган турли билингвизм ҳолатлари назарда тутилиши лозим.

Ушбу босқичда ўзбек тилида таълим бериладиган миллий мактаблар рус тили бўйича намунавий ва локал дастурларга, рус тили педагоглари эса — мазкур дарслик бўйича методик қўлланмага эгалар. Уларга қўшимча равишда дидактик материаллар ва товушли қўлланмалар тарқатилади. Ушбу тўпламга она тили ва рус тили дарсларида ҳам фойдаланиш мумкин бўлган қўлланма кирмайди. Улардан бошланғич синфларнинг ўқув жараёнида фойдаланиш имконияти шу билан мустаҳкамланадики, ҳозирги пайтда бошланғич синф педагогси «ўз» синфида барча ўқув предметларини, шу жумладан рус тилини ҳам ўқитиши мумкин. Бу рус нутқий муҳитини анча кенгайтиради ва таълим воситаларини ишлаб

чиқишга нисбатан янги ёндашувларни талаб этади. Мактаб тажрибаси ва махсус илмий тадқиқотлар<sup>10</sup> шундан далолат бермоқдаки, таълимнинг айрим умумий воситалари негизида тилларга (она тили ва рус тилига) ўқитиш умумий нутқ маҳорати ва кўникмаларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Ушбу шароитларда янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мумкин бўлган нутқий маҳорат ва кўникмалар ажратилади. Энг аввало, бу — она тили дарсларида шаклландиган ва рус тили дарсларида ишни ташкил этишда ёрдам берадиганларидир. Уларга қуйидагилар кириди:

- гап тузишни билиш;
- берилган саволларга тўлиқ ва қисқа жавобларни туза олиш;
- диалогларда иштирок эта олиш;
- мазмунан бир-бирига боғлиқ ҳикоялар туза олиш.

Бошқа гуруҳга она тили дарсларида ва айни пайтда рус тили дарсларида ҳам такомиллашиб борадиган маҳорат ва кўникмалар кириди. Булар она тилида ўқиш кўникмаларидир (болалар вазифани она тилида ўқийдилар, бу эса уларни рус тили билан ишлашга тайёрлайди):

- таянч сўзлар асосида берилган мавзу бўйича гап туза олиш;
- бир сурат, суратлар туркуми ва шахсий кузатишлар асосида ҳикоя туза олиш;
- саволларга жавоб беришни ва савол беришни билиш.

Юқорида айтиб ўтилганлар билан бир қаторда болаларда улар учун янги бўлган, уларнинг нутқий фаолиятини ривожлантириш учун муҳим бўлган қуйидаги маҳорат ва кўникмалар шаклланади:

- ушбу матндаги нотаниш сўзлар мазмунини аниқлаш; (матн мазмунини аниқлаш)
- матн мазмунини суратлар, иллюстрация билан таққослаш;
- сўзларнинг матндан ташқаридаги мазмунини аниқлаш.

<sup>10</sup> Қаранг: Раҳимов М.Э. Ўзбек мактабларининг 1-синф ўқувчиларига рус тилини ўқитишда она тилига оид билимлар, маҳорат ва кўникмалардан фойдаланиш. — Тошкент.: 1981.

Она тилида синфдан ташқари ўқиш машғулотларида рус тили машғулотлари туфайли амалга ошириладиган болалар китоблари билан ишлашни ҳам ҳисобга олиш зарур<sup>11</sup>. Мазкур ҳолат бир вақтнинг ўзида она тили ва рус тилидаги айрим вазифаларни ўзида жамлаган болалар китоблари туркумини ишлаб чиқишни кўзда тутати. Бундан болалар китоблари масалан, матнлари бир вақтнинг ўзида параллел равишда икки тилда берилган китоблар бўлиши мумкин.

Юқорида баён этилганларга асосланиб, шуни айтиш мумкинки, қуйида келтирилаётган таълим воситалари она тили ва рус тили фанлари учун умумий бўлиши мумкин. Шунингдек, улар бизнинг назаримизда, миллий-рус икки тиллилиги шаклланидиган ўқув мажмуасига кириши мумкин. Бу воситалар қуйидагилардир:

— она тили ва рус тили дарсларида параллел равишда фойдаланиладиган ўқув дарсликларига оид материаллар (иллюстрациялар, расмлар, айрим матнлар);

— мавзули суратлар;

— нутқни ривожлантиришга оид мавзули ўқув материаллари («Мактаб», «Оила», «Кутубхонада» ва бошқ.);

— баъзан она тилидаги матнда ёзилган, ўқувчилар учун махсус вазифа қўйилган расмлар, аппликациялар, бўялиши лозим бўлган расмлар;

— она тили ва рус тилидаги бадий адабиётлар;

— фоно- ёки грамёзувда эшитиш мумкин бўлган асарлар (икки тилда);

— кенг ёйиладиган суратли китоблар;

— стол кўғирчоқ театри (дастурдаги асар персонажларига оид кўғирчоқлар билан бирга);

— стол ўйинлари туркуми (лото, домино ва бошқ.);

— бошланғич синфлар дастурида кўзда тутилган товушли ва товушсиз диафильмлар, слайдлар.

Маълумки, ҳаётда икки тили индивидуум ўзи билган тилларнинг баъзан унисидан, баъзан эса бунисидан фойдаланади. Икки тилни билувчилар бир тилдан иккинчи тилга эркин ўта оладилар, бунда улар онгли равишда бир тил

<sup>11</sup> Қаранг: Абдуллаев Х.А. Синфдан ташқари ўқиш машғулотларини ташкил этиш ва уларнинг ўзбек тилида ўқитиладиган мактабларнинг биринчи синф ўқувчилари нутқини ривожлантиришга таъсири. — Тошкент.: 1986.

қурилмасидан иккинчи тил қурилмасига ўтадилар. Ана шундай ўтишни билмаслик эса интерференциявий хатоликлардан иборат бўлган аралаш нутққа олиб келади. Шунинг учун рус тили қурилмасини ишлаб чиқишда ўқитилаётган ўқувчиларнинг аввалбошданоқ бирон-бир қийинчиликсиз бир тилдан бошқа тилга эркин ўткази олишлари ҳақида қайғуриш лозим. Бундай маҳорат ва кўникмаларга дарслик ёрдамида эришиб бўлмайди, бу нарса муайян иш шароитидан келиб чиққан ҳолда педагог (тарбиячи) томонидан амалга оширилиши лозим. Дастлабки босқичда таълим беришда бир тилдан бошқасига ўтишни ўйин шаротида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир, бунга юқорида санаб ўтилган таълим воситалари, шубҳасиз, ёрдам беради.

### РЕЗЮМЕ

Ўзбек тилида таълим бериладиган болалар боғчаларида болаларга русча сўзлашиш нутқини ўргатишдаги асосий вазифа — бу ўрганилаётган тилда мулоқот қила олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Педагоглар нутқнинг фаолият тури сифатидаги психологик хусусиятларини билишлари лозим. Бу хусусиятлар қуйидагилардир: фикр билдиришнинг пайдо бўлиш ва қабул қилиниш жараёнларини келтириб чиқарувчи сабаблар; кишилар ўртасида аниқ мақсадга йўналтирилган мулоқотни қўллаб-қувватлаш жарарёнини йўлга қўйиш шарти; инсоннинг фикр билдиришини келтириб чиқарувчи сабаблар (мотивлар).

Тил — инсоний мулоқотда қўлланиладиган табиий белгилар тизимидир.

Нутқ — кишилар ўртасида ўқиш учун, яъни ахборотни қабул қилиш ва узатиш учун тилдан фойдаланиш жараёнидир.

Кишиларнинг нутқий мулоқотини муайян миқдордаги сўзлар ва тил қоидаларини, ушбу сўзларни аниқ бир мазмунли ифодалаш учун бир-бирига қўшиш кўникмалари ва қобилиятини эгалламай туриб амалга ошириб бўлмайди.

Тил ва нутқ турли тушунчалар бўлгани ҳолда улар, айти пайтда, бир-бири билан ўзаро боғлиқдир. Тил — бу муайян шароитларда, вазиятларда мулоқот қилиш воситаси ҳисобланади, нутқ — эса ҳаракатдаги (амалга ошаётган) айнаи ўша воситалардир.

Тил ва нутқ фикрлаш билан боғланган бўлиб унинг қурбани ҳисобланади.

Тил ёрдамида инсон ақлий фаолиятни режалаштириш, ақлий қобилиятини ва унинг натижаларини келгуси авлодга қолдириш имкониятига эга бўлади.

Нутқнинг вазифаларидан бири — фикрнинг расмийлаштириш, уни моддий ифодалаш, яъни ташқи нутқ ҳисобланади.

Фикр нутқнинг психологик асоси бўлиб хизмат қилади, фикрнинг бойитиш нутқни ривожлантириш шарти ҳисобланади.

Фикрнинг муайян тилда ифодалаш учун мотив, яъни сабаб, ниманидир айтиш эҳтиёжи бўлиши лозим.

Она тили ва чет тилларини ўрганишнинг мотивацион асослари турлича. Она тилини ўзлаштиришда катталар ва тенгдошлар билан биргалликда ҳаракат қилишга бўлган эҳтиёж мотивацион асос бўлиб хизмат қилади.

Мулоқотга бўлган эҳтиёж чет тилидаги нутқни ўрганишнинг асосий мотивацион манбаси ҳисобланади. Боаларда ўрганилаётган тилда билдирилган фикрларни тушуниш ва ушбу тилда фикр тузиш эҳтиёжи уларнинг чет тилидаги нутқини ривожлантиришнинг муҳим методик шартидир.

Чет тилини (рус тилини) ўзлаштиришнинг психологик қийинчиликлари психология соҳасига (ҳис-хаяжон соҳасига эмас), ўқитилаётган бола онгида икки тил тизимининг (она тили ва чет тили) ўзаро нисбатига ва чет тилини ўқитишда бу икки тизимни қийинлаштириш олишга, она тилидаги кўникма ва қобилиятларнинг ўрганилаётган тилда зарур қобилият ва кўникмаларни шакллантиришга кўрсатадиган салбий таъсирини бартараф этишга тааллуқлидир.

Ҳар қандай нутқий фаолият тил қурилмаси ёрдамида, яъни тилнинг матн тузиш ва уни тушунишга ёрдам берадиган тизими ёрдамида амалга оширилади.

Она тилининг тил қурилмаси дарҳол эмас, балки аста-секин шаклланади. Боланинг турли тил қурилмаларини аралаштириб юбориши унинг нутқини атрофдагилар учун тушунарсиз қилиб қўяди.

Ўзбек тилида таълим бериладиган болалар боғчаларида ва мактабларнинг бошланғич синфларида рус тилини ўқитишнинг педагогик вазифаларидан бири қуйидагилардан ҳисобланади: 1)

муайян ҳолатда қайси тилда гапириш ҳақида болага аниқ кўрсатма бериш зарурлиги; 2) интерференция ҳолатларини бартараф этиш.

Икки тилни билувчилар бир тилдан иккинчисига эркин ўтаверадилар, бунда улар ўз тил қурилмаларидан бирини онгли равишда ўчириб, уни бошқа тилда ишга туширишни амалга оширадилар. Бундай ҳаракатнинг мавжуд эмаслиги интерференцион хатоликлар бўлган аралаш нутққа олиб келади.

Чет тиллида тил қурилмасини яратиш чоғида аввалбошдан ўқувчиларда ўз нутқий фаолиятини бир тилдан бошқасига кўчира олиш қобилиятини шакллантириш зарур.

### **САВОЛЛАР ВА ТОПИШИРҚЛАР:**

1.Ўзбек тилида таълим бериладиган болалар боғчаларида мактабгача ёшдаги болаларга рус тилини ўқитишдаги асосий вазифалар нималардан ибора?

2.Болаларга чет тилини ўргатаётган педагог нутқнинг қайси психологик хусусиятларини билиши лозим?

3.«Тил» ва «нутқ» сўзларининг маъносини психология нуқтаи назаридан тушунтириб беринг.

4.Тил ва нутқ турли тушунчалар бўлгани ҳолда нима учун бир-бири билан ўзаро боғланганлигини тушунтириб беринг.

5.Тил ва нутқнинг фикрлаш билан алоқаси нимада ифодаланади?

6.Ақлий фаолият нимани билдарида ва шахс қандай қилиб тил ёрдамида уни режалаштиради?

7.Нутқнинг фикрни расмийлаштириш, уни моддий ифодалаш каби вазифаларни тавсифлаб беринг.

8.Нутқий таълим мотивацияси нимани англатади?

9.Она тили ва чет тилни ўрганишнинг мотивацион асосларини тавсифлаб беринг.

10.Болаларнинг рус тилини ўзлаштиришдаги психологик қийинчиликлари нималардан иборат? Нега шундай деб ўйлайсиз?

11.Тил қурилмаларини аралаштириб юбориш нимани англатади ва у амалда нима олиб келади?

12.Болаларга чет тилини ўқитиш жараёнида уларда қандай нутқий қобилиятлар ва кўникмаларни шакллантириш лозим?

13.Негизда миллий-рус икки тиллигини шакллантириш лозим бўлган ўқув комплексини тавсифлаб беринг.

## МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ЁШИДАГИ КИЧИК БОЛАЛАРГА ЧЕТ ТИЛИ (РУС ТИЛИ)НИ ЎРГАТИШДА ВОРИСЛИК ВА ИСТИҚБОЛЛИЛИК

Рус тилига (иккинчи тилга) ўқитишнинг ягона жараёни қатор босқичларни ўз ичига олади. Булар қуйидагилардир: мактабгача таълим, бошланғич, ўрта ва катта синфлар. Таълим муваффақияти кўп жиҳатдан ўқув жараёнида мазкур босқичлар ўртасидаги ички боғлиқликнинг қанчалик ҳисоби олинаётганлигига боғлиқ бўлади. Хусусан, бошланғич синф педагоглари ушбу босқичлар ўртасидаги боғлиқлик қизиқтирмай қолмайди, чунки бу ҳолатнинг икки томонлама кўриниш демакдир.

Болалар боғчасида болаларни мактабга тайёрлашни ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёни ҳақида гапира туриб, истиқболлиликни («қуйидан юқорига назар») назарда тутамиз. Болаларни мактаб шароитида ўқитишда биз уларнинг болалар боғчасида ўқитилганлик даражасини ҳисобга оламиз, яъни ворисликка («юқоридан қуйига назар») амал қиламиз.

Ворислик ва истиқболлилик моҳиятан таълим-тарбия жараёнининг мунтазамлиги элементларидир.

М.Р.Львов<sup>12</sup> хулосаларидан келиб чиққан ҳолда мактабгача тарбия муассасаларида рус тилини ўқитишдаги ворислик ва истиқболлилик бринчидан таълимга ягона принциплал ёндашувдан, рус тилини ўқитишдаги ягона кўрсаткичларга риоя қилишдан иборатдир. Иккинчидан, бу ҳар бир таълим босқичида болаларнинг тил ривожиди янги ҳолатлар пайдо бўлаётганини тушунишдан иборат. Ва, ниҳоят, учинчидан, ушбу босқичларда таълим мазмуни ва натижалари ўртасида узвий тугашлик талаб этилади.

Болалар боғчасида ва бошланғич синфларда рус тилини ўқитиш тажрибасини махсус ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, барча мактаб педагоглари ҳам мактабгача ёшдаги болаларга, айниқса, уларнинг ўқишига қуйиладиган талабларни яхши биладилар деб бўлмайди. Айни пайтда айрим болалар боғчалари тарбиячилари истиқболлиликни тушунмайдилар ва

<sup>12</sup> Львов М.Р. Проблемы преемственности и перспективности в обучении русскому языку. «Преемственность и перспективность в обучении русскому языку» тўпламидан. — М.: «Просвещение», 1982, 4-бет.



Ўз тарбияланувчиларини улар мактабда дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларни бартараф этишга етарли даражада тайёрламайдилар.

Мактаб шароитида ва айти пайтда болалар боғчасида олти ёшлиларни ўқитиш таълимнинг ворислик тамойилларига қатъий амал қилиш масаласини кўндаланг қилиб қўйди. Равшанки, ушбу шартларда ҳар икала гуруҳдаги педагоглар рус тилини ўқитишдаги ворисликнинг асосий йўналишларини етарли даражада яхши билишлари лозим.

Қуйидаги ҳолатларда, яъни рус тилига бирламчи ўқитилганлик даражасини аниқлашда, вазифалар хусусиятини белгилашда, уларнинг мазмунини танлаб олишда, мактабгача ёшдаги болалар ва бошланғич синф ўқувчиларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим шакллари ва усулларини белгилашда ворисликка риоя қилиниши лозим.

Мамлакатимиздаги ўзбек тилида таълим бериладиган болалар боғчаларида 5-6 ёшли болаларга русча сўзлашиш нутқини ўргатиш бўйича амалдаги дастур республикадаги болалар боғчаларида рус тили ўқитилишини, психолингвистикага оид замонавий тадқиқотлар натижалари ва мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш методикасини ҳисобга олган ҳолда тузилган.

Ўзбекистондаги ўзбек тилида таълим бериладиган болалар боғчаларида мактабгача ёшдаги болаларга русча сўзлашиш нутқини ўргатиш уларнинг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам бериши кўзда тутилмоқда. Бунинг учун педагог мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш ва тарбиялашга оид ялпи ёндашувга риоя қилиниши лозим.

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, болаларга рус тилини ўқитишга доир ишларни 5 ёшдан бошлаган маъқул. Ушбу даврда болаларда билишга бўлган қизиқишлар жадал шаклланади, улар нутқий кўникмалар ва маҳоратларни тез ва энгил ўзлаштириб оладилар.

Ўзбек тилида таълим бериладиган болалар боғчаларида 5-6 ёшли болаларга русча сўзлашув нутқини ўргатишни ўзбек ва рус тилларини ҳамда болаларга иккинчи тилни ўргатиш методикасини яхши биладиган педагог (тарбиячи) амалга оширгани мақсадга мувофиқдир.

Педагог нутқи болаларнинг тақлид қилиши учун намуна бўлиши, тушунарли, фонетик ва грамматик хатоликлардан холи бўлиши лозим.

Мактабгача ёшдаги болаларга рус тилини ўқитишнинг асосий мақсади энг оддий муомала воситаси сифатида тилни эгаллаб олишдан иборатдир. Ушбу мақсадга эришиш учун педагог дастурий кўрсатмаларга мувофиқ ҳолда таълим жараёнида қуйидаги вазифаларни амалга ошириши лозим:

— Ўзбекистон табиати ва кишиларнинг турмуш тарзи билан таништириш негизида болаларда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш;

— рус тилига нисбатан барқарор қизиқишни ва уни ўрганишга бўлган истакни рўёбга чиқариш, нутқий фаолликни шакллантириш (ўрганилаётган тилда гапиришни ишташ ва гапира олиш, педагог ва ўртоқларининг нутқларини эшита билиш ва тушуна олиш);

— тўғри русча талаффузни шакллантириш; болаларнинг она тилида мавжуд бўлмаган, қаттиқлиги ва юмшоқлиги, пастлиги ва жарангдорлиги билан бир-бирига зид бўлган товушларга (ы, ц, щ), ундошлари бошида, ўртасида ва охирида келадиган сўзларга (здравствуй, стул, слива) алоҳида эътиборни қаратиш;

— болаларнинг луғатини бойитиш ва фаоллаштириш; уларнинг рус тилида энг кам сўз бойлигини (тахминан 250-300 та сўз) эгаллаб олишларини таъминлаш;

— рус тилидаги грамматик тузилмаларни шакллантириш ва болаларнинг ўрганиб олган грамматик кўникмалардан ўйин жараёни ва кундалик мулоқотда фойдаланишларини фаоллаштириш.

Болаларнинг рус тилидаги диалогик ва монологик нутқларини шакллантириш, уларнинг атайлаб тайёрланмаган русча нутқдан мустақил равишда фойдаланишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

Русча сўзлашув нутқига икки йиллик ўқитиш жараёнида болалар қуйидагиларни ўрганиб олишлари лозим:

— уларга қаратилган нутқни тушуниш;

— берилган саволларга жавоб бериш ва ўзи ҳам савол бера олиш;

— хушмуомалалик (илтимос қилиш, миннатдорчилик билдириш) шаклларида фойдаланиш;

— нарсани тавсифлай олиш (ўлчами ва сифатига қараб);

- нарса ёки буюмнинг муайян шахсга тегишлилигини айта олиш;
- ўз хатти-ҳаракатларини ва бошқа шахслар ҳаракатларини тавсифлаб бера олиш;
- ўзи ҳақида ҳикоя қилиб бериш, оила аъзолари исмлари, ўз қисми ва фамилияси, неча ёшдалиги ва ота-оналарининг қаерда ишлашларини айтиб беринг;
- болалар боғчасидаги ҳаёт ҳақида апириб бера олиш;
- сюжетли расм ёки атроф-муҳитга қисқача таъриф бериш;
- 2-8 та гапдан матн туза олиш;
- янги муҳитда мустақил равишда нутқий мулоқотни ўрната олиш.

Машғулотлар болалар боғчасида болаларга рус тилини ўқитишнинг асосий шакли ҳисобланади. Уни гуруҳлар тўлиқ бутланиб бўладиган сентябрь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб (ката гуруҳларда), кунинг биринчи ярмида (ҳафтасига икки марта) ката гуруҳда 20-25 минут ва тайёрлов гуруҳида 30-35 минут давомида ўтказиш тавсия қилинади.

Машғулот ўтказиш учун гуруҳни кичик гуруҳчаларга бўлиш (15-16 кишидан қилиб), болаларнинг улар машғулот давомида ўринларидан туришлари, педагог кўрсатмасига биноан ҳаракатланишлари учун ярим доира шаклида ўтказиб чиқиш зарур.

### Машғулот ўтказишнинг тахминий режаси:

		Катта гуруҳ	Тайёрлов гуруҳи
1.	Ташкилий вақт	1 мин.	1 мин.
2.	Ўтилган материални такрорлаш	4-5 мин.	5-6 мин.
3.	Янги материални тушунтириш	8-10 мин.	10-12 мин.
4.	Талаффуз устида ишлаш	3-4 мин.	4-5 мин.
5.	Физкультминутка	1-2 мин.	2-3 мин.
6.	Янги материални мустаҳкамлаш	5-6 мин.	6-7 мин.
7.	Машғулотни яқунлаш	1-2 мин.	1-2 мин.
		25-30 мин.	30-35 мин.

Педагог машғулотнинг мақсад ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўз хоҳишига қараб машғулот режасини ўзгартиришни мумкин.

### Лексик мавзулар номлари ва машғулотларнинг тақсимланиши

	Биринчи ўқув йили (катта гуруҳ)	Машғулотлар сони
1.	Ўйинчоқлар	6
2.	Ўйинчоқлар билан амалга ошириладиган ҳаракатлар	5
3.	Ўзи ҳақида ҳикоя қилиб бериш	5
4.	Кийим ва пойабзал	6
5.	Оила	6
6.	Ҳайвонлар, қушлар ва уларнинг ҳаракати	10
7.	1 дан 10 гача санаш	4
8.	Сабзавот ва мевалар	7
9.	Идишлар, озиқ-овқат маҳсулотлари	6
10.	Ранглар	6
11.	Такрорлаш	5
	Иккинчи ўқув йили (Тайёрлов гуруҳи)	Машғулотлар сони
1.	Такрорлаш	6
2.	Тағишиш	6
3.	Тағнақисмлари	7
4.	Бизнинг уйимиз	6
5.	Касб ва иш	10
6.	Байрамлар	10
7.	10 дан 20 гача санаш	5
8.	Иил фасллари	6
9.	Бизнинг ватанимиз	10
10.	Такрорлаш	6
	Жами:	72

Ўзбек тилида таълим бериладиган мактабларда 1-синфлар учун рус тили бўйича дастур 1 сентябрдан 9 майгача бўлган даврда 92 та машғулот ўтказишни кўзда тутди. Ҳафтасига ҳар бири 35 минутдан иборат бўлган 3 та дарс ўтилади. Дарс шартли равишда 2 қисмга бўлинади: 1 қисм (15-20 минут) янги ўқув материални тушунтириш ва бирламчи мустаҳкамлашга ажратилади. Бироз танаффусдан сўнг дарснинг 2-қисмида турли ўйинлар ўтказилади, улар орқали илгари ўтилган тил материаллари мустаҳкамланади.

1-синфда рус тилини ўқитишнинг вазифаси қуйидагиларни кўзда тутди: болаларни энг оддий русча нутқни тушунишга ва такрорлашга тайёрлаш, бу, хусусан, педагог билан ўқувчи ўртасида ҳамда ўқувчилар ўртасидаги энг оддий ўқув вазиятлари орқали таъминланади; болаларда луғат ва имо-ишоралар базасини яратиш; ибора ва унчалик мураккаб бўлмаган суҳбатларни тушунишга ўргатиш; рус тилида сўзлашишнинг бирламчи кўникмаларига ўргатиш (оддий саволларга жавоб бериш ва шундай саволларни бошқаларга бера олиш); оддий, мазмунли ва раvon ҳикоя қилишни ўргатиш; болаларда рус тилига қизиқиш уйғотиш ва уларда Ушбу тилда сўзлашиш истагини шакллантириш, уни кейинги босқичларда ўрганиш учун болаларни руҳий жиҳатдан тайёрлаш.

Лексик минимум 190 та сўзни ўз ичига олади.

Лексикани ташкил этишнинг асосий тамойили — мавзуга йўналтирилганликдан иборат.

Лексик мавзулар номлари:

1. Танишув.
2. Мактаб, синф.
3. Уй, оила.
4. Кийим.
5. Ўйинчоқлар.
6. Овқат, идишлар.
7. Соат.
8. Табиат.
9. Уй ҳайвонлари.
10. Менинг куним.
11. Байрамлар.
12. Бизнинг ватанимиз.

1-синфларда рус тили дарси кўп қиррали тарбиявий йўналишга эга бўлиши, болаларда ўз ўлкасига, табиатга нисбатан меҳр ҳисларини уйғотиши, барча тирик жонзотларни авайлаш ҳисларини шакллантиришга ёрдам бериши лозим. Шу боис (эшитиш учун) матнларни болаларда ўз ватанидан фахрланиш тўғрисида тарбиялаш, катталарни ҳурмат, оналарини эъзозлаш, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, озодалик ва хушмуомалаликка ўргатиш заруратини ҳисобга олган ҳолда танлаш лозим.

Дарслар рус тилида сўзлаган ҳолда бир вақтнинг ўзида турли шаклларда, яъни: суҳбат, диалог, оддий мазмунли ҳикоя қилиш, нутқий ўйинлар, шеърлар ёдлаш, жўр бўлиб куйлаш, саёҳат дарслар, расм чизиш ва пластилиндан ўйинчоқлар ясаш каби шаклларда ўтказилади.

Кўргазмали қуроллар сифатида буюмлардан, синфда ва синфдан ташқарида рўй берадиган ҳамда юзага келтириладиган вазиятлардан; слайдлар, суратлар (мавзули ва сюжетли)дан; слайдлар ва диафильмлардан, тарқатиладиган материаллардан (суратли лото ва ҳ.к.); ўйинчоқлардан, маскалардан ва муляжлардан фойдаланиш мумкин.

Рус тилида ўқитишда ворисликни муваффақиятли равишда амалга ошириш учун рус тили ўқитиладиган мактаблар педагоглари билан миллий болалар боғчалари тарбиячиларининг ўзаро ҳамкорлиги жуда муҳим аҳамият касб этади.

Мактабларда рус тилини муваффақиятли равишда ўқитиш кўп жиҳатдан болани ҳар томонлама ривожлантириш, уни мактабга тайёрлаш вазифасини ҳал этиш лозим бўлган болалар боғчасида ишнинг нечоғлик тўғри ташкил этилганлигига боғлиқдир. Бунинг учун тарбиячилар биринчи синфларда болалар билан ишлашнинг мазмун-моҳияти ва методикаси билан, педагог эса болалар боғчасида ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар аҳволи билан танишишлари зарур.

Рус тилини ўқитишда ворислик масалалари бўйича болалар боғчаси билан мактабнинг қўшма иш режасини тузиб чиқиш тавсия этилади. Ушбу режада мактаб ва болалар боғчасида ўтказиладиган машғулотларда иштирок этиш саналари белгилаб қўйилади.

Болаларга русча сўзлашув нутқини ўргатиш бошланиши биланоқ педагог нутқий фаолият кўникмаларини

шакллантиришга эътиборни қаратиши, айниқса русча нутқни эшитиш ва тушуна олиш ҳамда ушбу тилда гапириш кўникмаларини шакллантириши лозим, шунингдек, педагог ўзбек ва рус тилларини уйғунлаштира олишни билиши даркор. Уйин қоидалари ёки тиллардаги бирон-бир фарқни тушунтиришда она тилидан фойдаланилади, масалан, рус тилида катгаларга нисбатан «здравствуйте», тенгдошларига эса «здравствуй» дейилади, ўзбек тилида эса ҳаммага нисбатан «ассалому-алайкум», яъни «здравствуйте» деб мурожаат қилинади.

Тарбиячи машғулотларда яхши муҳитни ва рус тилига нисбатан қизиқишни таъминлай олиши шарт. Бунинг учун турли-туман чиройли кўргазмали куроллардан, уйинчоқлардан, стол кўғирчоқ театри ва эртақларни саҳналаштириш учун тегишли жиҳозлардан фойдаланиш лозим.

Биринчи машғулотлардан бошлабоқ «встань» (тур), «подойди» (бери кел), «молодец» (балли) кабби сўз ва ибораларни кундалик муомалага киритиш зарур.

Шеър, кўшиқ, топишмоқ, мақолларни ўқув мавзуларига мос равишда танлаш лозим, матнлар ҳажм жиҳатдан унча ката бўлмаслиги ва мазмунан сода бўлиши зарур.

Бунинг учун З.Александрова, А.Барто, С.Маршак, С.Михалков, С.Погорелов, К.Чуковский асарларидан, «Теремок», «Репка», «Козлята и волк» каби эртақлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Эшитиш ва тушуниш учун маълумотлар ҳажмини босқичдан босқичга қараб ошириб бориш даркор.

Русча сўзлар, сўз бирикмалари ва рус тилининг қоидаларини ёд олишда педагог кўмагида кичик-кичик шеърлар, кўшиқлар, топишмоқлар ёдлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Болалар шеър, кўшиқлар, қофияли матнларни ёдлаш орқали сўзларни, уларнинг талаффузини, ургуларини яхшироқ ўзлаштирадилар, русча нутқ суръатини, унинг оҳангларини илғаш орқали сўзларни грамматик шаклларда қўллашни ўзлаштириб оладилар, бундан ташқари, ёд олиш тилга бўлган қизиқишни оширади, болаларга машғулот чоғида завқ-шавқ бахш этади.

Талаффуз устида ишлашни ҳар бир машғулотда ўтказиш тавсия этилади. Фонетик машғулотлар жараёнида алоҳида ажралган товушни талаффуз этишни босқичма-босқич амалга

ошириш (агарда мазкур товуш она тилида мавжуд бўлмаса), турли унлилар билан қўшилган ундошларни (ла, ля, ли, ле, на ҳоказо), қатор келган ундошларни (здравствуйте, стул, ва ҳ.к.), жарангли ва жарангсиз ундошларни талаффуз этиб кўриш тавсия этилади.

Педагог (тарбиячи) шуни унутмаслиги зарурки, болалар машғулот ўтказиш чогида тез толиқиб қоладилар, шунинг учун ўзлаштирилиши лозим бўлган нутқий материал шаклини доимо ўзгартириб туриш, уни ишлаш қобилиятини оширадиган энгил ўйинлар, жисмоний тарбия машқлари билан биргаликда олиб бориш лозим. Ана шундай машқларни ўтказиш жараёнида болаларга таниш бўлган сўзлар, сўз бирикмалари, гаплар ва шеърлар такрорланади.

Болаларда она тилида мавжуд бўлмаган товушларни (ы, ц, щ) талаффуз этиш кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш даркор, шу билан бирга болаларга фикр билдириш мақсадидан келиб чиққан ҳолда юқоридаги товушларни сўзлар таркибида талаффуз этиш ва гапда алоҳида урғу бериб талаффуз қилишни ўргатиш зарур.

Русча товушларни имо-ишоралар билан талаффуз этиш кўникмаларини ўйинли вазиятларга асосланган алоҳида машқларда ишлаб чиқиш тавсия этилади (масалан, товушга тақлид қилиш яъни болалар турли ҳайвонлар, машиналар, ўйинчоқлар товушларига тақлид қиладилар).

Бошқа миллат болаларида рус тили товушларини талаффуз қилиш кўникмаларини шакллантириш билан боғлиқ вазифалар фақат бундай ишлар мунтазам равишда амалга оширилган тақдирдагина муваффақиятли бўлиши мумкин.

### Лексика

Мулоқот қилишни билиш сўзларни турли гапларда, турли вазиятларда мустақил равишда қўллай олишни англатади. Янги сўзларни уларни муайян мавзу ичида мазмунига қараб бирлаштирган ва кўргазмали қуролларга (ўйинчоқлар, суратлар ва ҳ.к.) таянган ҳолда муомалага киритиш зарур, лекин бир машғулотда 3-4 тадан ортиқ сўзни ўрганмаслик лозим. Тарбиячи Бирон нарсани кўрсатар экан, янги сўзни 2-3 марта секин ва тушунарли қилиб ифода этиши, кейин эса уларни болаларга жўр бўлиб ва якка тартибда айтишни таклиф қилиши лозим. Янги сўзлар бирламчи ўрганилганидан сўнг



болалар хотирасида сақлаб қолиш, лексикани фаоллаштириш ва нутқий маҳоратни ривожлантиришга ёрдам берувчи ўйинларни ўтказиш керак.

1-босқич – таниб олиш. Тарбиячи болалар билан бирон-бир буюм ёки нарсаларни таниб олишга доир ўйин уйнайди. Бу ўйинларда болалар у ёки бу буюмни англаувчи янги сўзни ўрганиб олишлари лозим.

2-босқич – такрорлаш. Бола тарбиячи кетидан буюмлардан бирининг номини такрорлаши лозим. Тарбиячи болаларга ўзларига ёқиб қолган ўйинчоқ, кийим, мева ва ҳоказоларни танлаб олиш ва педагогнинг кетидан ушбу нарсанинг номини такрорлаши лозим. Ушбу босқичда «Сен онангга нима совға қиласан?», «Ёқтирган ўйинчоғингни танла ва унинг номини айт» каби ўйинларни ўтказиш тавсия этилади.

3-босқич – номлаш. Бола педагог ёрдамисиз бирон-бир буюм номини айтиши даркор. Бунинг учун «Топинг-чи, бу нима?», «Муъжизали қоп», «Сеҳрли қалпоқча» ўйинларини ўтказиш тавсия этилади.

Болаларнинг рус тилидаги янги сўзларни ўзлаштириб олишларига доир босқичма-босқич ишлар уларни хотирада сақлаб қолиш ва янги вазиятда қўллай олинишини таъминлайди.

### Грамматика

Грамматик кўникмалар болалар томонидан фаол сўзлашув нутқи босқичида ўзлаштирилиши лозим. Болалар томонидан рус тили грамматик қурилишининг ўзлаштирилиши уларнинг грамматик ҳолат аҳамиятини тушуниб етишлари, шакл яратувчи у ёки бу элемент қайси вазиятда қўлланилишини ҳис қила олишлари учун махсус ташкил этилган ўйин-машқларда амалга оширилиши зарур. Чунончи, «Буйруқ» ўйинида болалар буйруқ майлини бирлик ва кўплик шаклида қўллаш орқали бир ёки бир нечта болаларга буйруқ беришлари лозим: «стой» (тўхта), «стойте» (тўхтанг), «прыгай» (сакра), «прыгайте» (сакранг).

«Дўкон» ўйинида болалар женский родаги отларни айтишни машқ қиладилар ҳамда сифатни родда, сонда ва келишиқда от билан қўшишни ўрганадилар: «Дайте мне маленькую куклу, а мне большую».

Ҳар бир машғулотда тарбиячига илгариги машғулотларда ўрганилган грамматик кўникмаларни фаоллаштириш, айрим сўзларни эмас, балки бутун бир гапларни қўллашни ўргатиш тавсия этилади.

Иш жараёнида шунга эътиборни қаратиш зарурки, грамматик хатоликлар фикрнинг бузиб айтилишига, унинг атрофдагилар томонидан тушунилмаслигига олиб келади.

### Равон нутқ

Юқорида қайд этилганидек, миллий болалар боғчаларида болаларга рус тилини ўқитишдан мақсад уларда мулоқот воситаси сифатида энг оддий русча нутқни эгаллаш кўникмаларини шакллантиришдир. Бу нутқ диалог (икки боланинг ўзаро суҳбати) шаклида ва айни пайтда монолог (бита бола ҳикояси) шаклида ҳам бўлиши мумкин. Мулоқотнинг энг кўп қўлланиладиган шакли диалогдир, шунинг учун болаларга русча сўзлашув нутқини ўрганишнинг энг дастлабки босқичида тарбиячи диалогик нутқни ривожлантиришга эътибор қаратиши лозим.

Ўқишнинг энг бошиданок болалар берилган саволни тушуниши ва унга жавоб қайтариши, шунингдек, ўзлари ҳам савол беришни ўрганиши даркор. Савол бериш нафақат рус тилини ўзлаштиришда, балки она тилини ўрганишда ҳам жуда қийин вазифа ҳисобланади. Буни таълим жараёнида ҳисобга олиш зарур. Русча сўзлар луғатини бойитиш жараёнида диалогик нутқни ривожлантиришга оид ишларни янада мураккаблаштириш лозим. Машғулотларда шундай вазиятлар яратиш зарурки, токи, ҳар бир бола рус тилида гапиришга мажбур бўлсин ва айни пайтда уларда шу тилда гапириш истаги бўлсин.

Ушбу мақсадда кутилмаганлик хусусиятларидан кўпроқ фойдаланиш керак, бу эса болаларда рус тилида гапираётган кишига нисбатан қизиқиш уйғотиш имконини беради.

Русча сўзлашиш нутқини ривожлантириш нафақат машғулотларда, балки ундан ташқарида, болаларнинг эркин фаолиятида ҳам давом эттирилиши лозим. Бунда болаларга таниш бўлган вазиятлардан, маслан: «Она ва болалар», «Туғилган кун», «Меҳмонлар ва мезбонлар» каби вазиятлардан фойдаланиш тавсия этилади. Болалар нутқий фаоллик кўрсатишлари учун ўйинга қўшимча мазмун киритиш керак.

Масалан, «Меҳмонлар ва мезбонлар» ўйинида бола меҳмонга боришдан олдин кўнғироқ қилиши ва мезбоннинг уйдалигини билиши, ёхуд дўстига кўнғироқ қилиши ва ундан меҳмонга бориш-бормаслигини сўраши даркор. Ўйинга қўшимча мазмун киритиш болаларда рус тилида гапириш истаги пайдо бўлишига ёрдам беради, бунинг учун эса шундай ўйинларни уюштириш керакки, токи бола ўйин ҳаракатларини бажариш учун ниманидир сўраши, билиш ёки хабар қилиши зарур бўлсин.

Равон нутққа эга бўлиш болаларга бир-бир билан рус тилида қизиқарли мулоқотга киришиш имконини беради, уларнинг машғулотга қизиқишини оширади, ўқув фаолиятининг ижобий мотивациясини вужудга келтиради.

Равон нутқ кўникмалари ва маҳоратини ривожлантириш учун ўйин шаклида ўтказилиши лозим бўлган машқлардан фойдаланиш тавсия этилади. Чунончи, феълларни ўрганишнинг биринчи босқичидаёқ болалар бир-бири билан рус тилида мулоқот қилиш имконига, яъни бир-бирига русчалаб турли буйруқлар бериш имкониятига эга бўладилар.

Масалан, ҳалокатга учраган кучукчани қутқариш учун у «операция қилинади», бунинг учун «хирург, врач» ўз ёрдамчиларидан («ассистентлардан») момиқ пахта, бинт, қайчи, игна, йод ва бошқаларни талаб қилади.

Ассистентлар, ўз навбатида, хирурга талаб қилинаётган буюмларни уларнинг номларини рус тилида айтиб (Момик пайта беринг! – манна, момиқ пайта. Бинт беринг! – манна, бинт) берадилар.

Ёки: кучукча панжасини ўраб боғлашда унга «ўтир», «ёт», «қўлингни бер», «жим бўл» каби буйруқ берадилар.

Шундай қилиб, болалар машқни бажариш жараёнида тузиши лозим бўлган фикрлар моҳияти, таркиби ва мазмуни ўйин вазифалари ва ўйин қоидалари ёрдамида аниқланади. Бунда ҳар бир янги намунавий қурилмани жорий этиш методикаси муҳим рол ўйнаши даркор.

### **Намунавий тузилмаларни жорий этиш.**

Равон нутқ кўникмаларини ўзлаштиришга оид ишларнинг биринчи босқичи – бу янги намунавий қурилмани жорий этишдир. Ушбу босқичнинг асосий вазифаси болаларнинг қурилма мазмуни, мақсадини, қайси ҳолатларда ундай

фойдаланиш лозимлигини аниқ тушунишларини таъминлашдан иборат. Мазкур қурилма, унинг мазмуни ва ҳаракатининг болалар томонидан яхши ўзлаштириб олиниши учун она тилида тушуштириш талаб этилади.

Масалан, тарбиячи она тилида (ўзбек тилида) шундай дейди: «Қачонки, биз ўзимизда бор нарса ҳақида гапирсак, «менда уйинчоқлар, кўғирчоқ, машина ва бошқа нарсалар бор» деймиз. Тарбиячи она тилида қатор мисоллар келтиради, уларнинг умумий қисм ва қурилмага эга эканлигини таъкидлайди: «Менда...», «Менинг кўғирчоғим бор». Тарбиячи эгалик ҳолатини белгиловчи ушбу элементни асосий элемент сифатида таъкидлаб кўрсатади. Зеро, усиз (уларсиз) тарбиячининг нима ҳақида гапираётгани тушунарсиз бўларди.

Шунингдек, тарбияланувчиларга уйларидаги ўйинчоқлари (бошқа нарсалари) ҳақида она тилида сўзлаб бериш таклиф қилинади. Ушбу усул мустақил фикрларнинг туғилишига ҳамда болаларнинг диққат-эътиборини эгалик ҳолати уларнинг она тилида қандай фойдаланишига жалб қилишга ёрдам беради. Сунгра тарбиячи русча иборанинг тегишли намунавий қурилмасини киритади: «Агарда биз ўзимизда бор нарсалар ҳақида рус тилида айтадиган бўлсак, манна бундай дейишимиз керак (навбати билан қўлига ўйинчоқлар ва сабзавотларни олади): «У меня есть кукла», «У меня платье», «У меня яблоко».

Янги қурилма, унинг нутқдаги вазифасини болалар аниқ ўзлаштириб олишлари учун болаларга улар ўзлаштириб олган сўзлар билан тўлдирилган анна шундай қурилмалардан иложи борича кўпроқ бериш зарур («у меня есть книга, платье» ва ҳоказо). Ҳар бир қурилманинг турли хил намуналарини турли лексик материаллар орқали кўрсатиб бериш болаларнинг она тилига таяниш мумкин бўлмай қолган ҳолатларда янги қурилмаларни муваффақиятли қўллай олиш имконини беради. Қурилмалардан кўп марта фойдаланиш (кўргазмали воситалар ёрдамида) болаларга унинг учун мажбурий бўлган элемент — сўзлар уйғунлигини таъминловчи феълни ажратиб кўрсатиш имкониятини яратади.

Равон нутқ кўникмалари ва тажрибасини шакллантириш учун машқлар тизимига қўйиладиган умумий талаблар — доимийлик, яъни уларнинг юқори даражада такрорланувидан иборат. Бунга қурилма тузилмасини сақлаш, лекин бир

вақтнинг ўзида ўйин вазиятини доимий равишда ўзгартириб бориш орқали эришиш мумкин. Чунончи, масалан, «Мен + феъл» (Мен боряпман, мен еяпман ва ҳ.к.) қурилмасидан фойдаланиш кўникмасини қуйидаги ўйинли вазиятларда қўллаш мумкин: турли касб эгалари ўз фаолиятлари ҳақида ҳикоя қилиб берадилар (мен болаларни даволайман, мен уларга ёзишни ўргатаман), улар эрталаб уйда, кўчада, дўконда нима қилганликларини (мен чой ичдим, мен ювиндим, мен дўкондан нон сотиб олдим ва ҳ.к.) сўзлаб берадилар.

Шундай қилиб, болалар боғчасида таълим ишларини олиб боришда равон нутқ кўникмалари ва тажрибасини шакллантиришнинг асосий усули ўйинли ўқув – нутқ вазияти ҳисобланади. Ана шундай вазиятларни вужудга келтириш усуллари ва йўллари равон нутқни ривожлантириш методикасининг асосини ташкил этади.

Бу ишни ворислик тамойилларига амал қилган ҳолда мактабда педагог давом эттиради. Бунинг учун у ўқишни бошидан бошлаши шарт эмас, балки ўқувчиларнинг нутқий маҳоратларини бирхиллаштиришдан бошлаши зарур. Чунки, ўқувчилар ичида болалар боғчасидаги катта ва тайёрлов гуруҳларида тарбияланган болалар ҳам ва, умуман ҳеч қаерда ўқимаган болалар, яъни «уй» болалари ҳам бўлади. Педагог болаларнинг мактабгача бўлган даврда рус тилидан олган билим ва кўникмалари даражасини текшириб чиқиши зарур. Бунинг учун саволнома тайёрлаб олиш ва ҳар бир ўқувчини текшириб чиқиш талаб этилади. Берилган саволлар болаларга боғчадан таниш бўлган сўзлар ва сўз бирикмаларидан иборат бўлиши лозим.

Педагог дастлаб ҳар бир боланинг юрагига йўл топа олиши даркор. Биринчи синфда болалар боғчасида ўйналадиган барча ўйин турларидан фойдаланиш мумкин. Машғулотларда кўргазмали қурол сифатида ўйинчоқлар, ўйинчоқ идишлар, мебеллар, қўғирчоқлар кийимларидан фаол фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Билмасвой ва Буратино каби эртақ қаҳрамонлари ва болалар кўрсатувлар персонажлари иштирок этадиган дарслар катта муваффақият билан ўтади. Педагог уларнинг номидан саволлар, топшириқлар беради, суҳбат олиб боради. Шунинг унутмаслик керакки, билим даражаси қандай бўлишига қарамасдан мактаб ёшидаги кичик болалар

болалигича қолади, улар учун ўйин — асосий фаолият тури ҳисобланади.

Бошланғич синфларда рус тили дарслари асосан оғзаки суҳбат шаклида, яъни бир вақтнинг ўзида рус тилида суҳбатлашиш, диалог, оддий раван ҳикоя қилиш, нутқий ўйинлар, шеър ёдлаш, жўр бўлиб куйлаш, саёҳат-машғулотлар, расм чизиш каби шаклларда ўтказилади.

Жонли фаол нутқ шароитида айнан битта нутқий ҳаракатни кўп марталаб қўллаш нутқий кўникмаларни яратишнинг бош шартли эканлиги боис дарсларда тегишли шарт-шароитларда вужудга келадиган ва шу тарзда нутқий фаолият рўй беришини рағбатлантирадиган вазиятларни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи синфда саёҳат шаклидаги дарслар муайян ўрин тутади. Саёҳат пайтида атроф-муҳит, ўқувчиларнинг турли хил ҳаракатлари педагог ва ўқувчиларга суҳбат мавзусини белгилаб беради. Атрофни ўраб турган барча нарсалар биринчи синф ўқувчиларининг рус тилидаги нутқий мулоқоти учун таъсирчан омил бўлиб хизмат қилади.

Саёҳат ўқувчиларга реал ҳаётдаги турли вазиятларда мулоқот ўрната олиш учун ўзлаштирилган материалдан фойдаланишни ўргатади. Бироқ, саёҳатни ўтказишда болаларнинг сўз бойлигини ҳисобга олиш ва суҳбат мазмунини ҳам шунга қараб илгаридан ўйлаб қўйиш лозим.

Рус тилини ўрганиш жараёнида ўқув саёҳатларини болаларга она тилида ўқитиладиган «Атроф-муҳит билан танишув» фанини ўрганиш билан биргаликда уюштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Атроф-муҳит билан танишиш орқали болалар русча гапириш тажрибасидан фойдаланадилар.

Ўқувчиларга русча сўзларни тўғри талаффуз этишни ўргатиш биринчи ва кейинги синфлардаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади ва у ўзбек болаларида рус тилига хос бўлган артикуляциявий базани яратишга кўмаклашиши лозим. Бу эса уларни ўрта ва юқори синфларда рус тилини ўрганишга тайёрлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Биринчи синфларда рус тили дарслари кўпроқ вазиятлар, буюмлар ва бошқа кўргазмали қурооллардан фойдаланилган ҳолда ўтилади. Она тилидан эса фақат заруратга қараб, айниқса рус тилини ўрганиш аҳамияти ҳақида суҳбатлар ўтказишда,

дарсининг ташкилий жиҳатларини тушунтириб беришда, айрим сўзлар ва ифодаларни семантизация қилишда ва тарбиявий тусдаги суҳбатларни ўтказишда фойдаланилади. Қолган ҳолатларда имкони борича дарсда она тилидан фойдаланмаган маъқул.

Ўқувчиларда энг оддий русча сўзлашув нутқини шаклантириш ва уни мустақкамлаш мақсадида аудио машқларига, яъни педагогнинг оғзидан, грампластинкадан ва магнитофондан кичик эртаклар, ҳикоялар ва сахна кўринишларини тинглашга жиддий эътибор бериш лозим. Бунда ўзбек мактабларининг бошланғич синфлари учун нутқни ривожлантиришга оид суратлар, диафильмлар лавҳалари, слайдлар каби кўргазмали қурооллардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай машқлар тилга оид материални янада ҳис-ҳаяжон билан ва чуқур англаган ҳолда қабул қилишга ёрдам беради.

Замонавий ўқувчилар ҳар бир оилага тобора чуқур кириб бораётган телевизор, магнитофон, видеомагнитофон каби техникаларни яхши биладилар. Улар илк ёшларидан бошлабоқ, катта қизиқиш ва завқ-шавқ билан рус тилида бериладиган мультфильмлар ва кўғирчоқ фильмларни кўра бошлайдилар, бу эса уларда рус тилига бўлган қизиқишини оширади ва тинглаш қобилиятини такомиллаштиради.

Биринчи синф педагогси саёҳатлар билан бир қаторда болаларни рус тилида кўрсатиладиган мультфильмлар ва кўғирчоқ фильмларни кўришга олиб боришни уюштириши мумкин. Бундай аудиовизуал материал асосида дастурда кўзда тутилган айрим кўникмалар тезроқ ишлаб чиқилади (масалан, тинглаш, саволларга жавоб бериш, диалог, равон ҳикоя қилиб бериш ва ҳ.к.).

Матнларни, жўровоз бўлиб ижро этиладиган кўшиқларни ва шеърларни ўрганишда магнитофондан фойдаланиш мумкин. Зеро, у намунавий талаффузни бир неча бор эшитиб кўриш ва уни ўз талаффузи билан таққослаш, шу билан бирга ўзидаги нутқий камчиликларни бартараф этиш имконини беради.

Болаларга русча нутқни муваффақиятли равишда ўргатишда педагогнинг болаларнинг ота-оналари билан олиб бориладиган ишлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу иш оилада боланинг рус тилига бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг мактабда олган нутқий кўникма ва

тажрибаларини фаол қўллашига қаратилган муҳит яратишга йўналтирилади.

Биринчи синфларда рус тили дарсида баҳо қўйилмайди, балки ўқувчилар жавобларига оғзаки шаклдаги рағбатлантириш ва маъқуллаш йўли билан баҳоловчи таърифлар бериледи.

Ўқув йили тугагандан сўнг ўқувчилар билимларини, уларнинг нутқий кўникма ва маҳоратларини эрталабки тадбирлар («утренник») шаклида кўриқдан ўтказиш тавсия этилади. Бу тадбирга ота-оналар, бошқа синфлар ўқувчилари таклиф этиладилар. Унда биринчи синф ўқувчилари рус тилида шеърлар айтадилар, кўшиқлар куйлайдилар, кичик ҳикояларни ижро этадилар, диалог-суҳбат намойиш этадилар ва ҳ.к.

Дастурий талаблар, болалар боғчаси шароитида болаларни ўқитиш шакллари ва усулларини кузатиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ўзбек болаларига илк босқичларидаёқ рус тилини ўқитишдаги ворислик ва истиқболлилиқнинг асосий йўналиши, энг аввало, уларнинг оғзаки нутқини ривожлантиришдан иборат бўлиши лозим. Бунга ўйинлар ва энг кўп даражада табиийликка яқинлаштирилган вазиятлар орқали эришилади.

Шу муносабат билан яхши русча нутқ муҳитини яратиш таълимга нисбатан ягона принципиал ёндашув ҳисобланади. Болалар радио ва телекўрсатувлар орқали педагогнинг болалар ҳаётига мос бўлган ва уларни рус тилини ўрганишга ундовчи намунавий русча нутқини эшитишлари зарур.

Таълимда ворислик ва истиқболлилиқ асоси сифатида тил бўйича амалий кўникмаларни ўзлаштириш (орфоэпия, нутқнинг ифодалилиги, унинг грамматик тўғрилиги); ўқувчиларнинг билишга интилишлари, рус тилига бўлган қизиқишларини кучайтириш; фикрлаш асосида уларнинг нутқий мустақиллигини ривожлантириш каби қоидаларни ҳам кўриб чиқиш мумкин.

Айтиб ўтилган қоидаларни етарли даражада баҳоламаслик ворислик ва истиқболлилиқнинг бузилишига, болалар боғчалари ва мактабларидаги талаблар ягоналигига путур етишига олиб келиши мумкин ва буларнинг барчаси рус тилини ўқитиш ишига салбий таъсир кўрсатади.

Таълимнинг истиқболлиги тамойилига амал қилган ҳолда рус тилини ўқитишнинг кейинги босқичларида пайдо бўладиган янгиликларни назардан қочирмаслик даркор.



Мактабда собиқ боғча тарбияланувчиси ўзининг русча нутқини нафақат эшитиш ва гапиришда, балки ўқиш ва ёзишда ҳам такомиллаштиради.

Йил ўтгани сайин унинг русча нутқида вазиятлилик чекина боради, унинг ўрнини ирода омили эгаллайди (педагог топишириғини бажариш учун нимадир қилиш керак, дарсда жавоб бериш керак). Тил ўрганиш объектига айланди. Бу мактабда пайдо бўладиган янгиликнинг айнан ўзидир.

Рус тилини ўқитаётган тарбиячи ҳам, бошланғич синфлар педагогси ҳам чет эл тилини ўқитишнинг асосий вазифаларини унутмаслиги ҳамда болларнинг уларга келгусида рус тилини ўрганишда зарур бўладиган асосий маҳорат ва кўникмаларни етарли даражада эгаллаб олишларига ёрдам беришлари лозим.

## РЕЗЮМЕ

Ворислик ва истиқболлилик — бу доимий ўқув тарбия жараёнининг элементлари ҳисобланади. Ушбу элементлар таълимга нисбатан ягона принципиал тамойилга, ундаги ягона кўрсаткичларга риоя қилиш; таълимнинг ҳар бир босқичида болалар тилининг ривожига янгиликларни тушуниш; ушбу босқичларда таълим мазмуни ва натижаларини ўзаро уйғунлаштиришдан иборат.

Мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш уларни ҳар томонлама ривожлантиришни кўзда тутади. Мактабгача ёшдаги болаларни ўқитишни беш ёшдан бошлаш лозим, чунки бу даврда болада билиш жараёнлари жуда тез шаклланади.

Болаларга рус тилини ўқитаётган педагог рус ва ўзбек тилларини билиши ҳамда мактабгача ёшдаги болаларга чет тилини ўқитиш методикасини ўзлаштирган бўлиши лозим.

Педагог нутқи тушунарли, фонетик ва грамматик хатоликларсиз бўлиши лозим.

Мактабгача ёшдаги болаларга рус тилини ўқитишнинг асосий мақсади — бу мулоқот қилиш ва атрофдаги борлиқни англаш воситаси сифатида тилни энг оддий даражада эгаллаб олишдан иборатдир.

Болалар боғчаларида болаларга рус тилини ўқитишнинг асосий шакли машгулотлар, мактабда эса дарс ҳисобланади.

Болалар боғчасидаги машгулотлар ва мактабдаги дарслар вазиятли ўйин асосида ўтказилиши ҳамда кўп қиррали тарбиявий йўналишга эга бўлиши лозим.

Болаларни рус тилига ўқитиш жараёнида педагог дарсда ҳушмуомалалик, қизиқувчан муҳитини таъминлаши; рус тилига ва бу тилда гапиришга қизиқиш уйғотиши зарур.

Болаларга рус тилини ўқитишнинг илк босқичларида таълимдаги ворислик ва истиқболлилиқнинг асосий йўналишлари, энг аввало, болаларда табиийликка кўпроқ яқинлаштирилган ўйинлар ва ўқув вазиятлари асосида оғзаки нутқни ривожлантиришга йўналтирилиши лозим.

Сифатли ўзлаштиришни таъминлаш мақсадида ўқувчилар учун ўрганилаётган тилда нутқий муҳитни яратиш зарур, бу эса педагогнинг, ота-оналарнинг ва бошқаларнинг мазкур чет тилидаги намунавий нутқини тинглаш, радио, телевидение орқали болалар ҳаётига яқин бўлган ҳамда уларни чет тилини ўрганишга ундайдиган кўрсатув ёки эшиттиришларни эшитишни кўзда тутати.

Таълимнинг истиқболлилиқ тамойилини ҳисобга олган ҳолда педагог таълимнинг кейинги босқичларида пайдо бўладиган янгиликларни назарда тутиши ҳамда болаларнинг чет тилини ўрганишни давом эттириши учун зарур бўладиган асосий нутқий қобилияти ва кўникмаларини эгаллаш учун тегишли педагогик шароитлар яратиши зарур.

### **САВОЛЛАР ВА ВАЗИФАЛАР:**

1. Мактабгача ва мактаб ёшидаги кичик болаларга чет тилини (рус тилини) ўқитишдаги ворислик ва истиқболлилиқ нимани англатади?

2. Мактабгача ва мактаб ёшидаги кичик болаларга рус тилини ўқитишдаги ворислик нималардан иборат? Нима учун шундай деб ўйлайсиз?

3. Қайси ёшдан бошлаб болаларга чет тилини ўқитиш тавсия этилади? Ўзингиз тавсия этаётган ёшнинг афзаллиқларини тавсифлаб беринг.

4. Мактабгача ёшдаги болаларга рус тилини ўқитишнинг асосий вазифаларини айтиб беринг.

5. Икки йиллик таълим жараёнида мактабгача ёшдаги болада қандай нутқий қобилиятлар ва кўникмаларни шакллантириш зарур?

6. 1-синфда болаларга рус тилини ўқитиш борасидаги вазифаларни тавсифлаб беринг.

7. 1-синфда болаларга рус тилини ўқитишда таълимнинг тарбиявий йўналтирилганлиги нимада ифодаланади?

8. Болалар боғчасида ва бошланғич синфларда болаларга рус тилини ўқитишнинг асосий шакллари айтиб беринг ҳамда уларни тавсифланг.

9. Болаларга рус тилини ўқитишнинг илк bosқичларида таълимнинг асосий ворислик ва истиқболлилик йўналишларини тавсифлаб беринг.

10. Болалар боғчаси ва мактабнинг болаларга рус тилини ўқитиш борасидаги биргаликдаги ҳаракати нималарда ифодаланади?

11. Рус тилидаги нутқий фаолият кўникмаларини айтиб беринг.

12. Болаларга рус тилини ўқитишда ворислик ва истиқболлилик учун асос бўлиб ҳисобланадиган қоидаларни айтиб беринг ҳамда уларнинг ҳар бирини тушунтиринг.

## **БОЛАЛАРДА РУС ТИЛИГА ҚИЗИҚИШ УЙЎТИШ**

Болаларнинг иккинчи тил сифатида рус тилини муваффақиятли ўзлаштириб олишлари нафақат объектив шарт-шароитларга, балки субъектив шарт-шароитларга ҳам боғлиқдир. Буларнинг ичида тилнинг ўзига нисбатан шахс сифатида ёндашув, тўғрироғи унга бўлган билиш истаги муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Агар таълим олаётган болаларнинг ўзлари ушбу жараёнга бефарқ бўлсалар ва унда иштирок этишга интилмасалар, кўргазмали ўқув қуролларининг қанчалик тўлиқ ва мукамаллигига, таълим жараёни қанчалик самарали методалар ва усуллар билан олиб борилаётганига қарамасдан кутилган натижаларга эришиш муваффақиятсиз кечади.

Амалиётда рус тилига ўқитиш жараёнида машғулотлар, дарсларнинг ҳиссиёт билан боғлиқ жиҳатларига кўпинча етарли даражада эътибор берилмайди ва бу ўқувчиларнинг зарур ўқув материални ўзлаштирмасликларига олиб келади.

В.А.Сухомлинский ҳам ўз асарларида агар таълим жараёнида тегишли ҳиссий муҳит мавжуд бўлмаса, машғулотлар ўқувчиларда рус тилига бўлган жонли қизиқишни кучайтирадиган самарали ҳиссий рағбат воситаларидан

фойдаланилмаса энг яхши дарс услуби ҳам яхши натижа бермаслигини бир неча бор таъкидлаган.

Энг яхши тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳиссиёт омили фикрлаш жараёнига тааллуқлидир, у ахборотни ишлаб чиқиш жараёнларини назорат қилиш ва тартибга солиш учун зарурдир. Инсоннинг фикрлаши ўзининг алоҳида мотивлари ва эҳтиёжларига эга.

Ақлий ҳиссиётлар инсон руҳиятидаги фикрлаш ва ҳиссиёт соҳаларининг амалда бир-бирига қўшилиб кетганлигининг ёрқин ифодасидир. Бунга ҳиссиётга қизиқувчанлик, ҳақиқатни яхши кўриш, кутиш, шубҳаланиш, ҳайрон қолиш, завқланиш, доно фикрга лол бўлиш, секин фикрлашдан ҳафсаласи пир бўлиш, тушунмаслик азоби ва ҳоказолар киради.

Ақлий ҳиссиётлар «қучоғида» инсон ўзининг ақлий фаолиятини кузатиб боради ва фикрлаш жараёнининг айрим жиҳатларини тартибга солади<sup>13</sup>.

Маълумки, одамга ўз она тилидан бошқа тилни (рус, ўзбек, инглиз ва бошқ.) ўргатишга одатда, бир неча йиллар кетади, лекин амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бу борада эришилган натижалар жуда паст даражада. Нима учун шундай? Балки, одатдаги ўқув жараёнида фақат хотира ва нутқ марказлари ишлаши ва ҳиссиёт соҳасининг ишга туширилмаслиги учун шундайдир. Педагогнинг вазифаси ҳиссиётни қизиқарли ўйинга «қўшиб юбориш»дан иборат ва ана шунда натижа ҳайратланарли бўлади.

Рус тилига оид билимларнинг тўлиқ ўзлаштирилиши учун улар нафақат тушунарли бўлиши, балки ўқувчилар томонидан ҳис қилиниши ҳам лозим. Ўқувчилар кўпинча бошидан кечирадиган ҳиссий «очлик» ушбу тилни ўрганишга нисбатан салбий муносабатни, қаршилиқни, олинаётган ахборотни қабул қилмаслик истагини шакллантиради. Ижобий ҳиссиётлар эса аксинча, асаб тўқималарининг уйғонувчанлигини оширади ва руҳий жиҳатдан тартибга солишни яхшилайтиди, бу эса ўқув материални нисбатан енгил ва мустақил қабул қилишга ёрдам беради.

Рус тили машғулотида ҳиссий муҳит яратилишига тўсқинлик қилувчи сабаблар нималардан иборат?

<sup>13</sup> Сазонтъев Б.А. О сочетании рационального и эмоционального в публичной речи. — М.: 1974, 5-бет.

Бундай сабаблардан бири шуки, болалар гуруҳи (синф) педагог томонидан яхлит бир бутунлик сифатида қабул қилинади ва унда барча ўқувчилар ўқув материални бир хил қабул қилмоқдалар, деган хато тасаввурни шакллантиради.

Педагог билан ўқувчилар ўртасида катта оралиқ масофа мавжуд бўлган ҳолатларда педагог имкон даражасида воситалар ёрдамида бу масофани қисқартиришга ҳаракат қилиши, ҳар бир боланинг ёнига бориши ва улар билан тушунарли тилда сўзлашиши лозим.

Таълим жараёнида болалар билан жонли ва узвий мулоқот жуда зарурдир. У нафақат тил воситалари ёрдамида, балки ёқимли табассум, илиқ назар, жалб қилувчи талаффуз ёрдамида ҳам амалга оширилиши лозим, дарс жараёнида зўрма-зўракилик ҳолатларининг олдини олишга интилиш зарур. Қачонки, педагог ўқувчиларни чуқур ҳурмат қилмас экан, ўртадаги сунъийликни олиб ташламас экан, болалар фақат бу дарснинг тезроқ тугашини орзу қилиб ўтирадилар.

Амалиётда педагоглар кўпинча рус тили дарсларида мутлақ жимжитлик ва «темир» интизом ўрнатишга интиладилар. Бундай дарсларда одатда, ҳаммаси аниқ режалаштириб куйилган, фақат бир нарса, яъни — жонли муҳит, ижодий жараён, билим олишга бўлган ҳақиқий интилиш йўқ. Ҳиссий кечинмаларсиз, педагог билан болалар ўртасидаги дўстона муносабатларсиз, қизиқишсиз таълимда яхши натижаларга эришиб бўлмайди. Янги ўқув материали нафақат тушунарли бўлганида, балки у чуқур ҳис қилинган тақдирдагина бола тўлақонли, мустақкам билим олди, дейиш мумкин. Моҳирона берилган янги билимлар болалар қалбида қувончли ҳаяжон ҳисларини уйғотиши лозим.

Баъзан ҳақли савол туғилган нима учун замонавий техника воситалари, пухта ишлаб чиқилган таълим методикаси, ҳар хил самарали машқлар ўрин олган турли ўқув-методик қўлланмалар мавжудлиги шароитида биз рус тилини ўқитиш жараёнида ҳар доим ҳам яхши натижаларига эриша олмаймиз? Нима учун болалар бир тарбиячининг дарсида жон деб рус тилини ўрганишадия, бошқасининг дарсида тезроқ машғулот тугашини интиқлик билан кутишади? Бу ҳолатда машғулотда ҳиссий муҳит яратилишининг сабабчиси педагогнинг ўзидир, зеро у нафақат машғулот мазмуни ҳақида, нафақат ўқув

материалини болаларга етказиш шакли ҳақида, балки яхши кайфият яратиш ҳақида ҳам қайғуриши даркор.

Педагог белгиланган дарс режасини бажаришга интилиб, кўпинча ўрганилаётган материал болаларда қандай ҳислар уйғотаётганини, уларнинг ҳар бири педагогнинг сўзларига қандай шахсий муносабат билдираётганини унутиб қўяди.

Болаларни ҳаяжонланишга, ҳайрон қолишга ва ҳайратланишга мажбур қилган билимлар энг мустаҳкам билимлар ҳисобланади, шунинг учун педагог дарсларда шундай вазият яратиши керакки, токи бола биринчидан, зарур материални рус тилида гапириб беришга мажбур бўлсин, ва, иккинчидан, у бу нарсани хоҳиш-истак билан ва ўз ташаббусига кўра қилсин.

Болалар айнан бир иборани такрорлаган ҳолда педагогдан ўйинчоқ сўрайверсалар, бу улар учун зерикарли бўлади. Бироқ, педагог болаларга бугунги дарсга катта ўйинчоқ — момиқ айиқ ташриф буюрганини ва у ўзи билан бирга турли ўйинчоқларни совға қилиш учун олиб келганини, лекин у совғаларни қайси болаларга беришни била олмаётганини, шунинг учун кимки айиқполвондан совға олишни истаса унинг олдига келиши ва ундан ўйинчоқ сўраши лозимлигини тушунтирса (иложи борича — она тилида), ҳар бир бола керакли иборани айтишни хоҳлаб қолади.

Конспектларда ёки дарсликда баён этилган материалнинг ҳар бир харфига амал қилиб ўтириш мумкин эмас. Педагог — бу дарсликда баён этилган материални ўз хоҳишича талқин этадиган ижодкордир.

Рус тилини ўқитиш амалиётида ҳар доим ҳам қўшиқлардан, топишмоқлардан, кичик шеърлар, бадиий асарларни саҳналаштиришдан, тил ва нутқий ўйинлардан старли даражада фойдаланиляпти, деб бўлмайди.

Ваҳоланки, чиройли қўшиқ, қизиқарли саҳна кўриниши, шеърни ифодали айтиб бериш бўйича танлов яхши ҳиссий рағбат омиллари бўлиши мумкин.

Педагог машғулотларда қулай муҳит яратишга хизмат қилувчи бундай омилларнинг бой тўпламига эга бўлиши лозим.

Педагогнинг умумий маданияти, унинг ўқув материални болалар онгига қизиқарли тарзда етказа олиш маҳорати, дарснинг яхши ташкил этилганлиги ва ўқув жараёнига нисбатан ижобий муносабат, сўзнинг ифода имкониятларига

эгаллик — болаларда рус тилини ўрганишга қизиқиш уйғотишда катта таъсир кўрсатади. Бунда оҳанг, талаффузга алоҳида эътибор бериш зарур; бир хил оҳанг ўқувчиларнинг уйқусини келтиради. Техника воситаларидан фойдаланиш ўқув жараёнига хилма-хиллик, баён этилаётган материалга эса жонлилиқ ва кўргазмавийлик бахш этади.

Айни пайтда шуни қайд этиш лозимки, ҳиссий рағбат омилларини қўллашда меъёрга риоя қилиш лозим, чунки ҳар қандай меъёридан ортиқчалиқ энг яхши ниятни ҳам лўчга чиқаради.

Ҳатто энг яхши методика ҳам педагог маҳоратининг ўрнини боса олмайди ва у педагогнинг шахсий ташаббусини, унинг касбий маҳорати ва иқтидорини бўғмаслик лозим.

## РЕЗЮМЕ

Боланинг чет тилини билишга бўлган қизиқиши унинг ушбу тилни самарали ўзлаштиришининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Болаларга чет тилини ўқитиш жараёнида ижобий эмоционал муҳитнинг йўқлиги ўқувчиларнинг ўқув материалини ўзлаштирамасликларига олиб келади.

Эмоционал омил фикрлаш жараёнида юзага чиқади, у ахборотни қайта ишлаш жараёнларини назорат қилиш ва тартибга солиш учун зарурдир.

Ақлий ҳиссиётлар инсон психикасининг фикрлаш ва эмоционал соҳаларининг амалдаги бирикмаси ифодаси ҳисобланади.

Ақлий ҳиссиётлар «қучоғида» инсон ўзининг ақлий фаолиятини бошдан кечиради ва фикрлаш жараёнининг айрим томонларини тартибга солади.

Болаларга чет тилини ўқитиш жараёнида педагог хотира ва нутқ марказлари фаолияти учун шароитлар яратиши ҳамда уларни эмоционал соҳага «улаши», яъни эмоцияни қизиқарли ўйинга «айлантириши» лозим.

Рус тилига оид билимлар болалар томонидан ўзлаштирилиши учун улар нафақат тушунарли бўлиши, балки бошдан кечирилган, ҳис қилинган бўлиши лозим.

Эмоционал «очлик» ўқувчиларда тилга нисбатан салбий муносабатни, олинаётган ахборотни қабул қилишни хоҳламаслиқни, унга қаршилиқни келтириб чиқаради.

Ижобий эмоциялар асаб марказларининг уйғонувчанлигини оширади, руҳий тартибга солишни яхшилайдди, бу эса ўқув материални яхши қабул қилишга ёрдам беради.

Рус тили машғулотида ўқув гуруҳининг педагог томонидан бир яхлитлик сифатида қабул қилиниши; барча ўқувчилар ўқув материални бир хил қабул қиладилар деган хомхаёлга бориш; педагог билан бола ўртасида катта дистанция (масофа) мавжудлиги; «темир» интизом; педагоглик маданиятнинг етарли эмаслиги ва бошқа ҳолатлар эмоционал муҳит яратилишига тўсқинлик қиладиган сабаблардир.

Педагогнинг бой эмоционал рағбатлантиргичлар арсеналига эгаллиги унга болаларга чет тилини ўқитиш жараёнида қулай микроклим яратишга ёрдам беради.

Эмоционал рағбатлантиргичларни қўллашда педагог меъёрга риоя қилиши лозим.

### **САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:**

1. Нима учун болаларда чет тилини ўрганишга қизиқиш уйғотиш таълимнинг асосий вазибаларидан бири ҳисобланади?

2. Болаларга рус тилини ўқитиш муваффақияти боғлиқ бўлган шартларни айтинг ва уларнинг ҳар бирини тавсифлаб беринг.

3. Машғулотнинг эмоционал томони нимани англатади? Машғулотларнинг ижобий ва салбий эмоционал жиҳатларига мисоллар келтиринг.

4. Нималар инсон психикасидаги фикрлаш ва ҳиссиёт соҳаларининг амалдаги бирикуви ифодаси ҳисобланади? Нима учун шундай деб ўйлайсиз? Тушунтириб беринг.

5. Болалар чет тилини ўрганиш жараёнида бошдан кечирадиган эмоционал «очлик» нималарда ифодаланади? Уни келтириб чиқарувчи сабабларни тушунтириб беринг.

6. Нималар чет тилини ўқитишдаги эмоционал рағбатлантиргичлар ҳисобланади?

7. Мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш жараёнида тарбиячининг педагогик маҳорати аҳамиятини тавсифлаб беринг.



## ТАЛАФФУЗ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Таълимнинг фонетика соҳасидаги вазифалари. Кулоқни товушларга ва янги тилдаги сўзларга ўргатиш, иккинчи тил (рус тили) товуш қурилишининг асосий қонуниятларини фарқлаш зарурлиги; тўғри адабий талаффуз қоидаларини ўзлаштириш, тилнинг товуш қурилиши асосий қоидалари, яъни ундошларнинг қаттиқлиги юмшоқлиги, жарангли ва жарангсизлигига қараб, бир-бирига қарама-қарши қўйишни ўзлаштириб олиш асосида шева билан гапиришнинг олдини олиш миллий болалар боғчаларида болаларга русча сўзлашув нутқини ўқитишнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Тўғри адабий талаффузни машқ қилишни рус тилини ўзлаштиришнинг кейинги босқичларида ҳам давом эттириш даркор.

Болаларнинг ўз она тилидан бошқа тилни ўрганишлари орфоэпик (ифода) қийинчиликларнинг янги фонетик (товуш) қатламга ўтишидан бошланади. Бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, кўп ҳолатларда ушбу қийинчиликлар инсон нутқида миллий шева кўринишидаги асоратларни қолдиради. Кўпгина ҳолатларда эса орфоэпик (ифода) тўсиқ мамлакатимизда рус тилини ўрганувчилар учун ижтимоий лингвистик шароитлар ўзгарганига қарамасдан енгиб ўтилмай қолаверади. Ҳаттоки, рус муҳотида яшайдиган ва рус тилини етарли даражада эгаллаб олган одамлар ҳам бутун умр бўйи нутқдаги миллий шевадан халос бўлолмайдилар. Шунинг учун мактабгача ёшдаги ва кичик мактаб ёшидаги болаларга рус тилини ўқитишда биринчи машғулотлардан бошлабоқ, уларда тўғри адабий талаффузни шакллантириш ишига алоҳида эътибор бериш лозим. Шу боис, педагог олдида қуйидаги вазифалар туради:

— болаларда артикуляция аппаратининг ҳаракатчанлигини ривожлантириш;

— эшитиш органларини янги тил товушларига ўргатиш;

— бўғинлардаги, сўзлардага товушларни рус тилининг орфоэпик қоидаларига мос равишда соф, тушунарли ифодалашни шакллантириш;

— болалар нутқининг ифодавийлигини, яхши талаффузни шакллантириш;

– миллий шеванинг олдини олиш.

Тўғри талаффуз кўникмаларини шакллантириш нутқнинг товуш маданиятини тарбиялашга оид ишларнинг муҳим қисми ҳисобланади. Бу иш луғатни, равон ва грамматик тўғри нутқни ривожлантириш билан бир вақтда амалга оширилади. Ўз-ўзидан педагоглар ҳар бир машғулотда қуйида келтирилган иш турларини кўзда тутишлари лозим. Яъни, булар:

- суҳбатни эшитиш ва қайтариш;
- лексика ва намунавий гаплар устида ишлаш;
- диалогларни ўрганиш ва ижро этиш;
- қисқа шеър ва қўшиқларни ёд олиш;
- ҳикоя, эртак тинглаш;
- талаффуз, ургу ва оҳанг устида ишлаш.

Рус тилидаги товушларни тўғри талаффуз этишни ўрганиш жараёнида болалар рус тили ва она тилидаги товуш тизимлари бир-биридан фарқланиши туфайли муайян қийинчиликларга дуч келадилар. Кичкинтойларнинг, ҳатто, она тилида яхши гапира оладиган кичкинтойларнинг ҳам артикуляция базаси рус тилининг ўзига хос товушларини ифода этишга мослашмаган.

Олти ёшли болалар рус тилидаги юмшоқ ундошларни қаттиқ ундошлар билан алмаштирадилар, чунки ўзбек тилида ундошлар юмшоқ ва қаттиқ деб ажратилмайди, лекин рус тилининг ўзига хос хусусиятларидан бири ундошларнинг қаттиқлиги ва юмшоқлигига қараб бир-бирига фонетик жиҳатдан қарама-қарши қўйишдан иборатдир. Масалан: в – вь, с – сь, л – ль, р – рь, т – ть, м – мь. Улар гарчи бир ҳарф билан ифодаланса-да, лекин ўз ҳолича мустақил фонемалар ҳисобланади.

Рус тилида сўзнинг маъноси қайси товуш, яъни қаттиқ ёки юмшоқ товуш ифода этилишига боғлиқ бўлади. Масалан: вес – весь, брат – брать, мал – мял.

Рус тилини ўрганишни илк бор бошлаган болаларга «ы» ҳарfli сўзларни талаффуз этиш жуда қийин бўлади. Масалан, улар «ты, мыло, мышка, парты» дейиш ўрнига «ти, мило, мишка, парти» дейдилар.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бошқа миллат болалари учун қаттиқ, ундош ҳисобланган «л» ҳарфини талаффуз этиш ҳам бироз қийин кечади, шунинг учун улар уни юмшоқ ундош билан алмаштирадилар. Масалан, улар «платье, хлопок, вилка,

кукла» дейиш ўрнига «пьятье, хлепок, вилька, кукля» дейишади. Бошқа ҳолатларда эса «л» ва «л'» товушлари аралаштирилиб юборилади, юмшоқ ундош ўрнига қаттиғи айтилади, масалан: «большой, мальчик» дейиш ўрнига «болшой, малчик» дейилади.

Л.В.Шерба шундай деган эди: «...талаффуздаги хато бошқа хатолардан, масалан отнинг грамматик турида йўл қўйилган хатодан яхши эмас, кўпинча эса улардан ҳам ёмон, чунки тилнинг асосий мақсадига — коммуникацияга, яъни ўзаро бир-бирини тушунишга эришишга халақит беради»<sup>14</sup>.

Тўғри талаффуз пойдевори айнан русча сўзлашиш машғулотларида яратилади. Болаларнинг рус адабий тили товушлари ва сўз бирикмаларини тўғри талаффуз қилишни ўрганиб олишлари уларга русча сўзлашув нутқини ўргатиш даврида муваффақият билан иш олиб боришнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

Талаффузга ўргатиш уч босқичда амалга оширилади:

— айрим товушлар талаффузини шакллантириш — бу қаттиқ ва юмшоқ, жарангли ва жарангсиз ундошлар талаффузи устида ишлашни кўзда тутати;

— айрим сўзлар талаффузини шакллантириш бу лексикани тўғри талаффуз қилиш, урғу бериш, сўзда урғу бўғинини ажратишдан иборат;

— намунавий гаплар талаффузини шакллантириш — бу русча гап оҳанглари устида махсус ишлашни кўзда тутати. Тўғри талаффуз кўникмаларини ишлаб чиқишда барча уч турнинг ўзаро узвий ягоналигига риоя қилиш зарур.

Русча талаффузни ўргатишда рус тили товушларини учта гуруҳга ажратиш мумкин.

Рус тили ва она тилининг товуш тизимларини таққослаш қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш имконини беради:

а) осон ўзлаштириладиган ва фонетик жиҳатдан англашни талаб этмайдиган ўхшаш товушлар;

б) талаффузидаги фарқи шунчалик аҳамиятсизки, махсус машқларга эҳтиёжи бўлмаган товушлар;

в) фақат рус тилига хос бўлган товушлар, уларнинг талаффузини ўрганиш махсус тизимини ташкил этади.

<sup>14</sup> Шерба А.В. Фонетика французского языка. — М.; 1957, 13-бет.

Рус тилига хос бўлган бундай фонетик тоифаларга ундошларнинг қаттиқлиги ва юмшоқлиги, русча урғунинг ҳар жойдалиги, оҳанг турлари киради.

Болаларни ўқитишда, энг аввало, қаттиқ, ва юмшоқ, ундошлар талаффузи ўргатилади. Бу борадаги ишлар таккослаш орқали амалга оширилади. Масалан, «школа, класс, кукла» сўзларидаги қаттиқ ундош «л» ни талаффуз қилиш кўникмаларини ишлаб чиқиш учун болалардан ушбу товушни тарбиячига тақлид қилган ҳолда айтиш сўралади.

Агар болалар уни айта олишмаса, бу ҳолда ушбу товушнинг она тилидаги артикуляцияси тушунтириб берилади. «Л» товушини айтишда тил учи юқори тишларга жипс ёпишади», — деб тушунтирилади.

Педагог нутқи тақлид учун ҳақиқий бўлиши лозим. Болалар педагог тўғри талаффуз этилган барча товушларни аниқ эшитишлари даркор. Бунинг учун ҳар бир товушни аниқ ифода қилиш ҳамда болаларга педагогнинг нутқ органлари ҳаракатини кузатиш тақлиф қилиниши лозим, шунда товуш артикуляциясини илгаб олиш осон бўлади.

Русча талаффузни ўргатишнинг дастлабки босқичида педагог имитация (тақлид қилиш) усулидан фойдаланади. Ушбу усулнинг моҳияти шундан иборатки, бунда педагог ўрганилаётган товушни талаффуз қилиш намуналарини намойиш қилади, болалар диққат билан тинглайдилар. Кейин эса педагогга тақлид қилган ҳолда такрорлайдилар. Мазкур усул болаларнинг эрта ёшдан бошлаб тақлид қилишга мойилликларини ривожлантиради.

Русча тўғри талаффузни ўргатишда болаларда фонематик тинглаш қобилиятини ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Баъзи болаларда фонематик тинглаш қобилияти яхши ривожланган ва улар аралаш товушлар талаффузидаги фарқни тез илгаб оладилар, бошқа болаларда эса бу қобилият яхши ривожланмаган, ва шунинг чун улар товушдаги фарқни дарҳол илгаб ололмайдилар. Тарбиячи тинглаш қобилияти суст бўлган болаларга алоҳида эътибор бериши ва улар билан яқка тартибда иш олиб бориши зарур.

Бироқ, таълимда доимий равишда фақат шу усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.

Болаларга қийин товушлар артикуляциясини кўрсатиш ва тушунтириб бериш усулидан доимий равишда фойдаланиш лозим, бу эса талаффузнинг онгли равишда ўзлаштирилишига ёрдам беради.

Педагог у ёки бу товуш таркибида турли нутқ органлари: лаблар, тишлар ва тил иштирок этаётганини кўрсатади ҳамда тушунтириб беради. Болаларнинг товушларни ифода этишда нутқ органлари ҳолатини кўриб олишлари уларнинг тўғри талаффузни ўзлаштириб олишларида ёрдам беради. Бу борадаги иш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, шбу йўналишдаги машқлар ижобий натижаларга олиб келади. Амалиётда бу методик усуллар кўпинча биргаликда қўлланилади ва улар доимо бир-бирини тўлдирадилар. Энди «л» қаттиқ товушининг тўғри талаффузини шакллантиришга қайтамиз.

Тарбиячи товуш артикуляциясини намоиш этади ва болаларга тилнинг талаффуз чоғидаги ҳолатини кўришни таклиф қилади. Сўнгра у товушни бир неча бор талаффуз қилади, кейин эса болалар уни такрорлайдилар.

Кейинчалик «л» товуши дастлаб очиқ, бўғинда талаффуз этилади — ла-ла-ла, кейин ёпиқ бўғинда — ол-ол-ол, сўнгра эса ўйин машқларида талаффуз этилади, шу билан бирга сўзларда мустаҳкамланади, масалан, ла-ла-ла-лапа, ол-ол-ол-стол.

Агар болалар сўзлардага товушни тўғри талаффуз эта олсалар, янги гапларга ва тўрт қаторли кичик-кичик шеърларни ёд олишга ўтиш мумкин.

Бошқа қийин товушларни ўрганишда ҳам ана шундай усуллардан фойдаланилади.

Болаларнинг товушлар артикуляциясини англаб етишлари юмшоқ ундошларни тўғри этишда катта аҳамият касб этади. Бу ундошлар шуниси билан ажралиб турадики, жуфтли қаттиқ ва юмшоқ ундошлар учун умумий бўлган асосий артикуляцияни ифода этишда уларга қўшимча қўшилади: тил орқасининг ўрта қисми юқори оғиз бўшлиғи деворигача кўтарилади. Айнан шу «қўшимча» болалар учун қийинчилик туғдиради.

Ундош товушларни (юмшоқ, қаттиқ, жарангли, жарангсиз) талаффуз қилиш кўникмаларини шакллантиришда таққосланган усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Болаларнинг жуфт товушларнинг юмшоқ, қаттиқ, жарангли ва жарангсизлигига қараб бир-биридан фарқини

сезишларига интилиш жуда муҳимдир. Бунинг учун жуфт товушлар ва бўғинлар талаффузи борасида кўп машқ қилиш лозим. Масалан: товушларда: п-б, в-ф, д-т; бўғинларда: па-ба, ва-фа, та-да; сўзларда: папа-баба, вата-фата, том-дом; юмшоқ талаффузда: д-дь, т-ть, с-сь; бўғинларда: да-та, та-тя, са-ся.

Артикуляция аппарати тузилиши ва унинг ҳаракатчанлигининг айрим хусусиятларини билиб олиш болаларга нафақат рус тили товушларини тўғри талаффуз қилишни тезроқ эгаллаб олишга, балки артикуляция аппарати фаолияти ҳамда товушларни ифода қилишнинг аниқлиги ўртасидаги алоқа ва боғлиқликни аниқлашга ёрдам беради.

Артикуляция кўникмалари ва фонетик фаркларни талаффуз қилиш кўникмаларини ўйинли вазиятларга асосланган алоҳида машқларда ўрганиш тавсия этилади. Бу ерда «Угадай, кто пришёл» (Ким келганини топ), «Узнай по голосу» (Овозига қараб аниқла), «Какой колокольчик звенит: большой или маленький» (Қайси кўнғироқча жирингламоқда: каттасими ёки кичиги) каби топшириқларни бериш мумкин.

Ушбу ишни амалга оширишда кўргазмавийликка катта эътибор бериш лозим. Машғулот жараёнида тарбиячи ўйинчоқлар, турли буюмлар, суратлардан фойдаланади. Хусусан, «ш» товушини ўрганишга доир ишларни амалга ошириш чоғида педагог болаларга қатор саволларга жавоб беришни таклиф қилади. Олдиндан фланелеграфда номларида «ш» товуши учрайдиган суратлар тасодифий тартибда териб чиқилади: кошка, мышка, мишка. Суратлар керакли жавобни топиш учун асос бўлиб хизмат қилади. У ёки бу ҳайвонлар номларини айтишда болалар сўзлар ва товушларни аниқ талаффуз қилишни машқ қиладилар.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, болалар ўзларининг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб тўғри русча талаффуз кўникмаларини фақат бу машғулот ўйин шаклида ўтказилган тақдирдагина ўзлаштирадилар. Ўз-ўзидан махсус фонетик ўйинлар болаларда нутқнинг товуш маданиятини шакллантиришнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилади.

Энг аввало, тарбиячи талаффуздаги хатоликларни бартараф этишга ёрдам берадиган ўйинларни танлаб олиши лозим. Бу борада товушларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга қаратилган ўйинлар кенг қўлланилиши даркор.

Масалан, ўзбек болалари «ы» ва «и» товушларини фарқламайдилар, бунинг устига «ы» товушини талаффуз қилишни билмайдилар. Зарур кўникмаларга эришиш учун болаларга қуйидаги фонетик ўйинни таклиф қилиш мумкин. «Топинг-чи, бу нима» деб аталадиган ўйиннинг мақсади болаларнинг «ы» ва «и» товушларини фарқлашни ўрганишидан иборатдир.

Ўйин жараёни: болалар ярим доира шаклида ўтирадилар. Тарбиячи дейди: «Болалар, эшитинг, қайиқ, қандай овоз чиқаради (қайиқнинг расмини кўрсатади): и-и. Энди эшитинг, ҳозир нима овоз чиқармоқда?» (навбати билан ҳар иккала товушни айтади, болалар топадилар).

Олинган билимни мустаҳкамлаш мақсадида педагог бошлаган мавзуни давом эттириб, фонетик ўйин ўтказиши мумкин: «Пароход ёки қайиқ», «Ким нимада». Бундай ўйинлар жараёнида нафақат алоҳида ўйинлар ишлаб чиқилади, балки товуш бирикмалари ҳам машқ қилинади. Масалан: лы-ли, ды-ди, зы-зи, ты-ти, сы-си, мы-ми, бы-би ва ҳоказо.

### **Ўйин: «Балалайка чаламиз».**

Мақсад: — болаларга «л» товушини ундошлар билан бирга айта олишни ўргатиш. Педагог болаларга балалайкани чалиб кўришни таклиф қилади, уни қандай чалиш лозимлигини кўрсатади (Чап қўли билан грифни ушлайди, ўнг қўли билан эса торларни чертади ва «ла-ло, лы-лу, ле-лю» товушларини чиқаради).

Болаларда русча талалффуз кўникмаларини шакллантиришда тез айтишлар ҳам катта ёрдам беради.

Тарбиячи тез айтишлардан фойдаланган ҳолда болаларда рус тилининг энг қийин товушлари, яъни: (е), (з), (н), (ж), (ф), (щ), (ч) товушлари талаффузини муваффақиятли равишда мустаҳкамлаши мумкин.

Тез айтишлардан товуш аппаратини ривожлантириш машқларида ҳам фойдаланиш тавсия этилади (масалан, тез, ўрта, секин).

Масалан: «С», «С'» товушлари:

Са-са-са — это рыжая лиса.

Со-со-со — у Сони колесо.

Су-су-су — вижу я опять лису.

Усь-усь-усь — это большой белый гусь.

«З», «З'» товушлари:  
За-за-за — белая коза.  
З-зу-зу — мыли Зулю в тазу.

"Ц" товуши:  
Цо-цо-цо — на руке кольцо.  
Цы-цы-цы — зелёные огурцы.  
Ец-ец-ец — желтый огурец.

"Ш" товуши:  
Ша-ша-ша — мама моет малыша  
Шу-шу-шу — я письмо пишу.  
Аш-аш-аш — красный карандаш.  
Тише, мыши, кот на крыше.  
А котята ещё выше.

На окошке крошку-мышку.  
Ловко ловит лапой кошка.  
Мышка сушек засушила.  
Мышка мышек пригласила  
Мышки сушки кушать стали.  
Зубы сразу же сломали.

"И", "Ы" товушлари:  
Мама Милу мылом мила.  
Мила не любила.  
Миле в глаз попало мыло.  
Что ты плачешь, Моя Мила?  
Я выплакиваю мыло.

Если руки мыли — вы  
Если руки мыли — мы  
Если руки вымыл — ты  
Значит руки вы-мы-ты.

Тез айтишларни қўллашда кўргазмали қуроллардан (ўйинчоқлар, суратлар) фойдаланиш лозим, шундагина болалар уни катта қизиқиш билан такрорлайдилар ва айтадилар.

Мактабга тайёрланаётган гуруҳда ўтказиладиган рус тили машғулотларида сўз қўшилиши лозим бўлган топишмоқлардан



фойдаланиш мақсадга мувофиқ, чунки бу топишмоқлар болаларни шеърни диққат билан эшитишни ўрганишга, маъно ва мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган сўзларни танлашга ёрдам беради.

Масалан: «С», «С'» товушлари:

Целый день "Уа-уа".

Вот и всё её

Е.Благинина

Серый волк в густом лесу

встретил рыжую...(лису)

С.Маршак

Эй, не стойте слишком близко

Я тигренок, а не ...(киска)

С.Маршак

Ты не бойся – это гусь

Я сама его... (боюсь)

З.Александрова

"З", "З'" товушлари:

Зайку бросила хозяйка

Под дождём остался...(зайка)

Топишмоқларни танлашда уларнинг болаларни ақлий жиҳатдан тарбиялашдаги аҳамиятини назарда тутиш лозим.

Топишмоқлардан товушлар талаффузини мустаҳкамлаш, товуш маданиятининг бошқа жиҳатларини ҳам ривожлантириш учун нутқий материал сифатида фойдаланишда болаларнинг бу топишмоқларни топиш учун умумий тайёргарликка эгаллигини ҳам ҳисобга олмоқ даркор.

Машгулотда боладан тезроқ жавоб олишга интилмаслик лозим. Ҳар бир болага топишмоқни топиш учун ўйлашга имкон бериш керак. Ҳатто топишмоқ, топиб бўлинганидан сўнг ҳам икки-уч боладан қуйидагича сўраб кўриш лозим: "Умида, сен нима деб ўйлайсан? Ким (нима) бу?", "Сен нима деб ўйлайсан, Алишер?" ва ҳ.к.

Шеърлар нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш учун материал сифатида кўп мақадли йўналишга эгадирлар. Улардан ўрганилган товушларни мустаҳкамлаш, талаффузни жойига қўйиш, товуш аппаратини ривожлантириш учун машқ сифатида фойдаланиш лозим. Болалар яхши механик хотирага эга бўлганликлари сабабли уларни осон эса сақлаб қоладилар. Бундан ташқари, махсус танланган шеърларни ёд олиш орқали болалар бир вақтнинг ўзида ўзларининг атроф-муҳит ҳақидаги таассуротларини кенгайтирадилар. Бу эса нафақат русча товушларни талаффуз қилиш кўникмаларини ишлаб чиқиш, балки болаларнинг рус тилидаги сўз бойликларининг фаоллашувига, нутқнинг грамматик жиҳати, фикрлаш ва хотиранинг ривожланишига ёрдам беради.

Масалан, болалар А.Бартонинг "Наша Таня" шеърини ёд олиш орқали "и" товушини талаффуз этишни машқ қиладилар.

Наша Таня громк плачет,

Уронила в речку мячик.

Тише, Танечка, не плачь,

Не утонет в речке мяч.

Саноқ ўйинларидан худди шеърлар каби нутқ маданиятининг айрим жиҳатларини тарбиялашда кенг фойдаланилади. Яъни болалар, қўйидаги саноқ ўйини:

Раз, два, три, четыре, пять —

Вышел зайчик погулять.

Вдруг охотник выбегает,

Прямо в зайчика стреляет,

Но охотник не попал —

Серый зайчик убежал.

Ёдлаш орқали нафақат рус тилидаги барча товушларни тўғри айтишни ўрганадилар, балки уларни шошмасдан, баланд овозда аниқ айтишни машқ қиладилар. Болалар санашни автоматизм даражасига етказиб олишлари ва ўйин шароитида ундан мустақил равишда фойдалана олишлари учун саноқ ўйинини бир неча бор такрорлаш керак.

Қийин товушлар талаффузни ўзлаштиришда таълимнинг техникавий воситалари катта ёрдам кўрсатади. Машғулот бошлангунга қадар қийин товушли сўзлар магнит лентасига ёзиб олинади. Магнитофонни қўйишдан олдин болаларга сўзларни диққат билан тинглаш ва эслаб қолиш таклиф этилади. Магнитофонни тинглаб бўлгандан сўнг кичкинтойлар

сўзларни такрорлайдилар ва уларнинг мазмунини гапириб берадилар, масалан: мактаб, бола, қизалоқ; бу бизнинг мактабимиз. Мана бу бола, бу эса қизалоқ. Бу Рустам деган бола, бу эса Робия деган қизалоқ. Ҳар бир мавзу бўйича тўғри талаффуз этиш учун машқ қилиш талаб этиладиган сўзлар ёзиб олинади.

Қайд этиш лозимки, ҳатто биргина русча сўз ёки товушни тўғри талаффуз қилиш кўникмаларини бир машғулот мобайнида шакллантириб бўлмайди. Бунга дарс пайтида ва ундан ташқарида мунтазам равишда машғулотлар ўтказиш орқали эришилади.

Болаларга тўғри талаффуз қилиш кўникмаларини ўргатишда педагог рус тили ва она тилининг фонетик тизимлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши ҳамда таълим жараёнида уларнинг товуш курилиши хусусиятларини доимо ҳисобга олиши лозим. Барча иш кичкинтойларда оғзаки суҳбатлашув нутқи кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилиши лозим ва, шундагина улар тўғри русча нутқ намуналарини қабул қиладилар ва уларни тўғри талаффуз қилишни ўрганадилар.

## РЕЗЮМЕ

Чет тилини ўрганиш орфоэпик (талаффуз) қийинчиликлардан янги фонетик (товуш) қийинчиликларга ўтишдан бошланади. Шундан келиб чиққан ҳолда болаларга рус тилини ўқитишдаги энг муҳим вазифалардан бири уларда ўрганилаётган тилнинг барча босқичларида адабий талаффуз кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир.

Тўғри талаффуз кўникмаларини шакллантириш нутқнинг товуш маданиятини тарбиялашга оид ишларнинг бир қисми бўлиб, у луғатни бойитиш, равон, грамматик тўғри нутқни ривожлантириш билан бир вақтда амалга оширилиши лозим.

Рус тили товушлари, товуш бирикмаларини тўғри талаффуз этишни ўзлаштириш жараёнида болалар рус тили ва она тилининг товушлар тизими ўртасидаги фарқ, натижасида келиб чиққан қийинчиликларга дуч келадилар.

Болаларнинг рус адабий тилининг барча товушлари, товуш бирикмаларини ўзлаштириб олишлари — уларга русча сўзлашиш нутқини ўқитиш даврида муваффақиятли иш олиб боришнинг мажбурий ва зарур шартидир.

Педагог нутқи тақлид учун намуна бўлиб хизмат қилмоғи даркор.

Ундош товушларни (юмшок, қаттиқ, жарангдор, бўғиқ, товушларни) талаффуз этиш кўникмаларини шакллантиришда товушларни таққослаш усулидан фойдаланиш тавсия этилади.

Артикуляция аппарати тузилиши ва ҳаракатланишининг айрим хусусиятларини билиш болаларга рус тили товушларини тўғри талаффуз этишни тез ўзлаштириб олишга ҳамда артикуляция аппаратининг иши билан товушларни аниқ талаффуз қилиш ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга ёрдам беради.

Артикуляция кўникмалари ва фонетик фарқларни талаффуз этиш кўникмаларини алоҳида машқларда, ўйинли вазиятларда ва товуш тақлидчилиги орқали ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Болаларда русча талаффуз кўникмаларини шакллантиришда кўргазмавийликка катта эътибор қаратиш лозим.

Махсус фонетик ўйинлар болаларда нутқнинг товуш маданиятини шакллантиришнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Болаларга тўғри талаффузни ўргатишда педагог она тили ва чет тилларининг фонетик тизимлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши ва уларнинг товуш қурилиши хусусиятларини ўқув жараёнида мунтазам равишда ҳисобга олиб бориши зарур.

## САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚДАР

1. Болаларда рус тилида тўғри талаффуз кўникмаларини шакллантириш борасидаги вазифаларни тавсифлаб беринг.

2. Педагог болаларга русча сўзлашиш нутқини ўргатиш машғулотларида қайси иш турларини кўзда тутиши лозим? Ҳар бир иш турини аниқ мисоллар ёрдамида тавсифлаб беринг.

3. Болалар ўрганилаётган тилда талаффуз кўникмаларини ўзлаштириш жараёнида рус тили ва она тилининг товуш тизимлари ўртасидаги фарқ натижасида қандай қийинчиликларга дуч келадилар? Ўз жавобингизни аниқ фактлар, ҳаётий мисоллар ёрдамида асослаб беринг.

4. Сиз Л.В.Шербанинг «...талаффуздаги хато бошқа хатолардан, масалан отнинг грамматик турида йўл қўйилган хатодан яхши эмас, кўпинча эса улардан ҳам ёмон, чунки

тилнинг асосий мақсадига — коммуникацияга, яъни ўзаро бир-бирини тушунишга эришишга халақит беради» деган фикрини қўллаб-қувватлайсизми? Ўз жавобингизни мисоллар ёрдамида асослаб беринг.

5. Талаффузни ўргатишнинг уч босқичини тавсифлаб беринг.

6. Талаффузни ўргатишда рус тили товушларини қайси гуруҳларга ажратиш мумкин?

7. Рус тилига хос бўлган фонетик тоифаларни айтиб беринг. Ҳар бир фонетик тоифага мисоллар келтиринг.

8. Имитация методининг моҳияти нимада? Аниқ мисоллар ёрдамида тавсифлаб беринг.

9. Товуш ҳосил қилишда иштирок этадиган турли органларни (лаблар, тишлар, тил) болаларга тушунтириб бериш ва кўрсатиш керакми? Нега шундай деб ўйлайсиз?

10. Рус тилининг ундош товушларини таққослаш усули орқали тушунтиришни аниқ мисоллар ёрдамида тавсифлаб беринг.

11. Товушга тақлид қилиш асосида қурилган фонетик машқлар, ўйинларни тавсифлаб беринг.

## **ИНТОНАЦИЯ ИФОДАЛИЛИГИ УСТИДА ИШЛАШ**

**ИНТОНАЦИЯ** — нутқнинг ритмик-методик жиҳати бўлиб, у гапда синтактик муносабатлар ва ҳис-ҳаяжонли буёқлар воситаси бўлиб хизмат қилади.

Огзаки мулоқотда у ахборотни узатишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Болаларга қаратилган ифодали интонацион нутқ, айниқса, муҳимдир, чунки бола кўпинча маънони узатишнинг бошқа шаклий воситаларига (масалан, савол бўлаклари, айрим олмошларга) эмас, балки айнан шунга эътиборини қаратади.

Рус тили интонацияси кучли ривожланган тил сифатида ажралиб туради, бу эса унинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Нутқда интонациядан фойдаланиш сўзловчидан махсус усулларни қўллаш кўникмаларини талаб этади, бу эса аста-секин — қисқа иборалардан узун ибораларга қараб шаклланиб боради.

**ИНТОНАЦИЯ** — бу нафақат гапни ифодали, "чиройли" талаффуз қилиш, балки ниятга қараб овоз ҳаракатини ўзгартира олиш ва суҳбатдошнинг гапда ифодаланган ниятини тушуна билиш маҳорати ҳамдир.

Психологиядан маълумки, иккинчи тилни ўрганувчи шахс беихтиёр ўз она тилига мурожаат қилади: "Бегона тил товушларини у ўз она тилининг фонологик тизими призмаси орқали эшитади. Бу жаранглаётган нутқнинг барча кўринишларига, барча артикуляция-акустик хусусиятлар фонемаси ва уларнинг сўз ритмикаси, иборалар интонациясининг у ёки бу позициясида пайдо бўлишига ҳам тааллуқдидир<sup>15</sup>.

Норус миллат (ўзбек, тожик) кишиларининг рус тили интонацион тизимини ўзлаштиришдаги қийинчиликларининг асосий сабаби — она тили интонацион тизимининг бу жараёнга таъсир кўрсатишидир. Кичик ёшдаги болалар русча нутқни тўғри интонация қилишни муваффақиятли равишда ўргатиш учун катта имкониятлар туғдиради, чунки бу ёшда болаларнинг нутқ кўникмалари ҳали унчалик автоматлашмаган бўлади ва иккинчи тилнинг интонация базаси мавжуд бўлмайди.

Илк ёшлардаги болаларда тилнинг интонацион тизимлари ҳаммасидан илгари ривожланади ҳамда бола ҳаётининг биринчи йили охирига келиб уларда фонема тизими шакллана бошлайди ва фонемалар асосида мулоқот қилиш ривожланади. Нутққача бўлган биринчи фонемаларни ривожлантиришда ва, айти пайтда, нутқий фаолиятнинг дастлабқи босқичларини шакллантиришда тақдид муносабатларига катта аҳамият берилади.

Нутқий мулоқотни ривожлантиришнинг кейинги босқичида интонация муҳим роль ўйнашда давом этади. У, энг аввало, боланинг айтилган у ёки бу фикрларга ҳис-ҳаяжонли муносабатини ифодалайди; айтилган фикрни аниқлаштиради, уни мазмунан тўлдиради. Болаларга русча сўзлашув нутқини ўргатишнинг дастлабки босқичида (болалар боғчаларида. бошланғич синфларда) интонация устида ишлашга етарли даражада эътибор бермаслик талаффуз ва интонациядаги

<sup>15</sup> Реформаторский А.А. Фонология на службе обучения произношению неродного языка (Миллий фонология тарихидан). — М.; 1970.

хатоликларнинг чуқурлашувига олиб келади. Шунинг учун боланинг табиий нутқ маҳоратларини ривожлантириш ишлари қанчалик эрта бошланса, келгусида тўғри русча сўзлашишни ўқитиш шунчалик муваффақиятли боради.

Интонация русча ибораларни талаффуз этишнинг ўзига хос хусусиятларини мулоқот ҳолатида қайта вужудга келтирувчи махсус машқларда шакллантирилади. Интонация ҳар бир гапни расмийлаштиради. Ҳаттоки, «Бу копток» каби иккита сўздан ташкил топган энг оддий ибора ҳам бир неча усулларда ифода этилиши мумкин:

1. Баён қилувчи интонация билан: Бу тўп (масалан, "сумкангдаги нарса нима?" деган саволга жавоб беришда); баён қилувчи интонация ва пауза — Бу — копток. (масалан, "Кўлингдаги пуфакми? деган саволга жавоб беришда).

2. Савол интонацияси билан: Бу коптокми?

3. Янада мураккаброқ ибора таркибидаги саноқ интонацияси билан, Масалан, хонадаги ўйинчоқлар номларини айтишда: бу копток, бу кубиклар.

"Копток" сўзи бир таркибли гап бўлиши ва баён қилувчи интонация билан айтилиши мумкин ("Сенга нима совга килишди" — "Копток"). Интонациянинг бузилиши гап мазмунининг бузилишига олиб келади.

Ўзбекистондаги миллий болалар боғчаларида (мактабларнинг 1-синфида) рус тилини ўқитиш дастури болаларнинг унчалик катта бўлмаган тил материали асосида иборавий интонациянинг барча асосий турларини ўзлаштиришни кўзда тутди. Хусусан:

а) баён қилувчи гаплар интонацияси билан, шу жумладан таққослаш билан: (Ит катта, мушук эса кичик); қарама-қарши кўйиш билан (бу кубик эмас, балки копток);

б) сўроқ гаплар интонацияси билан, шу жумладан, қарама-қарши кўйиш билан (Уй кўк рангда, эшик-чи?); қайта сўраш билан (Сенда нима бор? Қаламми?); "ёки" боғловчиси билан (Айиқчами ёки қўғирчоқ?).

Гап тури ва интонация тури ўртасида бевосита мослик йўқ. Бироқ айрим гап турларига муайян интонация турлари (баён қилувчи гап учун тасдиқловчи интонация сифатида) хосдир.

Энг кўп тарқалган кичик интонация турлари куйидагилардир:

1. Хабар интонацияси (баён қилиш) ибора ниҳоясига келиб оҳангнинг пасайиши билан тавсифланади (Бола ўйнапти. Қизчада эса қўғирчоқ).

2. Сўроқ гапларининг сўроқ сўзлар билан интонацияси ҳам худди шундай – ким, нима, қанча, қайси, каерда, қандай. Сўроқ гапларининг ўзи бир қадар юқори оҳанги билан ажралиб туради. (Стулда ким ўтирибди? Қандай кўйлак?).

3. Ундаш интонацияси ибора охирига келиб оҳангнинг пасайиши билан ажралиб туради, лекин ундов гапнинг бошланиши нисбатан юқори оҳанг билан айтилади, охири эса нисбатан паст оҳанг билан айтилади (Кубикни келтир! Машинани шкафга олиб бор!).

4. Ҳис-ҳаяжон интонациясида гапнинг охирига келиб оҳанг кўтарилади, бутун гапнинг ўзи нисбатан юқори ва интенсив (тез) оҳанг билан давом этади (Бугун байрам! Бу менинг шаҳрим!).

5. Тугалланмаган (ниҳоясига етказилмаган) интонация, бу русча нутқ учун жуда муҳим бўлиб, у санаш, таққослаш ёки қарама-қарши қўйиш, шарт, изоҳ, муурожаат ва бошқаларда учрайди (Менинг қўғирчоғим, машинам, кубигим ва коптогим бор; кроватда қўғирчоқ ётибди, унинг остида эса мушук бор).

Тарбиячи бу интонация турлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши лозим. У буларни аниқ мисоллар ёрдамида болаларга тушунтирар экан, тинглаш қобилиятини қўллар, таёқчалар ҳаракати, кубикларни териб чиқиш каби кўргазмали қуроллар ёрдамида мустаҳкамлайди. Лекин, бунда рус тилида ҳукмрон бўлган овознинг ибора охирига келиб пасайиши ўзбек тилига хос бўлган оҳанг кўтарилиши билан алмаштириб юборилмаслигига, яъни тасдиқловчи маъно ўрнига сўроқ гап келиб чиқмаслигига эътиборни қаратиш жуда муҳимдир.

Болаларга русча сўзлашув нутқини ўргатиш жараёнида гапнинг охирига тўғри интонация қилиш, сўроқ гапларни савол билан ва саволсиз интонация қилиш, гапда мантиқий марказни ажратиш кўрсатиш, санаш ва таққослаш иштирок этадиган гапларни интонация жиҳатдан тўғри талаффуз қилишга алоҳида эътиборни қаратиш даркор.

Тўғри, русча сўзлашув интонациясини машқ қилиш алоҳида ҳолатда эмас, балки болаларни оғзаки сўзлашув нутқига ўргатиш жараёнида олиб борилиши лозим.



Таълимнинг дастлабки босқичида болаларни энг кенг тарқалган интонация турларидан бири бўлмиш ундов интонацияси билан таништириш лозим. Сўнгра хабар қилиш ва баён қилиш интонациясини ўрганиш лозим. Кейинчалик эса болалар савол ва санок интонациясини ўзлаштирадилар.

Норус миллат болалари (ўзбеклар, тожиклар)нинг нутқидаги интонация ифодалилиги устида ишлашда қуйидаги машқлардан фойдаланиш тақлиф этилади:

1. Диққат билан тингланг. Айтинг-чи, мен қайси сўзни кучлироқ айтаман:

На столе лежит книга. Это книга маленькая. Это моя книга.

2. Саволни диққат билан эшитинг. Унга бир сўз билан жавоб беринг.

У тебя есть мяч? — (есть).

У тебя большой мяч? — (большой: да, нет).

Это твой мяч? — (мой, нет, да).

Болалар барча жавоб вариантларидан фойдаланганлари маъкул.

Бунинг учун уларга савол бериш мумкин: Бу саволга яна қандай жавоб бериш мумкин? Машғулот мақсадидан келиб чиққан ҳолда тақлиф этилаётган грамматик қурилмаларда тегишли интонация ҳам ишлаб чиқилади.

1. Диққат билан эшитинг. Такрорланг:

Это парта. Он ученик. Она ученица.

Это наша школа. Это школа наша.

Педагог баён қилувчи гапнинг ниҳояси тўғри интонация қилинишига интилади.

2. Савол ва жавобларни мен қандай айтишимни диққат билан тингланглар.

Такрорланг: Кто это? — Это Азамат.

Это кто? — это Карим.

Что это? — Это стул.

Это что? — Это стол.

Педагог савол ва жавобдаги оҳанг ҳаракатини тушунтириб беради ва таққослайди.

3. Диққат билан тингланг. Саволларга жавоб беринг:

Кто это?                      Что это?

Учинчи интонацион курилмани ишлаб чиқишда саволлар ва жавобларда айнан бир хил лексик таркибдан фойдаланилади.

1. Менинг саволлар ва жавобларни қандай айтишимни диққат билан тингланг:

Такрорланг: Кукла? — кукла. Сидит? — сидит.  
Дети? — дети. Играют? — играют.

2. Это кукла? — это кукла.  
Кукла сидит? — кукла сидит.  
Дети играют? — дети играют.

3. Тебя зовут Озод? — Меня зовут Озод.  
Дети идут в школу? — Дети идут в школу.  
Книга лежит на столе? — Книга лежит на столе.

Суратга диқат билан қаранглар.

Бу ерда нима тасвирланган?

Бу сўзларни савол-жавоб сифатида айтинг.

Пирамидка? — Пирамидка.

Дерево? — Дерево.

Парта? — Парта.

"И" (ва) боғловчили гапларнинг интонациясини ўрганишда пауза, оҳанг кўтарилиши ва тушишига эътибор қаратилади.

1. Диққат билан тингланглар. Такрорланг:  
Это ложка и вилка. Это стакан и тарелка.

2. Ушбу гапларни сўроқ гаплар сифатида айтинг.  
Это ложка и вилка? Это стакан и тарелка?

Педагог гапни бошлайди, болалар эса уни тўғри интонация қилган ҳолда тугаллайдилар ва такрорлайдилар.

1. Диққат билан эшитинг. Мен гапни бошлайман, сизлар эса уни ниҳоясига етказасизлар. (педагог кўргазмали куруллар — суратлар, ўйинчоқлардан фойдаланади).

Это твоя (кукла)? У тебя есть (мяч)? Это красное (пальто)?

2. Кўпгина ўзбек ва тожик болалари русча нутқ муҳитидан маҳрум бўлиб; улар иккинчи тил билан фақат болалар богчаси ёки мактабдагина танишадилар. Ушбу ҳолатда педагог нутқи тақлид қилиш учун ягона намуна бўлиб хизмат қилади.

Педагогнинг нутки қанчалик интонацияли ва грамматик тўғри бўлса, ўқувчиларнинг нутқи ҳам шунчалик тўғри ва ифодали бўлади. Техникавий воситалар, эртақлар, шеърлар, рус тилидаги диалоглар намуналарини эшитиш педагогга интонация устида ишлашда катта ёрдам бериши мумкин.

### **РЕЗЮМЕ**

Рус тили интонацияси кучли ривожланган тил сифатида ажралиб туради, бу унга хос хусусиятлардан биридир.

Нутқнинг интонацион ифодали бўлиши учун сўзловчи махсус усулларни билиши лозим.

Бошқа миллат кишиларининг рус тили интонация тизимини ўзлаштиришда дуч келадиган асосий қийинчиликлари — бу унга она тилининг интонация тизими томонидан кўрсатиладиган интерферловчи таъсирдан иборатдир.

Болаларда интонацияни махсус машқлар ёрдамида шакллантириш лозим.

Педагог нутқи тақлид учун намуна бўлиб хизмат қилмоғи даркор.

### **САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИКЛАР**

1. Интонацияга кенгайтирилган таъриф беринг.
2. Бошқа миллат кишиларининг рус тилининг интонация тизимини ўзлаштиришдаги қийинчиликлари нималардан иборат?
3. Қайси ёш русча нутқнинг тўғри интонациясини муваффақиятли ўргатиш учун катта имкониятлар яратиб беради? Нима учун шундай деб ўйлайсиз?
4. Болаларга русча сўзлашиш нутқини ўқитишнинг илк босқичида интонация устидаги ишларга етарли даражада баҳо бермаслик нималарга олиб келади?
5. Қайси машқлар ёрдамида болаларда интонацияни шакллантириш лозим? Бундай машқларга мисоллар келтиринг.
6. Энг кенг тарқалган интонация кичик турларини тавсифлаб беринг.
7. Болаларга рус тилининг тўғри интонациясини ўргатишда педагог нутқи қандай аҳамиятга эга?

## ЛУҒАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ. ЛУҒАТ БИЛАН ИШЛАШДАГИ ВАЗИФАЛАР

Сўз нутқнинг асосий элементидир, шунинг учун миллий болалар боғчаларида болаларга рус тилини ўқитишда педагог уларнинг сўз бойлигини доимо ошириб боришга ҳаракат қилади. Рус тилини тезкорлик билан эгаллаб олишни катта ҳажмдаги сўзларни ўзлаштириб олмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун мактабгача ёшдаги болаларни русча оғзаки нутққа ўргатишнинг асосий вазифаларидан бири уларнинг рус тилида базавий луғатга эга бўлишларини таъминлашдан иборат.

5-6 ёшли болалар билан луғат устида ишлашнинг вазифа ва моҳиятлари нималардан иборат?

Методик тадқиқотларда луғат билан ишлашнинг асосий вазифаларидан бири, деб ҳақли равишда, болаларнинг сўз заҳирасини бойитиш, аниқлаштириш ва кенгайтириш тан олинади. Сўз заҳираси алоҳида сўзларнинг механик умумийлиги ҳисобланмаганлиги боис, уни бойитиш вазифасини фақат болаларнинг фаол луғатига айрим сўзлар ва ибораларни киритишдан иборат деб билмаслик керак. Болаларнинг рус тилидаги луғатини бойитиш асосини уларнинг тилига янги сўзларни киритиш ва улардан нутқда фойдаланишни таъминлаш ташкил этади.

Бошқа миллат болаларига рус тилини ўқитишда, биринчи навбатда, шундай сўзларни ўқитиш керакки, токи уларсиз мулоқот учун гап қуриш ва тушуниш мумкин бўлмасин.

Рус тилидага луғат минимумини танлашда қуйидаги тамойиллар ҳисобга олинди: ҳар бир йили учун сўзнинг амалий қиммати; сўзнинг оғзақи нутқда, матнда тез-тез қўлланилиши; товуш таркибига кўра сўздан фойдаланиш имконияти.

Таълимнинг дастлабки чоғларида талаффузи болаларга қийинчилик туғдирадиган сўзлардан қочиш керак. Бироқ, мазкур танлов тамойили баъзан болаларни нутқда тез-тез учраб турадиган сўзлар билан таништириш ҳақидаги талабга зид келиши мумкин. Талаффузи қийин бўлган, лекин мулоқот учун жуда муҳим ва зарур ҳисобланган сўзларни (здравствуйте, досвидания, встаньте ва ҳ.к) биринчи машғулотлардан бошлабоқ болалар нутқига қўшиш керак.

Таълим жараёнида болаларни асосан сўзлар мазмуни билан таништириш лозим. Болалар томонидан оғзаки нутқда, ўқишда тушуниладиган, тўғри талаффуз этиладиган ва ўз нутқларида қўлланиладиган сўзлар уларнинг фаол луғат заҳирасини ташкил этади. Бироқ, баъзан болаларга рус тилидаги нутқда қўллаш учун яқин орада талаб этилмайдиган сўзларни эшитишга ва қайсидир маънода тушунишга тўғри келади. Бу сўзлар болаларнинг пассив луғат заҳирасини ташкил этади. Педагог болаларнинг фаол сўз заҳираси билан бир қаторда уларнинг пассив заҳирасини ҳам кенгайтириб бориш юзасидан тегишли чораларни кўради. Бусиз улар ривожланиш учун зарур бўлган эртақларни тинглай олмайдилар, болалар фильмларини тушунма олмайдилар.

Фаол заҳирадаги сўзлар билан турли хил ишлар, хусусан, болаларни ушбу сўзларни айтишга машқ қилдириш, улар иштирокида гаплар тузиш каби ишлар олиб борилиши зарур. Пассив луғат билан олиб бориладиган ишлар уларнинг мазмунини тушунтириб бериш билан чекланади.

Сўзларни тақсимлаш мавзуларга қараб амалга оширилади. Сўзларни мавзу асосида танлаб олиш уларнинг беихтиёр равишда эслаб қолинишини таъминлайди.

Ҳар бир мавзуга нафақат буюмлар номлари, балки уларга оид буюмлар ва ушбу мавзу билан боғлиқ бўлган ҳаракат номлари, сифати, белгилари, шунингдек, гап тузиш учун зарур бўлган хизмат сўзлари ҳам киради.

Янги сўзлар устида ишлашни ташкил этиш жараёнида шунга интилиш лозимки, токи болалар бу сўзларни эслаб қолсинлар ва уларни турли вазиятларда қўллашни ўрганиб олсинлар. Рус тилидаги луғат ишларини сўз бирикмаси ва гап устида ишлаш билан бир вақтда ўтказиш лозим. Фақат шундагана бу сўзлар фаол нутқ заҳирасидан жой олади.

Рус тилини ўрганишнинг энг илк босқичида болалар сўзларни ўзлаштириш билан бир қаторда, уларни бошқа сўзлар ва гаплар билан бириктириш кўникмаларига эга бўладилар.

Миллий болалар боғчаларидаги икки йиллик таълим мобайнида болалар тахминан камида 300-350 та сўздан иборат бўлган лексик минимумга эга бўлишлари лозим.

## ЯНГИ СЎЗЛАР МАЪНОСИНИ ТУШУНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Фаол ўзлаштирилиши лозим бўлган янги сўзларни аста-секин ўргатиб бориш лозим. Дастлаб янги сўз берилади, кейин эса унинг гапдаги бошқа сўзлар билан бирикмаси ўтилади. Бу болага бир вақтнинг ўзида рус тилининг лугат таркибини ва грамматик қурилишини ўзлаштириш имкониятини яратади, бу эса ўз навбатида ўрганилган материалдан мулоқот мақсадида фойдаланиш имконини беради.

5-6 ёшли болаларга русча сўзлашув нутқини ўргатишда ҳар бир лексик мавзу учун муайян сондаги машғулотлар ажратилади. Биринчи машғулотларда болалар муайян миқдордаги янги сўзлар билан танишадилар, кейинги машғулотларда эса уларга маълум бўлиб улгурган сўзларни қўллаш машқ қилинади.

Мақтабгача ёшдага болаларга рус тилини ўқитиш билан шуғулланаётган кўпчилик педагоглар тажрибаси шундан далolat бермоқдаки, нутқда янги сўзларни фаол қўллаш кўп жиҳатдан болаларнинг бу сўзлар маъносини қанчалик тўғри тушунишларига боғлиқ. Шунинг учун педагог янги сўзларни болалар нутқига олиб кириш усуларини яхшилаб мулоҳаза қилиб кўриши даркор.

Янги сўзлар маъносини тушунтириш учун қуйидаги усуллардан фойдаланиш тавсия этилади:

1. Янги сўзлар маъносини кўرғазмавийлик ёрдамида тушунтириш:

а) ушбу сўз билан ифодаландиган буюм, ҳаракатни кўрсатиш;

б) буюм ёки ҳаракатни акс эттирган суратларни кўрсатиш.

2. Янги сўзни она тилига таржима қилиш.

Янги сўзлар маъносини кўрғазмавийлик ёрдамида тушунтириш.

Лексикани фаол эгаллаб олишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан сўз мазмунини тушунишга, ушбу сўзлар билан ифодаланадиган тушунча ва буюмлар билан танишишга боғлиқ.

«...Бола табиати кўрғазмавийликни талаб қилади. Болага унга нотаниш бўлган қандайдир бешта сўзни ўргатинг, у ушбу сўзлар устида узоқ вақт ва беҳуда қийналади; лекин сиз ана

шундай сўзлардан йигирматасини суратлари билан бирга тушунтиринг — бола уни дарҳол ўзлаштириб олади»<sup>16</sup>.

Реал буюмлар, суратлар миллий болалар боғчаларида болаларга русча сўзлашув нутқини ўргатишдаги энг яхши кўргазмали қуроллар ҳисобланади. Лексик материал мазмуни буюмлардан табиий ҳолда фойдаланиш имконини беради. Бу — гуруҳ хонаси, ўйинчоқлар, кийимлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа кўплаб нарсалар демакдир. Буларнинг ҳар бирини осонгина кўрсатиш мумкин. Тарбиячи буюмни кўрсатар экан, унинг номини аниқ-тиниқ қилиб, бир неча бор айтади, кейин эса болалардан унинг ортидан янги сўзни такрорлашни сўрайди. Бола нафақат янги сўзни эшитади ва тарбиячи кетидан такрорлайди, балки у шу сўз билан ифодаланадиган буюмни ҳам кўради. Болада сўз ва буюм ўртасида мустақкам алоқа ҳосил бўлади.

Янги сўзлар бирламчи ўтилганидан сўнг сўзларни яхши эслаб қолишга, лексикани ривожлантиришга ва болаларнинг рус тилидаги нутқий маҳоратларини ривожлантиришга<sup>17</sup> ёрдам берувчи ўйинларни ўтказиш<sup>18</sup> тавсия этилади.

1. Таниб олиш. Педагог болалар билан уларга таништирилган буюмларни таниб олиш ўйинини ўтказди. Бу ўйинларда болалар фақат педагог нутқидан у ёки бу буюм номини таниб оладилар. Масалан, педагог кўзини юмиб, навбати билан у ёки бу буюм (ўйинчоқ ва ҳ.к.), суратни кўрсатади ҳамда унинг номини айтади. Агар у буюм номини тўғри айтса, болалар «ҳа» деб тасдиқлайдилар, агар нотўғри айтса «йўқ» дейдилар.

2. Такрорлаш. Бу ўйинларда бола педагог ортидан буюмлардан бирининг номини такрорлаши керак («Ўзинг яхши кўрган ўйинчоғинг номини айт» ва ҳ.к.). Педагог болага ўзи ёқтирган ўйинчоқни танлаб олишни ва ўзининг ортидан унинг номини такрорлашни таклиф қилади.

<sup>16</sup> Ушинский К.Д. Асарлар тўплами. - М - Л. 1949, 6-жилд, 267-268 бетлар.

<sup>17</sup> Негневицкая Е.И. Шахнорович А.М. Язык и дети. «Наука» М.; 1981, 37-38 бетлар.

<sup>18</sup> Ушбу ўйинлардан фойдаланиш Е.И.Негневицкая ва А.М.Шахноровичнинг «Язык и дети» китобида тавсия этилган. — М.; «Наука», 1981.

3. Номлаш. Бунда бола педагог ёрдамисиз буюмнинг номини айтиши керак. («Топ-чи») Бу нима? «Мўъжиза қоп», «Сеҳрли қалпоқча».

Янги сўзларни киритгандан сўнг босқичли ўйинларни ўтказиш сўзларга «ичкарига кириш» имкониятини яратади, болага эса уни нутқий фаолиятни амалга ошириш воситаси сифатида эгаллаб олиш имконини беради. Ҳар бир янги сўзлар гуруҳини киритишда ўйинларнинг ана шундай тартибига риоя қилиш лозим. Бу ўзини оқлайди, чунки бунда болалар сўзларни тез ва мустақам ўзлаштириб оладилар. Бундай ўйинлар барча болаларни ўзига жалб қилади, барча ўйнайди, қоидага кўра ўйиннинг ҳар бир дақиқасида фақат бир бола сўз айтиши мумкинлигига қарамай, бу ўйинда ҳамма фаол иштирок этади. Нутқий фаолият ўргатиш борасида бу ўйинлар жуда яхши, чунки бу ҳолда ҳақиқий нутқий ҳаракатлар бажарилади. Болаларнинг бу ўйинлардан тенгдошлари, оила аъзолари билан бўладиган мустақил фаолиятда фойдаланаётганликларини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш керак.

### ЯНГИ СЎЗНИ РУС ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШ

Болаларнинг рус тили лексикасини онгли ўзлаштиришларида уларга она тили катта ёрдам беради. Таълимнинг бошиданоқ маъносини кўрсатиш орқали («кто, что, тут, вот, можно, нельзя, сейчас, потом» ва бошқалар) тушунтириб бўлмайдиган русча сўзлар кўп учрайди. Мазкур сўзларни фақат она тилига таржима қилиш орқалигина тушуниш мумкин. Сўз маъносини кўргазмали куруллар ёрдамида тушунтириш чоғида уни таржима қилиш ёки она тилида тушунтириб бериш мақсадга мувофиқдир.

Она тилини қўллаш ўрганилаётган материални тушуна олиш имкониятини кенгайтиради. Бирок, таржимани фақат янги сўзни бошқа ҳеч қандай усул билан болалар онгига етказиб бўлмаган ҳолатдагина қўллаш лозим. Шунини назарда тутиш лозимки, она тилини ҳадеб қўллавериш болаларнинг рус тили машғулотларидаги фаоллигини сусайтиради. Бола русча сўзни эслаб қолиш учун хотирасини зўриқтирмайди ёки



бундай намунавий гапларни қуришдаги қонуниятларни илғаб олишга интилади ҳамда ўз фикрларини рус тилида баён қилишда қўпинча ўз она тилидаги сўзларни ҳам ишлатиб юборади. Болаларнинг саъй-ҳаракати иккига ажралади, бу эса ўрганилаётган тилда фикрлаш кўникмасини орттиришга халақит беради. Болаларнинг русча нутқни эгаллаб олишларига қараб, рус тили машғулотларида она тилининг аҳамияти пасайиб боради ва у аста-секин болаларни иккинчи тилга ўргатиш жараёнидан чиқиб кетиши керак.

## РУС ТИЛИДА СЎЗЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ

Болаларнинг русча сўзлардаги лугатини бойитиш асосини уларнинг тилига янги сўзларнинг кириб келиши ва кейинчалик бу сўзлардан уларнинг ўрганилаётган тилдаги нутқий фаолиятда фойдаланиши ташкил этади. Нутқий фаолият ёки нутқий ҳаракат сўздан фикр билдиришда фойдаланишни, демакки, грамматик қоидаларни ҳам ўзлаштириб олишни кўзда тутлади. Лекин боланинг нутқий ҳаракатни амалга ошириши учун унда тегишли мотив, ўрганилаётган тилда нутқий ҳаракатни бажариш заруратини вужудга келтириш зарур. «Мотивни яратиш йўли сўз ёрдамида эришиш мумкин бўлган ажойиб натижани намоёниш этишдан иборат»<sup>19</sup>.

Болаларнинг рус тилидаги лугатини фаоллаштиришга доир ишларда бола ўзлаштирилган грамматик қурилмалардан фойдалана оладиган вазиятли-нутқий ижодий машқлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бундай тоифадаги машқ асосини нафақат диалогик бирлик, балки бир нечта гаплардан иборат бўлган нутқий мажмуа, яъни қисқа монолог ҳам ташкил этиши мумкин. Ҳар бир машқ, устидаги ишлар қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Болаларнинг рус тилини билиш даражаси ва берилаётган вазиятнинг мураккаблигига қараб педагог томонидан она тилида (ўзбек, тожик тилида ва ҳ.к.) ёки рус тилида бериладиган вазият билан танишув.

2. Машққа доир топширикни бажариш. Масалан, мавзу

<sup>19</sup> Негневицкая Е.И. Шахнорович А.М. Язык и дети. «Наука» – М.; 1981, 89-бет.

а) Ўйинчоклар<sup>20</sup>.

3-машк. У зайчика в корзине 2 игрушки.

Отгадайте, какие это игрушки.

Кукла и мяч? — нет.

Барабан и самолёт? — нет.

Матрешка и флажка? — нет.

Мавзу: Буюмлар билан амалга ошириладиган ҳаракатлар.

2-машк. Қараб кўринг ва ўзингизга ёққан ўйинчоқни сўраб олинг.

— Дайте мне куклу — Возьми куклу.

— А мне дайте мяч — Вот тебе мяч.

Болаларнинг русча сўзларга оид луғатини фаоллаштиришда ижодий машқлардан ташқари нутқий ўйинлар ҳам ижобий аҳамият касб этади. Чунки, уларда болада янги сўзлардан фойдаланиш учун танлаш имконияти бор.

Масалан, сиз болаларни ўйинчокларнинг рус тилидаги номлари билан таништириб бўлганингиздан сўнг уларнинг янги сўзларни амалда қўллай олишларини аниқлаш зарур. Сўнгра болаларга ўзлари учун қайси ўйинчокни сотиб олишни хоҳлашларини айтишни таклиф килинг. Ва ҳар бир бола ўзи учун қайси ўйинчоқни сотиб олишини айтишни хоҳлаб қолади. Ёки педагог тушида кўрган ўйинчоғи номини «унутиб» қўяди. Ва яна ҳар бир бола ўйинчоқ номини топишга ҳаракат қилади ва шу билан тарбиячига ўша ўйинчоқ номини эслашга ёрдам беради.

Ўйинлар шундай бўлсинки, токи ҳар бир болада у нимани кўрганлиги, нималарни севиши ҳақида ҳикоя қилиб бериш истаги туғилсин.

Бу ўйинларни болалар эслаб қолиши ва нутқда қўллаши лозим бўлган сўзга тўғри келадиган қилиб уюштириш зарур.

Масалан, биз болаларнинг «моя фамилия, меня зовут» сўзларини ўзлаштириб олишлари учун ҳаракат қилиямиз. Болалар учун ўз исм-фамилияларини тарбиячига қайта-қайта

---

<sup>20</sup> Ижодий вазиятли-нутқий машқлардан миллий болалар боғчасида ва мактабнинг 1-синфида (6 ёш) болаларнинг ўқув материални ўзлаштиришларини назорат қилишни амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

такрорлаш қизиқарли эмас. Демак, болага бошқача тарзда вазифа қўйиш керак. Масалан, ўйинчоқ олиш учун у ўз исми ва фамилиясини айтиши даркор. Ёки почтачи чиройли откриткалар келтирган, лекин у қайси откритка кимга йўлланганини билмайди. Шунинг учун болалар ўз фамилияларини айтишлари ва ўзларига тегишли откриткаларни олишлари лозим.

Бу ўйинлардан ташқари, болаларга русча оғзаки нутқни ўргатишда қўл ушлашиб ўйналадиган ўйинлар, эртақлар, шеърларни саҳналаштириш, ролли кичик саҳна кўринишларини ижро этиш каби усуллардан кенг фойдаланиш тавсия этилади. Лекин бу ўйинларни бошқариш, барча болаларнинг гапиришларини кузатиб бориш, зарур ҳолларда эса ўйин жараёнини ўзгартириш лозим. Лекин ўйинларни буйруқ билан эмас, балки ўйин иштирокчисининг нуқтаи-назаридан келиб чиқиб бошқариш даркор. Ўйинга киришишдан олдин қўйидагаларни аниқлаб олиш зарур:

— ўйиннинг мақсади нима, ушбу ўйин ёрдамида бола нимани ўрганиши лозим;

— у қайси нутқий ҳаракатни бажариш лозим.

Ҳар бир болада ўрганилаётган материалга эҳтиёжни вужудга келтириш болаларнинг рус лексикасини муваффақиятли ўзлаштириб олишлари ва уни фаоллаштиришларининг муҳим шарти ҳисобланади. Агар бундай эҳтиёж яратилмаган бўлса, ҳатто кўп марта такрорлаш ҳам ўрганилаётган тилдаги луғатни фаол ўзлаштириш ва жонлантиришга олиб келмайди.

Ўз-ўзидан миллий болалар боғчаларида ўтказиладиган рус тили машгулотларида луғат билан ишлашнинг асосий психолого-педагогик шартлари қўйидагилардан иборат:

1. Вазиятли-нутқли ижодий машқларни қўллаш.

2. Ўйинларни мазмунан ва зарур сўзни танлаш тамойилига қараб, ўзаро боғланган сўзлар гуруҳидан фойдаланган ҳолда уюштириш.

3. Янги сўзларни тушуниш ва фаол қўллашга йўналтирилган луғат ўйинларидан муайян изчилликда фойдаланиш.

4. Болада сўзларни тушуниш ва ўз фикрлари, ниятларини ифода этиш мақсадида уларни ўйинда қўллаш эҳтиёжини

вужудга келтиришга қаратилган махсус усуллардан фойдаланиш.

## РЕЗЮМЕ

Луғат ишларининг энг асосий вазифаларидан бири — бу болаларнинг ўрганилаётган тилдаги сўз заҳирасини бойитиш, аниқлаштириш ва кенгайтиришдан иборатдир.

Болаларнинг хотирасига янги сўзларни ва улардан нутқда фойдаланиш лозимлигини киритиш, уларнинг рус тилидаги луғатини бойитиш асоси бўлиб ҳисобланади.

Бошқа миллат болаларига рус тилини ўқитишда, биринчи навбатда, мулоқотда уларсиз гап тузиб ва тушуниб бўлмайдиган сўзларни бериш зарур.

Болаларга сўзларни ўз маъносидан тушунтириш лозим.

Фаол заҳирани тўлдириш билан бир вақтда болаларнинг ўрганилаётган тилдаги пассив луғати кенгайтириши учун тегиши чораларни кўриш лозим.

Фаол заҳирадаги сўзлар билан турли хил ишларни, хусусан: болаларга сўзлар талаффузини машқ қилдириш, бу сўзлар билан турли қурилма ва турли интонацияли гаплар тузишни ўргатиш, болаларнинг бу сўзларни эслаб қолишлари ва уларни турли вазиятларда қўллай олишларига эришишга доир ишларни ўтказиш лозим.

Нутқа янги сўзларни фаол қўллаш кўп жиҳатдан болаларнинг улар маъносини қанчалик тўғри тушунишларига боғлиқдир.

Янги сўзлар маъносини тушунтириб беришни кўрғазмавийлик ва янги сўзни она тилига таржима қилиш орқали амалга ошириш тавсия этилади.

Янги сўзлар болаларнинг тил онгига бирламчи киритилганидан сўнг болаларда лексиканинг самарали эслаб қолиниши ва фаоллашишига, рус тилидаги нутқий кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам берувчи ўйинларни ўтказиш зарур.

Ўйинларни ўтказиш сўзларга «ичкарига киришга» имкон беради, бунинг натижасида бола уни нутқий фаолиятни амалга ошириш воситаси сифатида эгаллаб олади.

Болаларнинг рус тили лексикасини онгли равишда ўзлаштиришларига она тили ҳам катта ёрдам беради, чунки у ўрганилаётган ўқув материални осонлаштиради.

Таржимадан фақат бошқа ҳеч қандай усуллар билан болалар онгига янги сўз мазмунини етказиш мумкин бўлмаган ҳолатларда фойдаланиш лозим.

Болалар русча нутқни эгаллагани сайин она тилининг аҳамияти камайиб боради ва уни аста-секин чет тилини ўқитиш жараёнидан чиқариб юбориш зарур.

Боланинг нутқий ҳаракатни бажариши учун унда мотив яратиш ва унинг олдида бу мотивни ўрганилаётган тилда бажариш заруратини вужудга кетириш лозим.

Ижодий вазиятли-нутқий машқлардан фойдаланиш болаларнинг ўрганилаётган тилга хос лугатини фаоллаштиришга ёрдам беради.

Ушбу машқлар негизида нафақат диалогик бирлик, балки бир неча гаплардан ташкил топган нутқий комплекс - монолог ҳам бўлиши лозим.

Фикр билдиришнинг мазмуний маркази айнан бола эслаб қолиши ва нутқда фойдаланиши лозим бўлган сўз, сўз бирикмасига тўғри келадиган нутқий ўйинлар болаларнинг рус тилидаги лугатини фаоллаштиришда ижобий мотив ҳисобланади.

Бошқа миллат болаларига рус тилини ўқитиш жараёнида лугат билан ишлашнинг асосий психолого-педагогик шартлари қуйидагилар ҳисобланади: ижодий вазиятли-нутқий машқларни қўллаш; бутун сўзлар гуруҳи фойдаланилган ўйинларни уюштириш; сўзларни тушунишга ва уларни нутқда фаол қўллашга йўналтирилган ўйинлардан муайян изчилликда фойдаланиш; ўз фикрлари ва ниятларини ифодалаш мақсадида болада сўзларни тушуниш ва уларни қўллаш кўникмаларини шакллантириш учун махсус усуллардан фойдаланиш.

### **САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИКЛАР:**

1. Ўзбек тилида таълим бериладиган болалар боғчаларида лугат билан ишлашдаги асосий вазифаларни айтиб беринг.

2. Болаларга русча сўзлашиш нутқини ўргатиш учун сўзлар минимумини танлаб олишда қайси тамойилларни ҳисобга олиш зарур? Мазкур тамойилларни тавсифлаб беринг.

3. Болаларга ўрганилаётган тилдаги янги сўзлар маъносини тушунтиришда педагог қайси усуллардан фойдаланиши лозим?

4. Қайси ўйинлар болаларда лексиканинг самарали эслаб қолиниши ва фаоллашишига, рус тилидаги нутқий кўникма ва қобилиятларни ривожлантиришга ёрдам беради?

Нима учун сиз бу ўйинлар мактабгача ёшдаги болаларга ўрганилаётган тилдаги нутқий фаолиятни ўргатиш борасида самарали деб ҳисоблайсиз?

5. Қайси нутқий машқлар болаларнинг рус тилидаги луғатини фаоллаштиришга ёрдам беради?

6. Ҳар бир нутқий машқ устидаги ишларнинг босқичма-босқичлигини аниқ мисолларда очиб беринг.

7. Нутқий ўйинга киритилган ижобий мотив нималарда ифодаланади? Ўз жавобингизни аниқ мисолда асослаб беринг.

8. Болалар билан нутқий ўйинни уюштиришдан олдин педагог нималарни аниқлаб олиши зарур?

9. Болаларнинг рус тилидаги луғат минимумини муваффақиятли ўзлаштириб олишлари шартларини айтиб беринг. Нима учун шундай деб ўйлайсиз? Тушунтиринг.

10. Миллий болалар боғчаларида луғат устида ишлашнинг асосий психолого-педагогик шартларини тавсифлаб беринг.

## **РУСЧА НУТҚДА ГРАММАТИК КУРИЛИШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

### ***ГРАММАТИКА СОҲАСИДАГИ ИШЛАР МАЗМУНИ ВА БУ БОРАДАГИ ВАЗИФАЛАР***

Рус тилидаги энг оддий мулоқот ҳам ҳеч бўлмаганда, иккита сўзни бир-бирига қўшиб, энг оддий фикр ҳосил қилишсиз мумкин эмас. Энг оддий фикр, ниятни билдириш учун нафақат сўзларни, балки улар қўлланиладиган ва бир-бирига қўшиладиган қоидаларни ҳам билиш лозим. Грамматика қонунларини билиш кишига луғат бойлигининг муайян мавзу доирасида чекланганлигига қарамасдан иккинчи тилда муваффақиятли мулоқот қилиш имконини беради.

Болалар боғчасидаги 2-йиллик таълим жараёнида болалар ўрганилган лексика доирасида рус тилида унчалик мураккаб бўлмаган суҳбат юритишни ўрганишлари лозим.

Педагог болаларда унчалик катта бўлмаган баён, сўрок гаплар тузиш кўникмаларини шакллантириши, келишик ва бошқариш қоидаларига риоя қилган ҳолда сўзларни турли

грамматик шаклларда қўллашни ўргатиши зарур. Сўзларнинг грамматик шакллари болалар томонидан «Дастур»да кўрсатилган изчилликда ўзлаштирилиши лозим. Дастлаб энг осон ва ўрганилаётган тилдан бирламчи фойдаланиш учун зарур бўлган грамматик шакллар бериледи:

— «Это» кўрсатиш олмоши ва «А» юкламаси «Что» сўроқ сўзи билан: Это что?, Это кубик. А это что? Это кукла;

— «Это» кўрсатиш олмоши бирликдаги бош келишикнинг барча турларида «И» боғловчиси билан: Это кукла, Это кубик, Это кубик и кукла;

— «ДА» тасдиғи, «НЕТ» инкори: Это кукла? Да, это кукла. Нет это мишка;

— «Я», «ТЫ», «ОН», «ОНА» шахс-сон олмошларининг қўлланиши: Я мальчик. Она девочка;

— ҳозирги замон феълини 3-шахсда қўллаш: Дети рисуют. Я играю. Он читает;

— сифатларни қўллаш, уларни родда, сонда, келишикда отлар билан келиштириш: Машина красная. Флажок красный. Яблоко красное;

— буйруқ майли ёрдамида ҳаракатни ифодалаш: дай (те), иди (те), возьми (те) ва ҳ.к.;

— тортишиш олмошлари ва уларга оид саволларни қўллаш: Чей кубик? Кубик мой. Чья кукла? Кукла моя. Чьё ружьё? Ружьё моё. Твой кубик какой? Мой кубик красный;

— ҳаракатни бирликдаги ҳозирги замон феълининг 1- ва 2-шахсларида ифодалаш ҳамда уларга оид саволларни қўллаш: Ты играешь? Я играю. Ты рисуешь? Я рисую;

— гапларни сифатни, буюм белгисини ифодаловчи сўзлар орқали ишлатиш ва уларга оид саволларни бериш: Машина какая? Машина красная. А флажок какой? Флажок красный. А яблоко какое? Яблоко красное;

— «в», «на», «под», «у» олд кўмакчилари (предлоглар)ни қўллаш.

Бошқа миллат болаларининг рус грамматикаси элементларини амалда ўзлаштиришлари устидаги ишларни рус ва ўзбек тили грамматикасидаги асосий фарқларни ҳисобга олган ҳолда олиб бориш тавсия этилади, чунки бу фарқлар рус тилини ўрганишда муайян қийинчилик тугдиради ва у кўпинча нутқий хатоликларнинг сабаби бўлади.

Чунончи, масалан, ўзбек тилида кўплик сон «лар» суффикси ёрдамида ифодаланади, рус тилида эса турли хил кўшимчалардан фойдаланилади: ы, и, а, я, ие, ье. Мавжуд фарқ рус бўлмаган миллат болаларида кўплик сон шаклларини тўғри ҳосил қилишни ўрганиш учун махсус машқлар ўтказиш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбек тилида род категорияси мавжуд эмас ва бу ҳолат рус бўлмаган миллат болаларига махсус равишда от турларини фарқлаш усулларини ўргатиш заруратини туғдиради.

Ўзбек тилида ҳар бир келишик шакли муайян суффикс ёрдамида ҳосил қилинади, рус тилида эса кўпликдаги отларнинг бирон-бир келишик шаклларини ҳосил қилиш учун турли кўшимчалар мавжуд. Масалан, «колхозы - колхозов».

Ўзбек тилида бир келишик суффиксининг ўзидан бирлик ва кўпликдаги келишик шаклларини вужудга келтиришда фойдаланиш мумкин. Масалан: Колхознинг — колхоза, колхозларнинг — колхозов.

Ўзбек ва рус тилларидаги сифатларнинг бир-биридан асосий фарқи шуки, ўзбек тилидаги сифатда аниқланадиган отлар билан турлаш учун махсус шакллар йўқ (яъни, от билан қўшилган сифат ўзгаришсиз қолади), рус тилида эса сифатлар отлар билан родда, сонда ва келишикда турланади: қизил гул — красный цветок, қизил гуллар — красные цветы, қизил гулларга — красным цветом.

Ўзбек тилида тортишиш ва нисбий олмошлар йўқ, у ёки бу шахсга ва предметга тааллуқлилиқ турли грамматик воситалар ёрдамида ифодаланади, масалан, отлар билан: отам — мой отец, отанг — твой отец, отаси — его отец.

Ўзбек тилида феълнинг асосини доимо буйруқ майли шакли ташкил этади (Ўқи — читай, ёз — пиши, тур — встань), рус тилида эса буйруқ майлининг асосий шакллари уч турда бўлиши мумкин: «Й» охирга ҳарфи билан — читай, пей, рисуй; «И» охирги ҳарфи билан — повтори, принеси; юмшоқ ундошлар билан («т» ва «ш» дан ташқари) — встань, сядь.

Ўзбек тилида предлогларнинг йўқлиги ва унда феълдан кейинги сўзларнинг, яъни хизмат сўзларининг туриши русча ва ўзбекча нутқ таркибидаги энг аҳамиятли фарқлардан бири ҳисобланади. Бу сўзлар нутқ қисмлари келишик шаклларининг грамматик аҳамиятини аниқлаштиради ва ҳар доим ўзи тааллуқли бўлган сўзлардан кейинда туради, яъни ўзбек тилида



фезлдан кейин турадиган сўзлар бу айнан рус предлогларидир, бироқ улар отлардан кейинда туради (иш тўғрисида — о работе).

## ГРАММАТИК ТЎҒРИ НУТҚҚА ЎРГАТИШ

Грамматикани эгаллаб олиш сўз шаклларини эслаб қолиш ёки ёд олиш дегани эмас, бу янги сўзлардан ана шундай шаклларни яратиш усулларини шакллантириш демакдир. Болаларнинг тилнинг грамматик қурилмасини ўзлаштиришлари тақлид қилиш орқали аста-секин рўй беради. Грамматик қурилмани аста-секин ўзлаштириш нафақат бола асаб фаолиятининг ёш қонуниятлари билан, балки рус тили грамматика тизимининг, айниқса морфологиясининг мураккаблиги билан изоҳланади.

Тайёр нутқий образларни имитация қилиш ва уларни амалда қўллаш амалиёти узоқ вақтдан буён сон-саноқсиз фикрлар тузишнинг зарур ва етарли шарти деб ҳисоблаб келинган. Сўнги йиллардаги тадқиқотлар (Ф.А.Сохин, Е.И.Негневицкая, М.И.Попова, Ф.И.Фрадкина), бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатдики, болаларнинг ўрганилаётган тилдаги грамматик кўринишларни тушунишлари предметли муносабатлар мантиқига асосланган. Бутун бола тили ривожининг асосида предметли фаолият ётади. Боланинг тил фаолияти элементлари билан амалга оширадиган ҳаракатлари моҳиятан предметли олам элементлари билан амалга ошириладиган ҳаракатлар билан бир хилдир.

Машҳур психолог Д.Б.Эльконин шундай деган эди: «...ҳаракатларни моддий буюмлар билан амалга ошириладиган ҳаракатлар каби шакллантирмасдан туриб, тилни эгаллаш умуман мумкин эмас»<sup>21</sup>.

Ушбу ҳаракатлар жараёнида болада тил ҳолати кўринишлари ҳақида тасаввур шаклланади. Бола бу тасаввурларини ўзининг предметли олам ҳақидаги билимлари билан мос ҳолга келтиради.

Ўтказилган синовлар шуни кўрсатдики<sup>22</sup>, болаларнинг грамматик кўринишларни тушуниши предметли муносабатлар

<sup>21</sup> Эльконин Д.Б. Развитие речи в дошкольном детстве. — М.; 1956.

<sup>22</sup> Попова М.И. Грамматические элементы языка в речи детей дошкольного возраста. Вопросы психологии. 1958, №4.

ҳақидаги мантиққа асосланган ва бола сўз ясовчи тоифаларнинг ташқи, товуш ифодаларини эгаллаб олиши лозим. Айни пайтда бола дастлаб эътиборини ташқи моддийликка, сўз ҳосил қилувчи элементга қаратади ва унга ўзича мустақил маъно беради, морфеманинг жаранглашини образли қилиб асослайди. Бошқача қилиб айтганда, бола дастлаб морфемани ўрганишнинг ўзидаги реал муносабатлар билан боғлиқликни топишга интилади.

Агарда бола сўзга морфема киритадиган товуш ўзгаришини аниқлай олса ва уни ҳақиқатда рўй берган ўзгаришлар билан солиштира олса — у бу боғлиқликни топиши мумкин. Бу ўзгаришлар предмет ҳаракати (унинг ҳолати ўзгариши) натижасида келиб чиққан бўлиб, предметнинг белгиларига, унинг сонига тааллуқли бўлиши мумкин. Предметдаги ушбу ўзгаришларни бола ўзига яқин қабул қилади ва у бола онгида ўз аксини топади. Тасаввур предметли ҳаракатлар ҳисобига бойийди, унинг бойиш жараёнида бола ўзаро биргаликда ҳаракат қилаётган предметларни кузатади ва бу ҳамкорликда унинг ўзи ҳам фаол иштирок этади<sup>23</sup>.

Ўйин учун олдиндан парда тайёрлаб қўйилади, ва унинг ортида буюмларнинг ўрни алмаштирилади.

Ўйин бошида болалар педагог билан биргаликда буюмларни кўриб чиқадилар, уларнинг номларини аниқлаб оладилар.

Ўйин қоидаларини она тилида тушунтирган маъқул. Педагог янги грамматик шаклдан фойдаланган ҳолда тўғри жавоб намунасини айтади.

Педагог: Посмотрите и скажите, какие на столе игрушки.

Бола: Кукла, матрешка.

Педагог болаларга тескари қараб туришни ёки кўзларини юмишни таклиф қилади ва шу пайтда ўйинчоқлардан бирини парда ортига бекитади.

Педагог: Посмотрите. Нет куклы.

Чего нет? Нет куклы.

Кейин педагог бир неча болалардан сўрайди:

— А теперь чего нет?

— Нет машины. Нет матрешки.

<sup>23</sup> Негневичкая Е.И., Шахнорович А.М. Язык и дети. «Наука», — М.; 1981, 40-41 бетлар.

Ҳар хил турланишга эга бўлган, бирликдаги мужской, средний родлар отлари билан ҳам ана шундай ўйинларни ўтказиш лозим: Нет кубика, пальто, майки, помидора, сливы ва ҳ.к.

Отнинг родга мансублигини у билан келиштирилган сифат аниқ кўрсатиб туради, шунинг учун педагог намуна сифатида икки сўздан ташкил топган гапни таклиф этади, бу гапда от сифат билан келиштирилади. Болалар намунага таклид қилиб иккита сўз билан жавоб берадилар: «Красный помидор», «Какой помидор?» – «Красный помидор», «Шапка черная», «Платье какое?» – «Платье желтое».

Болаларнинг рус тилининг грамматик курилишини ўзлаштиришлари кўргазмали куруллар ёрдамида рўй беради ва унинг барча шаклларида (предметли, тасвирлаб бериш, ҳаракатланиш, сўзлар билан ифодалаш шакллари) кўргазмавийлик мактабгача ёшдаги болаларга рус тилини ўқитишда алоҳида аҳамият касб этади. Болалар тилни амалда ўзлаштириш орқали унинг қонуниятларини ҳам билиб оладилар.

Таълим жараёнига ақлий ва ҳис-ҳаяжонли таассуротлар қанчалик кўп жалб қилинса, боланинг янги ўқув материални ўзлаштириши ҳам шунчалик осон кечади.

Чунончи, мавзуга оид турли расмлардан фойдаланиш болаларга гапда сўзларни боғлаш имконини беради.

Фикрлар мазмуни ва уларнинг мантиқий изчиллиги болага ташқи кўргазмавийлик воситаси сифатида берилади. Бошқача қилиб айтганда, фикр билдириш учун асос яратилади. Бу ҳолда сўзловчининг диққат-эътибори фақат ушбу мазмунни ўзига маълум бўлган тил воситалари билан расмийлаштиришга қаратилади. Масалан, педагог болаларга родда, сонда, келишиқда отни сифат билан келиштиришни, яъни: ҳаракатни ҳозирги замонда тасвирлаб беришни ўргатади. Болаларга турли ҳайвонлар, қушлар ва уларнинг ҳаракати акс этган (Айиқ ўтирибди, мушук ётибди, тулки югуриб кетяпти ва ҳ.к.) суратлар тарқатилади. Педагог «Ҳайвонот боғида» деган ўйинни таклиф этади, бу ўйин қоидасига кўра барча ўқувчилар ҳайвонот боғи «ходимлари» ҳисобланишади. Улар навбати билан ҳайвонот боғида қандай ҳайвонлар борлигини ва улар нималар қилишини сўзлаб берадилар. Ҳар бир бола ўз

қўлидаги суратда акс этган ҳайвон (қуш) ҳақида сўзлаб беради: «Это медведь, он большой, белый, он сидит» ва ҳ.к.

Рус тили машғулотида (ва дарсдан ташқарида) мавзули суратлардан ташқари «жонли суратлар»дан ҳам фойдаланиш лозим, бунда болаларнинг ўзлари муайян вазиятни яратадилар ва турли ҳаракатларни бажарадилар: врач укол қилади, педагог доскага ёзади, она шўрва пишироқда, дазмолламоқда, кир ювмоқда ва ҳ.к.

Кўғирчоқлар билан ўйнаш рус тилининг грамматик қурилишини шакллантиришда катта имкониятларга эга. Кўғирчоқ — мактабгача ёшдаги болаларнинг энг сеvimли ўйинчоғи ҳисобланади. Шунинг учун рус тили машғулотида фойдаланиш учун бир неча хил кўғирчоқларга эга бўлиш тавсия этилади ва мавзуга қараб улардан фойдаланиш мумкин. Яъни, уларни овқатлантириш, кийинтириш, ечинтириш, уйкуга ётқизиш, уларнинг тугилган кунларини нишонлаш каби ҳаракатлар бажарилади. Болаларга бундай ўйинлар жуда ёқади. Бу ўйинлар чоғида болаларнинг нутқий фаоллиги ва қизиқиши энг юқори даражада бўлади.

Ўзбек, тожик ва бошқа миллат болаларини ўқитишда ўйин услубини қўллаш болаларда рус тилидаги нутқий фаолиятга нисбатан ижобий муносабатни шакллантиришга, рус тилида мулоқот қилишга нисбатан эҳтиёжни юзага келтиришга ёрдам беради.

Шундай қилиб, болаларнинг грамматика элементларини танилаб олишлари кўргазмали тасаввурларни шакллантириш асосида рўй беради. Ўз-ўзидан, рус тилининг грамматик тузилишини шундай шакллантириш керакки, унда тил кўринишлари буюмлар, тасвирлар билан боғлансин, ўйинлар эса болаларга грамматик ҳолат маъносини тушуниб олишларига, у ёки бу сўз ясовчи элементлардан (род, сон, келишик кўрсаткичи) қайси ҳолатларда фойдаланиш лозимлигини англаб етишларига ёрдам бериши лозим.

## **БОЛАЛАРНИНГ РУС ТИЛИДАГИ ОЛМОШЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШИ УСТИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ИШЛАР**

Ўзбек, тожик ва бошқа миллат болаларига русча сўзлашув нутқини ўргатиш борасидаги кўп йиллик амалиёт ва ушбу

соҳада ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, рус тилидаги олмошни ўрганишда, айниқса, таълимнинг бошида улар катта қийинчиликка дуч келадилар.

Рус тилидаги олмошларни ўқитишнинг лингводидактик асосларининг ишлаб чиқилмаганлиги, ушбу қисмини ўзлаштиришга доир ишларнинг самарали тизими мавжуд эмаслиги ўзбек, тожик ва бошқа миллат болаларининг русча нутқида кўп марта хатоликлар учрашининг асосий сабабидир.

Маълумки, олмошлар нутқда салмоқли ўрин тутади. Ҳол ва унинг вазифаларини мустаҳкам ўзлаштириб олиш болаларга ўз нутқини янада тушунарли, ёрқин ва ифодали қилиш ва бир сўзни ҳадеб қайтараверишдан чекиниш имконини беради. Бунинг учун болалар ҳол аҳамиятини тушуниб етишлари ва уни суҳбатлашини жараёнида тўғри қўллаш кўникмаларини орттиришлари зарур.

Болаларга русча сўзлашув нутқини ўргатишда уларнинг нутқнинг ушбу қисмида қандай қийинчиликка дучор бўлаётганлигини ва бу қийинчиликларнинг юзага келиш сабаблари нималардан иборат эканлигини аниқлашлари зарур. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бу қийинчиликларнинг асосий сабаблари ўқув материали ҳажми ва мазмунининг етарли даражада аниқлаштирилмаганлиги, ҳолнинг болалар нутқига бетартиб киритилишидир. Кўпчилик педагоглар ушбу ишда на тилини ўқитишда қўлланиладиган таълим усулларидан фойдаланадилар, таълимни коммуникатив тамойилларни ҳисобга олмасдан олиб борадилар.

Педагоглар фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, болаларнинг рус тилидаги ҳолни ўзлаштиришлари устидаги ишлар рус ва ўзбек тилидаги олмошларни таққосламасдан туриб амалга оширилади. Бу ўзбек, тожик ва бошқа миллат болаларининг рус тилидаги ҳолни қўллашда хатоликларга йўл қўйишларига олиб келади. Масалан: «Моя брюки», «Он пришла», «Моя карандаш» ва ҳ.к.

Рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам олмошлар разрядларга бўлинади ва улар асосан бир-бирига мос келади (ўзбек тилида мавжуд бўлмаган разрядлар бундан мустасно). Бироқ, ўзбек тилидаги барча олмошларни ўз ҳажмига кўра рус олмошлари билан мос тушади, деб бўлмайди. Чунончи, «ЎЗ» ўзбек ҳоли маъноси бўйича турли вазиятларда рус тилидаги «Сам», «Свой», «Самый» олмошларига тўғри келиши мумкин.

Мазмунан рус тилидаги олмошлар — сифатларга мос келувчи ўзбек олмошлари аниқловчи вазифасида келади ва у морфологик жиҳатдан ўзгаришсиз қолади. Улар аниқловчи сўзлар билан мослашмайди, балки уларга қўшилиб олади. Ушбу олмошларни от маъносида қўллашда улар оддий отлар каби сон ва келишикларда ўзгаради. Масалан, «Бу киши» — «Это человек», «Бу кишиларга» — «Этим людям», «Булар» — «Эти», «Они», «Буларга» — «Этим», «Им».

Русча ҳол-сифатлар эса аниқловчи вазифасида келиб, родда, сон ва келишикда аниқланаётган от билан мослашади. Уларни турлаш сифатни турлашга ўхшашдир.

Масалан: «Какой мел?» — «Қандай бўр?»

«Какая бумага?» — «Қандай қоғоз?»

«Какое яблоко?» — «Қандай олма?»

«Какие люди?» — «Қандай одамлар?»

«Мой, твой, его» каби русча тортишиш олмошлари от билан сонда, келишикда мослашади ва родлар бўйича турланади. Бу олмошлар мазмунан ўзбек тилидаги «МЕНИКИ», «СЕНИКИ», «УНИКИ» каби олмошларга мос келади.

Масалан: Мой карандаш — менинг қаламим

Моя кукла — менинг қўғирчоғим

Мое яблоко — менинг олмам

Мои ножницы — менинг қайчим.

Рус ва ўзбек тилларини қисқача қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, болалар билан рус тилидаги олмошларни ўзлаштириш борасида олиб бориладиган ишларни рус ва ўзбек тилларидаги олмошларнинг қиёсий тахлилини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Миллий мактабгача тарбия муассасаларида болалар рус тилининг грамматик категориялари ҳақида, хусусан, олмошлар ҳақида энг зарур билимларни оладилар.

Ўзбек тилида таълим бериладиган болалар боғчаларида рус тилини ўқитиш дастурига<sup>24</sup> мувофиқ ўқув йили ниҳоясига келиб, болалар қуйидаги олмошларни тушунишлари ва нутқда қўллай олишлари лозим:

<sup>24</sup> «Ўзбек тилида таълим бериладиган болалар боғчаларида рус тилини ўқитиш дастури». — Т.: 2000. (Тузувчи муаллифлар: Р.М.Қодирова, Ф.Р.Қодирова).

А) Олмошлар: Я, ТЫ, ОН, ОНА, ОНИ, МОЙ, МОЯ, МОЁ, МОИ, ТВОЙ, ТВОЯ, КТО?, ЧТО?, ГДЕ?, ВОТ, ЭТО;

Б) Нутқий қурилмалар: Как тебя зовут? Меня зовут... . У меня есть... . У тебя... .

Болаларнинг русча нутқни онгли равишда қўллашлари учун таълимда русча олмошларни ўзлаштиришга оид машқлар тизимидан фойдаланиш тавсия этилади.

Доимийлик ва юқори даражада такрорланиш — раво нутқда олмошларни қўллаш кўникмалари ва тажрибаларини шакллантиришга оид машқларга қўйиладиган умумий талаблардир. Бунга қурилма таркибини сақлаб қолиш, бироқ, айтиш вақтида, у қўйиладиган ўйин вазиятини ўзгартириш орқали эришиш мумкин. Бўлмаса болаларда уни қўллашга нисбатан қизиқиш пасаяди.

Олмошларни қўллаш учун бола у ёки бу ҳолни қўллашга мажбур бўладиган вазиятни яратиш тавсия этилади. Бу вазиятни ўйин жараёнида кўرғазмавийлик (суратлар, ўйинчоқлар, табиий буюмлар, муляжлар ва ҳ.к.) ёрдамида вужудга келтириш мумкин.

Масалан, қуйидаги тузилмаларини қўллаш кўникмаларини мана бундай тарзда ҳосил қилиш мумкин:

«Я+от» Я девочка; я врач

«Я+фёъл» Я играю, я сижу

«Я+фёъл+от» Я одеваю куклу, я читаю книгу...

Бу тузилмаларни бошқа шахсий олмошларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин: ТЫ, ОН, ОНА, ОНИ.

Я, ТЫ, ОН, ОНА, ОНИ шахсий олмошларидан рус тилини ўқитишнинг дастлабки босқичларида фойдаланиш тавсия этилади. Болалар ҳолни ўзлаштириб олишлари ва уни нутқда қўллай олишлари учун педагогга қуйидаги машқлар тизимидан фойдаланиш тавсия этилади.

1-машқ.

«Я», «ТЫ» ҳоли.

Болалар луғатига «Я» ҳолини киритишда қўл билан ўзини кўрсатиш ва «Я — Адиба Расуловна (ҳар бир педагог ўз исм-шарифини айтади)» деб айтиш керак. «Я» ҳоли ўзбек тилига таржима қилинади. Мазкур гапни рус ва ўзбек тилларида қайтариш лозим: «Я Адиба Расуловна», «Мен — Адиба Расуловнаман».

Болани кўрсатиб, «Ты — мальчик» дейилади. «ТЫ» ҳолини ўзбек тилига таржима қилинади. «ТЫ» — «СЕН».

«Ты — мальчик» гапи ўзбек тилига таржима қилинади «Сен ўғил боласан».

Қизчани кўрсатиб, «Ты — девочка» — «Сен қиз боласан» дейилади.

Барча гапларни бир неча бор такрорлаш зарур.

«Я — Адиба Расуловна» (педагог ўзини кўрсатади).

«Ты — мальчик» (болани кўрсатади).

«Ты — девочка» (қизчани кўрсатади).

Олмошларни мустаҳкамлаш учун болалардан куйидагиларни сўраш тавсия этилади:

«Ты кто?» — «Сен ким?»

Педагог: Бола:

«Ты кто?» «Я мальчик»

«А ты кто?» «Я девочка»

Болаларга бир-биридан «Ты кто?», «А ты кто?» деб сўраш ва саволларга жавоб бериш таклиф этилади.

Ушбу олмошларни нутқда қўллаш кўникмаларини мустаҳкамлашни куйидаги шаклда ўтказиш тавсия этилади. Болаларга ҳайвонларнинг боши акс эттирилган маска-қалпоқларни кийишни таклиф этинг ёки эртақ қаҳрамонлари тасвирланган суратларни қўлингизга олинг ва болалардан сўранг: «Ты кто?»

«Я — дед», «Я — бабушка», «Я — жучка», «Я — кошка».

«Я — мишка», «Я — Буратино», «Я — доктор Айболит», «Я — волк».

Я, ТЫ, МЫ шахсий олмошларини бадантарбия машқларини ўтказиш жараёнида мустаҳкамлаш мумкин:

«Я иду, и ты идёшь, —

Раз, два, три,

Раз, два, три.

Я пою и ты поёшь,

Раз, два, три,

Раз, два, три.

Мы идём и мы поём,

Очень дружно мы живём».

2-машқ.

ОН, ОНА олмошлари.

Қизча ва ўғил болани чақиринг, ўғил болани кўрсатиб, айтинг: «Это Рустам. Он мальчик» (Он ҳолига ургу бериб айтинг). Қиз болани кўрсатиб, айтинг: «Это Саида. Она девочка». «ОН» ва «ОНА» олмошларини ўзбек тилига таржима қилинг: Он — у, Она — у. Болаларнинг эътиборини ўзбек тилида ўғил болага нисбатан ҳам, қиз болага нисбатан ҳам фақат «У» дейилиши, рус тилида эса қиз болага нисбатан «ОНА», ўғил болага нисбатан «ОН» дейилишига қаратинг.

Это Саида. Она девочка.

Бу Саида. У киз бола.

Это Рустам. Он мальчик.

Бу Рустам. У ўғил бола.

«ОН», «ОНА» олмошларини мустақкамлашни куйидаги шаклда ўтказиш тавсия этилади:

Педагог: Я буду называть имена детей, а вы будете говорить, кто это ОН или ОНА.

Педагог: Дети:

— Зухра — Она девочка.

— Хаким — Он мальчик.

Педагог: — Это Тахир. Он мальчик.

— Это Гуля. Она девочка.

Нутқда «ОН», «ОНА» олмошларини қўллаш мақсадида болалар билан «Кимлигини топинг» ўйинини ўтказиш мумкин.

Ўйин тавсифи: Педагог боланинг кўзини боғлайди ва болалардан бирига ўйинчоқни таклиф этади. Ўйинчоқни олган бола унинг номини айтиши керак. Бола сўзловчи овозига қараб, ўғил бола ёки қиз бола гапираётганини топиши керак.

Бола: — Самолёт. Кўзи боғлиқ, бола: — Это Хаким.

Он мальчик.

— Качели. — Это Зульфия. Она девочка.

Агарда кўзи боғлиқ бола топа олмаса, болалар унга ёрдам беришади ва ким гапираётганини айтишади.

Иш жараёнида педагог болаларни родларни тушунишга ундайди (женский, средний, мужской).

Масалан: Это кубик? — Да, это кубик.

Где он? — Он на столе.

А это кто? — Мальчик.

Где он сидит? — Он сидит на стуле.

А это что? — Барабан.

Где он лежит? — Он лежит на столе.



- |                 |                       |
|-----------------|-----------------------|
| Это кукла?      | — Да, это кукла.      |
| Где она?        | — Она на стуле.       |
| А это кто?      | — Девочка.            |
| Что она делает? | — Она сидит.          |
| А что это?      | — Книга.              |
| Где она лежит?  | — Она лежит на столе. |

Кейин педагог нарсаларни кўрсатади ва уларнинг номини айтади, болалар эса отни ҳол билан алмаштирган ҳолда уларнинг сифат белгиларини, хусусиятларини айтадилар.

- |                    |                |
|--------------------|----------------|
| Педагог:           | Бола:          |
| Машина. Она какая? | — Она красная. |
| Кубик. А он какой? | — Он синий.    |
| Платье. Оно какое? | — Оно белое.   |
| 3-машқ.            |                |

«У меня есть (от)» тузилмасини ўргатиш учун педагог болаларга уйларидаги ўйинчоқлари ҳақида она тилида сўзлаб беришни илтимос қилади. Кейин эса педагог она тилида шундай дейди: «Агар биз ўзимиздаги бор нарса ҳақида русчалаб айтмоқчи бўлсак, бундай дейишимиз лозим: (навбати билан ўйинчоқлар ва нарсаларни қўлига олади) «У меня есть кукла», «У меня есть книга».

Мазкур тузилмани болалар онгида мустаҳкамлаш учун қуйидагиларни ўтказиш тавсия этилади. Педагог болаларга ҳайвонлар тасвирланган суратларни қўлларига олишни таклиф қилади. Кейин эса бирон-бир ҳайвон суратини кўрсатиб, сўрайди: «У кого кошка», мушук тасвирланган суратни ушлаб турган бола, расмни кўрсатиб дейди: «У меня кошка». Тўғри жавоб учун тарбиячи юлдузча ва бошқа совға беради. «Птицы», «Посуда», «Одежда», «Овощи», «Цвета» мавзулари бўйича ҳам ана шундай ишларни ўтказиш тавсия этилади.

Масалан: Педагог болаларга рангли қаламлар тарқатади. Болалар уни яширадилар, педагог эса топади.

Педагог: — «У тебя черный карандаш».

Бола: — «Нет, у меня синий карандаш».

«У меня есть+от» тузилмасини мустаҳкамлашни қуйидагича амалга ошириш мумкин: болаларга радиода ўз дўсти (дугонаси) ҳақида сўзлаб беришни таклиф қилинг.

Бола: — У меня есть друг. Его зовут Хаким.

— У меня есть подруга. Её зовут Дильбар.

«Оила» мавзусини ўтишда ҳам шундай вазиятдан фойдаланиш тавсия этилади.

— У меня есть брат. Его зовут Алишер. Ему десять лет.

4-машқ. Болалар нутқига «Как тебя зовут?», «Меня зовут...» намунавий тузилмаларини киритиш учун педагог болаларга қўғирчоқни кўрсатиши ва она тилида шунлай дейиши керак: «Бизга янги қўғирчоқ меҳмон бўлиб келди. Ҳозир биз у билан танишамиз».

Педагог: — Как тебя зовут?

Қўғирчоқ: — Меня зовут Таня.

Педагог болаларга бировнинг исмини билиш зарур бўлиб қолганда «Как тебя зовут?» деб сўраш лозимлигини она тилида тушунтиради (иборани секинлик билан бир неча марта қайтаринг).

Сўнгра, ўз исмини айтиш лозим бўлганда «Меня зовут...» деб жавоб бериш кераклигини тушунтиради (мазкур сўз бирикмасини бир неча марта такрорлаш даркор).

Педагог: — Как тебя зовут?

Қўғирчоқ: — Меня зовут Таня.

Мана биз қўғирчоқнинг исмини билиб олдик. Энди эса у биз билан танишмоқчи. Унга ўз исмингизни ва қайсингиз ўғил бола, қайсингиз қиз бола эканлигингизни айтинг.

Қўғирчоқ: Болалар:

Как тебя зовут? — Меня зовут Зульфия.

Я девочка.

— Меня зовут Уктам.

Я мальчик.

А тебя зовут Мурат? — Нет, меня зовут Рустам.

Кейин педагог болаларга қўғирчоқ театрига «боришни» таклиф қилади. Бунинг учун билет сотиб олиш керак, лекин синфда фақат ўз исмини ҳамда қиз ёки ўғил болалигини айтган болаларгагина билет берилмоқда.

Барча болалар билет «олиб» бўлганларидан сўнг, педагог «Ёғоч уйча» (Теремок) стол қўғирчоқ театрини намоиш қилиши мумкин.

Шундай қилиб, болалар билан ишлашда машқлардан фойдаланиш орқали мактабгача ёшдага ўзбек, тожик ва бошқа миллат болаларининг рус тилидаги ҳолни ўзлаштириб олишларида муайян муваффақиятга эришиш мумкин.

## БОЛАЛАР НУТҚИДА ГРАММАТИК ХАТОЛАРНИ ТУЗАТИШ МЕТОДИКАСИ

Ўзбек, тожик ва бошқа миллат болаларининг русча нутқида грамматик қаторни шакллантириш узоқ давом этадиган жараён дир. Болалар нутқини нафақат машғулотларда, балки уларнинг кундалик ҳаётида ҳам кузатиб бориш лозим.

Тузатилмаган грамматик хато нафақат сўзлаётган болада, балки, аини пайтда, уни тинглаб турган барча болаларда нотўғри фикрни мустақкамлаш демак дир. Хато ни хушмуомалалик ва эҳтиёткорлик билан тузатиш лозим, лекин бу ишни бола ортиқча ҳаяжонланиб турган пайтда амалга оширмаслик керак. Унинг нутқий хатосини такрорламаслик лозим, яхшиси тўғри шаклни бир неча марта такрорлаган маъқул. Тузатишни баланд овозда қилиш керак, токи уни барча болалар қабул қилиб олсин. Кўпинча педагог бола нутқида унинг ота-оналари ва яқинларининг нотўғри нутқий таъсирига дуч келади. Бу ҳолатда болаларга катталар ҳар доим ҳам рус тилида тўғри гапиравермаслигини, чунки уларнинг ёшлигида рус тилини ўрганиш учун имконият бўлмаганини тушунтириш зарур. Болаларни ўз тенгдошлари ёки катталарнинг нутқида хатоликни эшитиб қўймасликка, балки уларга у ёки бу сўзни тўғри айтишга ёрдамлашишга ўргатиш лозим.

Педагог нутқи болалар нутқининг шаклланишида ва ривожланишида катта таъсирга эга. Болалар унинг оҳанга, ифодалилиги ва ҳис-ҳаяжонлилигини ўзларига қабул қилиб оладилар. Шу боис, педагог ўз нутқини доимо такомиллаштириб бориши, унинг грамматик жиҳатдан тўғри бўлишига интилноғи лозим. Бундан ташқари, болаларга русча сўзлашиш нутқини ўргатаётган педагог ота-оналар, мактабгача тарбия муассасалари ходимлари ўртасида мазкур масала бўйича педагогик тарғибот ишларини олиб бориши лозим. Ота-оналар мажлисида уйда болалар билан қандай қилиб рус тилидаги нутқий фаолиятни ташкил этиш ҳақида гапириб бериш тавсия этилади. Масалан, бунинг учун русча эртақлар, шеърлар ёзилган пластинкалар, дисклардан фойдаланиш мумкин.

Тарбиячи рус тилининг кўргазмали тарғибот воситаларидан ҳам фойдаланиши лозим. Масалан, «Мы учим русский язык» номли китоб-пардани тайёрлаш мумкин. Унда

турли рубрикалар остида машғулотда ўтилган янги сўзларни, кичик шеърларни, грампластинкалар ва телекўрсатувлар номларини жойлаштириш мумкин.

Ота-оналар билан биргаликда турли воситалар, методлардан фойдаланиш грамматик хатоликларни тузатиш ва уларнинг олдини олишга ёрдам беради.

## РЕЗЮМЕ

Ўрганилаётган тил грамматикасини ўзлаштириб олиш бу сўзлар шаклини эслаб қолиш ёки ёд олиш эмас, балки янги ўзлаштирилган сўзлардан ана шундай шаклларни яратиш усулларини вужудга келтириш демакдир.

Болаларнинг ўрганилаётган тилнинг грамматик кўринишларини тушунишлари предметли муносабатлар мантиғига асосланган. Боланинг бутун тил ривожини негизда предметли фаолият ётади.

Тил воситалари орқали мулоқот қилишда инсон муайян мулоқот шароитида (вазиятда) йўл топиши, хотирасидаги мавжуд тил (коммуникатив) воситаларидан ижодий фойдаланиши лозим.

Бошқа миллат болаларига рус тилини ўқитишда ушбу воситаларни, яъни нутқий хулқ қоидалари, нутқий ҳаракатлар, операцияларни бажариш каби воситаларни бериш зарур.

Грамматик шаклларни алоҳида сўзлар ва иборалар мисолида намоёниш этиш лозим, айти пайтда шундай шароит яратиш керакки, токи бунда мазкур грамматик кўникма бошқа сўзларга ўта олсин, демакки, ундан янги вазиятда фойдаланиш мумкин бўлсин.

Ўйин вазияти грамматик қобилиятни ишлаб чиқишнинг асосий методик усули ҳисобланади.

Болаларнинг рус тилининг грамматик тузилишини ўзлаштиришлари кўргазмали намоёниш этиш асосида рўй беради.

Агарда ўқув жараёнига кўп сонли ақлий ва эмоционал ҳиссиётлар киритилса, боланинг янги ўқув материални ўзлаштириши шунчалик осон ва тез кечади.

Қўғирчоғлар билан ўйналадиган ўйинлар болаларда рус тилининг грамматик тузилмасини шакллантиришда катта имкониятларга эга.

Бошқа миллат болаларини ўқитишда ўйин усулидан фойдаланиш уларда рус тилига қизиқишни ва бу тилда гапириш истагини тарбиялашга ёрдам беради.

Русча олмошларни ўрганишда бошқа миллат болалари катта қийинчиликларга дуч келадилар.

Болаларнинг рус тили олмошларини эгаллаб олишлари устидаги ишлар махсус машқлар тизимидан фойдаланган ҳолда рус ва ўзбек тиллари олмошларини қиёсий таҳлил қилиш асосида ўтказилиши лозим.

Бошқа миллат болаларида русча нутқнинг грамматик тузилмасини шакллантириш доимий узвий жараёндир.

Педагог машғулотда ҳам ва ундан ташқарида ҳам болалар нутқини кузатиб бориши лозим, зарур ҳолларда болаларнинг грамматик хатоларини хушмуомалалик билан тўғрилаш даркор.

Тузатилмаган грамматик хатолар сўзловчида ва, айти пайтда уни тингловчида нотўғри шартли алоқалар шаклланишидан далолат беради.

### **САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:**

1. Боланинг рус тилининг грамматик тузилмасини аста-секин эгаллаши нима билан изоҳланади?

2. Болаларнинг ўрганилаётган тилдаги грамматик кўринишларни тушуниши нимага асосланган? Ўз жавобингизни аниқ мисол орқали асослаб беринг.

3. Ўрганилаётган тилнинг грамматик шакллари қандай қилиб болалар онгига етказиш мумкинлигини аниқ мисоллар орқали тушунтириб беринг. Бунда қайси усуллардан фойдаланиш лозим?

4. Болаларнинг рус тилининг грамматик тузилишини эгаллашида кўргазмали намоёиш этиш ва кўргазмавийликнинг турли шакллари тавсифлаб беринг.

5. Бошқа миллат болаларининг русча нутқда кўп марта хатоларга йўл қўйишларининг сабаби нимада?

6. Нима учун олмошлар нутқда салмоқли ўрин тутаяди? Ўз жавобингизни аниқ мисоллар ёрдамида асослаб беринг.

7. Ўзбек ва рус тилларидаги олмошларни қиёсий таҳлил қилинг.

8. Боланинг ўрганилаётган тил олмошларини қўллаши учун қандай вазиятларни яратиш зарур? Бундай вазиятларга мисоллар келтиринг.

9. Олмошларни қўллаш кўникмаларини мустаҳкамлашни қандай шаклда амалга ошириш тавсия этилади? Ўз жавобингизни аниқ мисоллар ёрдамида асослаб бering.

10. Болаларнинг русча нутқидаги грамматик хатоларни қандай қилиб тузатиш керак?

11. Болаларнинг русча нутқида энг кўп учрайдиган хатоларни ва уларнинг вужудга келиш сабабларини айтинг.

12. Педагог ота-оналар, мактабгача тарбия муассасалари ходимлари ўртасида болаларга русча сўзлашиш нутқини ўргатиш масаласи бўйича педагогик тарғибот ишларини қайси мақсадда ва қандай олиб бориши лозим?

## РАВОН НУТҚҚА ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ

Равон нутқни ривожлантириш ўзбек, тожик ва бошқа миллат болаларига рус тилини ўқитиш жараёнида муҳим ўрин тутди. Равон нутқ — бу кишиларнинг ўзаро мулоқотини ва бир-бирини ўзаро тушунишларини таъминлайдиган мазмунан ёйиқ фикрdir.

Равон нутқнинг икки тури мавжуд: диалогик ва монологик.

Диалог — икки ёки бир неча кишининг суҳбати. Суҳбат мақсади одатда бирон нарса ҳақида сўраш ва жавоб олиш, бирон-бир ҳаракатга ундашдан иборат.

Монолог — бир шахснинг равон нутқи. Монологнинг мақсади — бирон-бир факт ҳақида хабар бериш.

Ўзбек тилида таълим бериладиган болалар боғчаларида рус тилидаги равон нутқни ўргатиш ҳар иккала турни ривожлантиришни кўзда тутди.

## ДИАЛОГИК НУТҚНИ ЎРГАТИШ

Диалог — бу катталар ва ўз тенгдошлари билан қилинган суҳбат бўлиб, у болага таълим беришнинг асосий шакли ҳисобланади.

Болалар боғчасида русча сўзлашиш нутқини ўргатиш икки шаклда ўтказилади:

1. Машгулотларда.
2. Ўқув вақтидан ташқарида.

Она тилидаги диалог кўпроқ эркин нутқий мулоқотда вужудга келади. Бироқ унинг иккинчи тилда ҳам вужудга келишига эришиш учун нутқий вазиятларни уюштириш, бола зиммасига имкони борича кўпроқ коммуникатив вазифаларни қўйган ҳолда махсус машқлар ўтказиш лозим.

Кўп вақтдан буён «боланинг бошқа шахслар билан мулоқот қила олиши учун муайян вазиятга хос бўлган муайян турдаги диалог турларини ёд олиш зарур», деган фикр ҳукмронлик қилиб келди. Бироқ, сўнгги йиллардаги тадқиқотлар ҳамда мактабгача ёшдаги ўзбек, тожик ва бошқа миллат болаларини ўқитиш амалиёти шуни кўрсатдики, диалогларни ёд олиш реал шароитларда мулоқот қила олиш қобилиятини таъминламайди. Чунончи, масалан, бола «Как тебя зовут» деган саволга жавоб бера олади, «Как зовут брата» деган саволга жавоб бера олмайди, гарчи бундай савол танишиш шароитида ўринли бўлса ҳам.

Нутқ психологияси нуқтаи назаридан олиб қараганда, бир диалогнинг ўзини мулоқот вазиятидан ташқарида кўп марталаб такрорлайвериш эмас (бу фақат ёд олиш билан чекланишга олиб келади), балки ушбу диалогларнинг болалар томонидан мулоқотнинг турли ўйин вазиятларида кўп марталаб қайта тикланиши, қайта ижро этилиши тўғрироқ ҳисобланади.

«Ўйинчоқлар» мавзуси бўйича 6 та машгулот давомида (таълимнинг 1-йили) болалар «Что это?», «А что это» деган саволларга жавоб беришни машқ қиладилар. Биз бу ерда шуни кўряпмизки, ушбу иборалар қўлланиладиган шароитлар психологик жиҳатдан олиб қараганда ҳеч бир аҳамиятга эга эмас, чунки улар одатда ўйинчоқлар ҳақидаги ҳақиқий суҳбатларда иштирок этадиган қизиқтириш элементидан маҳрум. Агар биз реал вазиятга яқинлаштирилган ўйин шароитида мазкур диалогни уюштиришга ҳаракат қилиб кўрсак, аён бўладики, айнан бир хил сўз ва ибораларнинг такрорланиши ҳар сафар психологик маънога эга бўлади, қизиқиш элементи пайдо бўлади.

Масалан, Петрушка (Билмасвой) барча ўйинчоқларнинг рус тилидаги номларини билишини айтади. Келинг, уни диққат билан тинглаб кўрамиз. Педагог коптокни кўрсатиб, Петрушканинг номидан «шар» дейди, болалар эса уни дарҳол тўғрилашади — «Это мяч». Ёки: — у зайчика в корзине две игрушки. Отгадайте, какие, и вы получите их.

– Кукла и мяч? – Нет.

– Барабан и самолёт? – Да.

Таълим жараёнида ўйинли машқлардан фойдаланиш диалогик нутқ шароитида болаларнинг жамоавий фаоллигига олиб келади. Педагогнинг бир ёки бир неча болалар билан диалогик нутқни машқ қилиш сифатида уюштирган суҳбати бошқа болаларни ҳам қизиқтира олишига интилиш зарур, бунда уларнинг олдига коммуникатив, нутқий-фикрлаш вазифаларини қўйиш лозим.

Ўзбек, тожик ва бошқа миллат болаларига рус тилидаги диалогик нутқни ўқитишда педагогнинг саволларни тўғри қўйиши катта аҳамият касб этади. Саволлар болаларнинг мустақил фикрларини рағбатлантириши лозим, демак, ўз-ўзидан таълимда аниқ мақсадга йўналтирилган саволлар тизимидан фойдаланишга интилиш лозим. Бу болалар жавобларини аста-секин мураккаблаштириб бориш ва уларни диалогни ўзлаштиришга тайёрлаш имконини беради. Назаримизда, унга қўйидагиларни киритиш мумкин:

1. Нотўлиқ тасдиқловчи ёки инкор этувчи жавобларни талаб қилувчи саволлар: "Это кукла?" – "Да", "нет".

2. Болаларни нафақат интонацияли, балки тасдиқ ёки инкорни билдирувчи жавоблар беришга ундайдиган саволлар: "Это кукла. Да, это кукла. Нет, это мишка.

3. Жавоб талаб қилувчи ва интонацияси билан ажралиб турадиган саволлар: "Кукла? – Кукла. Машина и кубик? – Да, машина и кубик".

4. Боладан "да", "нет" тасдиқловчи ва инкор этувчи сўзларни қўлламадан жавоб беришни талаб қилувчи муқобил тусдаги саволлар: "Это кукла или матрешка?. Это кукла".

5. Мулоҳаза юритиш элементлари қўлланидиган мураккаб жавобларни талаб қилувчи муқобил тусдаги саволлар: Это мишка? – Нет, это не мишка, а зайчик.

6. Жавобларда янги сўзлардан фойдаланишни талаб қилувчи саволлар: "Что это? – Это самолёт. Что делает зайчик? – Он пьёт чай.

7. Фёъл шаклидан фойдаланилган жавобларни талаб қилувчи саволлар: Что ты делаешь? – Я сижу.

Болалар фақат саволларга жавоб беришга одатланиб қоладиган бир томонлама диалогик нутқни ривожлантиришдан қочиш учун болалар ўзлари савол берадиган ва унга ўзлари



жавоб берадиган вазиятни яратиш зарур. Саволларнинг болалар томонидан қўйилиши уларнинг ўрганилаётган тилда фикрлаш жараёнини англаб етганликларини билдиради.

Мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришда шундай диалоглардан фойдаланиладики, уларда бирон-бир ҳаракатни бажариш юзасидан фикр алмашиш рўй беради.

Ушбу ишда иложи борича болага нутқий ҳаракатни бажариш учун бирон нарсани сўраш ёки билишга тўғри келадиган ўйинларни кўпроқ ташкил қилиш керак. Масалан, "Касалхона" ўйинида болалар "касал" ўйинчоқлари билан врач хузурига келадилар ва дори-дармон олиш учун ўйинчоқнинг қаери оғриётганини айтишлари керак:

— Доктор, у моей куклы болит горло — Как зовут твою куклу?

— Гуля. Ей пять лет — Она ела мороженое?

— Вот для неё лекарство — сладкое яблоко — Спасибо.

Болаларнинг диалогик нутқни ўзлаштириб олишларининг дастлабки босқичларида мулоқот асосан тарбиячи билан болалар ўртасида боради.

Кейинги босқичларда болалар ўртасида мулоқотни ривожлантириш ва рус тилидаги диалогик нутқни шакллантиришга катта эътибор билан қараш лозим. Ушбу мақсадда болаларни "Ёғоч уйча" (Теремок), "Қизилча" (Репка) эртақлари билан таништириш, мусиқа остида саҳналаштириш ўйинларини уюштириш даркор. Болалар бундай ўйинли вазиятларда катта қизиқиш билан иштирок этадилар.

Машгулотларда болаларнинг бир-бири билан дўкондан ўйинчоқлар сотиб олиш, озиқ-овқатларга буюртма бериш масалалари бўйича телефон орқали диалогларини уюштириш керак.

Барча ана шундай вазиятларда муайян талабларга амал қилиш талаб этилади:

1. Болалар ҳар бир вазиятда турли қарорлар қабул қилиш имконига эга бўлиш учун етарли даражада тил материалини ўзлаштирган бўлиши лозим.

2. Ўйин қоидалари болаларнинг бир-бирлари фикрларини механик тарзда такрорлашларига йўл қўймаслиги лозим.

3. Ўйин учун тил воситаларини танлаш, унга бўлган қизиқиш ва ижодий муҳит турли кўрғазмавий қурооларни

қўллаган ҳолда турли вазиятларни яратиш орқали таъминланиши мумкин.

## МОНОЛОГИК НУТҚНИ ЎРГАНИШ

Агар фикр билдиришда фақат бир шахс иштирок этаётган бўлса, бундай нутқ монологик нутқ дейилади. Монолог, одатда, — китобий услуб нутқидир.

А.Шерба шундай қайд этади: "...Адабий тилнинг асосини монолог, ҳикоя, қарама-қарши қўйиладиган диалог ташкил этади. Монолог фикрларнинг сўз шаклини олмаган ташкилий тизими бўлиб, у луқма эмас, балки атрофдагаларга атайлаб кўрсатилган таъсирдир. Хар қандай монолог энди ниш ураётган адабий асардир..."<sup>25</sup>

Ўқитиш учун монологик нутқ диалогик нутққа қараганда анча қийин, деган фикр мавжуд. Бироқ, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бу ундай эмас.

Масалан, мулоқот иштирокчиларидан бирининг нутқи пассив бўлган ҳолатларда (педагог боладан бирон-бир предмет (ўйинчоқ, мевалар ва ҳ.қ.)ни олиб келишни ёки олиб бориб қўйишни сўрайди, бола уни тушунади ва ҳаракатни тўғри бажаради.

Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, кичик болалар дастлабки сўзларни айтишни ўрганишдан олдин ўз она тилидаги анча қийин гапларни тушуниши мумкин. Ўз-ўзидан тушуниш-диалогик ва монологик нутқ сифатида равон нутқни эгаллаб олишнинг биринчи босқичидир. Бошқа миллат болаларининг катталарнинг рус тилида билдирган фикрларини тушунишлари, товуш оқимини илғай олишлари олдиндан алоҳида гаплар, сўз бирикмалари, морфемаларни ўзлаштириб олишни, яъни уларни нутқ оқимидан ажрата олиш қобилиятига эга бўлишни талаб этади. Равон нутқни эгаллашни унинг компонентлари бўлмиш — гаплар, сўзлар ва ҳоказоларни ажрата олиш қобилиятини ривожлантирмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Ушбу қобилиятларни ривожлантиришда болага ёрдам бериш ва шу йўл билан равон нутқ ўзлаштирилишига кўмаклашиш учун ўқиш жараёнида

<sup>25</sup> Шерба Л.В. Рус тили бўйича танланган ас арлар. — М.: 1957, 115-бет.

уларни сўзларни, сўз бирикмаларини ва гапларни қўллаш ўргатиш керак. Шундай қилиб, психологик жиҳатдан қийинлиги бўйича навбатдаги босқич — мустақил фикр билдириш босқичидир, бундан монологик нутқ ҳам ва айни пайтда диалогик нутқ ҳам қелиб чиқади. Масалан, нарса ёки ҳаракат тавсифи (красное платье; Зайчик сидит); суҳбатдошга қаратилган нутқ (Возьми кубик).

Диалогда иштирок этиш мураккаб нутқий кўникмаларни талаб этади. Биринчидан, суҳбатдош билдираётган фикрнинг тўғри тушуниш керак. Иккинчидан, жавоб тарзида умумлоҳазасини шакллантириш ва уни тил воситалари ёрдамида тўғри ифодалаш даркор. Учинчидан, суҳбатдош сўзларига нисбатан муносабат кўп жиҳатдан унинг нима деганлигига боғлиқ. Монологик нутқда эса сўзловчига нутқий ҳаракатларни бажаришда эркинлик берилади: у билдирилган фикр мазмунига мос келадиган ва таълим жараёнида яхши ўзлаштириладиган тил воситасини танлаши мумкин.

Шундай қилиб, равон нутқни шакллантиришда қуйидаги табақаларни ажратиш мумкин: равон нутқни тушуниш монологик нутқ кўникмалари.

Равон нутқ кўникмалари мураккаб нутқий ҳаракатни, яъни тугалланган фикрни ифодалашни таъминлайди. Қобилият қатор хусусий оралиқ кўникмалар ва қобилиятлардан иборат бўлган мураккаб яхлитликдир<sup>26</sup>.

Биз қайси кўникма ва қобилиятларни оралиқ кўникма ва қобилиятларга киритамиз? Бу товушлар, товуш бирикмаларини талаффуз этиш кўникма ва қобилиятлари; бу сўзларни тушуниш ва айта олиш қобилияти, уларни родларда, сонда ва келишикларда келиштира олиш қобилияти ва ҳоказолардир. Оралиқ кўникмаларни шакллантириш масалалари "Талаффуз кўникмаларини шакллантириш", "Ўқувчи ривожлантириш методикаси", "Грамматик тузилиш элементларини шакллантириш" бўлимларида кўриб чиқилган.

Хусусий кўникма ва қобилиятларга биз рус тилида энг оддий мустақил фикр билдиришларни шакллантириш учун зарур бўлганларини киритамиз. Ўзбек, тожик ва бошқа миллат

<sup>26</sup> Методика обучения русскому языку в национальном детском саду. Ф.А.Сохин, Е.И.Негневичская таҳрири остида. М.: "Просвещение", 1985, 93 бет.

болаларида рус тилидаги равон нутқни ривожлантиришнинг асосий ўқув вазифаси айнан хусусий нутқий кўникмалар ва қобилиятларни шакллантиришдан иборат.

Рус тилидаги равон нутқни ривожлантириш борасидаги вазифалар болаларнинг фикрлашини, фикрни тил воситалари билан аниқ, ифодадай олишни ривожлантириш, нутқий-фикрлаш вазифаларини мустақил ҳал этиш кўникмаларини шакллантириш, фикр ва тасаввурни фаоллаштиришни кўзда тутади.

Бу вазифаларни сифатли ҳал қилиш, айни пайтда равон нутқни ривожлантириш учун база бўлиб хизмат қиладиган тил материаллини, яъни, ушбу тил материаллида шакллантириладиган нутқ кўникмалари ва қобилиятлари умумийлигини; бу кўникмаларни «Оддийдан мураккабга» тамойили бўйича ишлаб чиқишдага изчилликни билиш лозим.

Намунавий тузилма, яъни мазмунан ва грамматик шакли бўйича мос келадиган турли сўзлар билан тўлдириш мумкин бўлган гап тузилмаси — равон нутққи ўргатишдаги асосий бирлик ҳисобланади. Гап тузилмаси унга кирувчи сўзларнинг мамунан ва грамматик жиҳатдан расмийлаштирилиши борасида муайян талабларни қўяди, тил қонунларига мувофиқ ҳолда мос келишлик қоидаларига риоя қилинишини талаб қилади.

Мактабгача ёшдаги бошқа миллат болаларига рус тилида равон сўзлашишни ўргатиш жараёнида педагог намунавий тузилмани нафақат алоҳида мисол сифатида, балки тил тузилмаларининг умумлашмаси кўринишида қўллаши лозим. Бу болалар у ёки бу тузилмани ёд олишларини шарт қилиб қўймайди, балки мазкур тузилма асосида мустақил равишда кўплаб иборалар тузишларига ишора қилади.

Масалан, дастурда намунавий дастур сифатида «Возьми куклу» гапи кўрсатилган. Унинг таркиби қуйидагича: бирликдаги буйруқ майли феъли + бирликдаги тушум келишигидаги от. Бу тузилма икки. ўриндан иборат, уларнинг ҳар бири мос келувчи сўзлар билан тўлдирилиши мумкин. Чунончи, биринчи ўринда турли феъллар бўлиши мумкин. Яъни: принеси, отнеси, возьми ва ҳ.к. + бирликдаги (винительный) келишикдаги от — кубик, машину, мяч ва ҳ.к.

Педагог учун намунавий тузилмага эга бўлган ҳолда мазкур лексик материалнинг барча имкониятларини; янги лексика,

янги грамматик материални ўрганиш чоғида илгари киритилган тузилмаларни фаоллаштириш имкониятларини кўриш жуда осон.

Бошқа миллат болаларига русча равон нутқни ўқитишнинг муваффақияти куйидаги тамойилларга қанчалик тўғри риоя қилинишига боғлиқдир:

1. "Спирал тамойили" — ўзлаштириб бўлинган намунавий тузилмаларга доимий равишда қайтиш, улардан нутқда кўп марталаб фойдаланиш, бунга "намунавий шакл"ни ўзлаштирилиш даражасига қараб, имкони борича, кўп сонли сўзлар билан тўлдириш ёрдамида эришилади.

2. Равон нутқни ривожлантиришнинг таълимнинг лексик ва грамматик жиҳатлари билан ўзаро боғлиқлиги.

3. Янги тузилмалар устида ишлашда мавзулар ўртасида сифат жиҳатдан ворислик.

4. Намунавий тузилмалар билан амаллар ўтказиш кўникмаларини шакллантиришдаги "бир қийинчилик" дидактик тамойили. У куйидагилардан иборат:

а) болалар томонидан ҳозиргина ўзлаштирилган сўзлар дастлаб илгари ўзлаштирилган намунавий тузилмалар таркибида ва фақат шундан кейингина янги намунавий тузилмалар таркибида фаоллаштирилади;

б) янги намунавий тузилмалар дастлаб ўзлаштириб бўлинган сўзлар материали негизда ишлаб чиқилади ва шундан кейингина у янги сўзлар билан бойитилади.

Таълим жараёнида шакллантирилган нутқий кўникма ва қобилиятлар автоматизмга эга бўлиши лозим. Бу, агар, бола муайян намунавий тузилмани ўзлаштириб олган бўлса, у бу тузилмани тушуниши ва фикрини тез ифода қилишда четдан ёрдамсиз ундан фойдаланиши лозим деганидир.

Мустақамлик, яъни бирон-бир тил материалида шакллантирилган кўникма нисбатан мураккаб нутқий ҳаракатга қўшилгани ҳолда "сочилиб кетмаслиги" лозим. Агарда бола "Пальто и шапка" деб айтилган иборани тушунса, у нисбатан мураккаб нутқий жараёнга — "Принеси пальто и шапку" нутқий жараёнига жалб қилинганида ҳам мазкур иборани тушуниши лозим.

Мослашувчанлик, яъни янги вазиятда нутққа қўшила олиш ва нутқда янги тил материалдан фойдалана олишга қодирлик. Русча нутқдаги кўникма ва қобилиятларни

шакллантириш учун муайян изчилликда жойлаштирилган машқлар тизимидан фойдаланиш зарур.

Бундан ташқари, дидактика талабларига асосланган ҳолда ишда турли хил метод ва услублардан фойдаланиш лозим. Бунда луғат материални фаоллаштирувчи, товушлар талаффузи кўникмалари ва рус тилининг грамматик қурилишини шакллантирувчи усуллар қанчалик ранг-баранг ва қизиқ бўлса, болаларнинг иккинчи тилни ўзлаштириб олишлари шунчалик осон бўлади.

Болалар ишда бир хилликни ёқтирмайдилар. Шунинг учун болаларнинг иккинчи тилни ўзлаштиришга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлашга ёрдам берадиган барча имкониятлардан фойдаланиш зарур. Машғулотларда бир иш турини бошқаси билан алмаштириб туриш лозим.

## РЕЗЮМЕ

Равон нутқ бу кишиларнинг мулоқотини ва ўзаро бир-бирини тушунишини таъминловчи мазмунан кенг ёйилган фикрдир.

Ўзбек тилида таълим бериладиган болалар боғчаларида рус тилида равон нутқни ўргатиш унинг икки турини, яъни диалогик ва монологик турларини ривожлантиришни кўзда тутди.

Иккинчи тилда диалог рўй бериши учун махсус нутқий вазиятларни вужудга келтириш, бола зиммасига иложи борича кўпроқ коммуникатив гусдаги вазифаларни юклаш орқали бунга эришиш зарур.

Болаларнинг муайян диалог турларини ёд олишлари унинг реал шароитларда мулоқот қила олиш қобилиятини таъминламайди.

Нутқ психологияси нуқтаи назаридан олганда, мулоқотнинг турли хил ўйин вазиятларида ушбу диалогларнинг болаларнинг ўзлари томонидан қайта тикланиши ва ижро этилиши тўғрироқ бўлади. Диалогик нутқни ўргатиш жараёнида ўйин вазиятларидан (машқлардан) фойдаланиш болаларнинг жамоавий фаоллигига ёрдам беради.

Педагогнинг саволни тўғри қўйиши болаларга рус тилида диалогик нутқни ўқитишда катта аҳамият касб этади. Саволлар болаларнинг мустақил фикр билдиришларини рағбатлантириши лозим.

Айниқса болалар нафақат саволларга жавоб берадиган, балки уларнинг ўзлари ҳам савол берадиган вазиятларни яратиш зарур.

Диалогда иштирок этиш мураккаб нутқий қобилиятларни, яъни: суҳбатдош томонидан билдирилган фикрни тўғри тушуниш; жавоб тарзида ўз мулоҳазасини баён қилиш ва уни тил воситалари орқали ифодалашни талаб қилади.

Болалар томонидан савол берилиши уларнинг ўрганилаётган тилда фикрлаш жараёнини англаб етганликларидан далолат беради.

Монолог — атрофдагиларга атайлаб таъсир кўрсатиш ҳисобланадиган фикрларнинг сўз шаклига киритилган уюшган тизимидир.

Монологик нутқда сўзловчига нутқий ҳаракатни бажаришда эркинлик берилади.

Равон нутқни эгаллаб олишнинг биринчи босқичи — бу тушуниш; иккинчи босқичи мустақил фикр билдиришдир.

Равон нутқ, кўникмалари мураккаб нутқий фаолият — ниҳоясига етказилган фикрни ифодалашни таъминлайди. Қобилият — қатор қисмий ва оралиқ кўникмалар ҳамда қобилиятлардан ташкил топган мураккаб бир бутунликдир.

Оралиқ кўникма ва қобилиятлар бу товушлар, товуш бирикмаларини талаффуз этиш кўникма ва қобилиятлари, бу сўзларни, сўз бирикмаларини тушуниш ва айта олиш, уларни родда, сонда ва келишиқда мослаштира олиш қобилиятидир.

Қисмий кўникма ва қобилиятлар бу рус тилида мустақил равишда энг оддий фикр билдириш учун зарур бўлган кўникма ва қобилиятлардир.

Рус тилидаги равон нутқ устида ишлашнинг ривожланиб бораётган вазифаси болаларнинг фикрлашини ривожлантириш, фикрни тил воситалари ёрдамида аниқ ифодалаш, нутқий-фикрлаш вазифаларини мустақил равишда ижодий ҳал этиш кўникмаларини шакллантириш, фикр ва тасаввурни фаоллаштиришдан иборат.

Равон нутқни ўргатишда намунавий тузилма (яъни, гап тузилмаси) мазмуни ва грамматик шакли бўйича мос келувчи турли сўзлар билан тўлдириш мумкин бўлган асосий бирлик ҳисобланади.

Болаларга рус тилида равон нутқни ўргатишда намунавий тузилмани умумлаштирилган тил тузилмаси кўринишида

(хусусий мисол кўринишида эмас) қўллаш лозим, болалар унинг ёрдамида мустақил равишда қўплаб иборалар тузишлари мумкин.

Шаклантирилган нутқий кўникмалар ва қобилиятлар автоматизм, барқарорлик ва мослашувчанликка эга бўлиши лозим.

### САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Мактабгача ёшдаги болаларнинг рус тилини эгаллашларида равон нутқнинг аҳамиятини айтиб беринг.

2. Равон нутқнинг икки тоифасини тавсифлаб беринг.

3. Нима учун айрим турдаги диалогларни ёд олиш реал шарт-шароитларда мулоқот қила олиш қобилиятини таъминламайди?

4. Қандай усул нутқ психологияси нуқтаи назаридан болаларга диалогик нутқни ўргатишда тўғрироқ ҳисобланади?

5. Болаларга диалогик нутқни ўргатиш жараёнида ўйинли машқлардан фойдаданиш нималарга ёрдам беради? Ўз жавобингизни аниқ мисоллар ёрдамида асослаб беринг.

6. Болаларнинг диалогик нутқни эгаллашларига ёрдам берадиган аниқ мақсадли саволлар тизимини тавсифланг.

7. Болаларга диалогик нутқни ўргатишда унинг бир томонлама ривожланишидан чекиниш мақсадида қандай вазиятлар яратиш зарур?

8. Ушбу вазиятни яратишда педагог қандай талабларга риоя қилиши зарур?

9. Болаларда равон нутқни эгаллашнинг икки босқичини, яъни: тушуниш ва мустақил фикр билдириш босқичларини тавсифлаб беринг.

10. Болаларнинг диалогик нутқни эгаллаши жараёнида қандай мураккаб нутқий қобилиятларни шаклантириш зарур?

11. Оралиқ нутқ кўникмаларини тавсифлаб беринг.

12. Хусусий нутқ кўникмаларига тавсиф беринг.

13. Болаларнинг рус тилидаги равон нутқи устида ишлашда ривожланиб борувчи вазифа нималарда кўринади?

14. Болаларнинг рус тилидаги равон нутқини ривожлантиришга доир ривожланиб борувчи вазифани сифатли ҳал этиш учун педагог нималарни билиши лозим?

15. Болаларга равон нутқни ўргатишдаги асосий бирлик нима?

16. Болаларга рус тилида равон нутқни ўргатиш жараёнида педагог қайси тамойилларга риоя қилиши лозим? Ҳар бир тамойилни мисоллар ёрдамида тавсифлаб беринг.

17. Болаларда шакллантирилган нутқий кўникмалар қандай сифатларга эга бўлиши лозим? Нима учун шундай деб ўйлайсиз?

## БОЛАЛАРГА РУС ТИЛИНИ ЎРГАТИШ МЕТОДЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Миллий болалар боғчаларида мактабгача ёшдаги болаларга рус тилини ўқитишда педагогга суҳбат, болалар билан сўзлашиш, топшириқ ва вазифалар бериш, тарбиячи сўзларини ёд олиш, саёҳатлар, жисмоний машқлар, педагогнинг ўйинчоқ, суратлар ҳақидаги ҳикояси, стол кўғирчоқ театрини намойиш этиш, эртак ва шеърларни саҳналаштириш, ўйинлар каби методик усуллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### СУҲБАТ

Суҳбат — бу рус тилини ўқитишнинг дастлабки босқичида энг қулай ва кенг тарқалган иш туридир. Суҳбат жараёнида болалар янги сўзларни зарур грамматик шаклда ўрганиб оладилар, ўтган машғулот материалларини такрорлайдилар, уларда ўрганилаётган тилда мулоқот қилиш кўникмалари шаклланади.

Миллий болалар боғчаларида рус тили машғулотларида асосан ҳосил қилувчи (ўтилган материал асосида) ва умумлаштирувчи суҳбатлардан фойдаланиш лозим. Суҳбатдан болалар билимларини бир тизимга солиш учун фойдаланилади. Суҳбат жонли тусга эга бўлиши ва энг юқори самара бериши учун болаларнинг мустақил фикрларини эшитиш, уларнинг суҳбат мавзусига нисбатан шахсий муносабатларини аниқлашга интилиш лозим.

Суҳбат табиий ҳолда ва эркин бориши зарур. Агар мантиқий ва грамматик жиҳатдан тўғри бўлса, қисқа жавоб кенг ёйилган жавобдан кўра ишончлироқ чиқади. Тўғри жавоб олиш учун саволни тўғри тузиш муҳим аҳамиятга эга. Саволлар оддий, аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Мактаб ёшидаги болалар учун мумкин бўлган саволларнинг қўйилиши ўз лексикаси ва фразеологояси жиҳатдан катта педагогик ва методик маҳоратни талаб этади.

Дастлабки рус тили машгулотларида болалар бошланғич шаклдаги отлар билан танишадилар, шунинг учун саволлар жавобда бошланғич шаклдаги сўзлар қўлланишини талаб қилувчи кўринишга эга бўлиши лозим:

— Это что? — Это кукла.

— А это что? — Это мишка.

Кейин жавобида ДА, НЕТ тасдиқ ёки инкор сўзлар иштирок этадиган саволларни бериш лозим:

— Это кубик? — Да, это кубик.

— Это мяч? — Нет, это шар.

Саволлар болалар жавобларда сўзларни саволда қўлланилмаган грамматик шаклларда қўллашга мажбур қиладиган даражада аста-секин мураккаблаштирилиб берилиши лозим.

— Это какой кубик? — Это красный кубик.

Педагог болалар жавобларига катта эътибор билан қараши лозим. Дастлабки машгулотларда у жавоблар намуналарини беради. Болаларни нафақат берилган саволларга жавоб қайтаришга, балки уларнинг ўзларини ҳам савол беришга қўргатиш даркор. К.Д.Ушинский бу иш услубига катта аҳамият берган. У ёзади: "...ўқувчининг билим олиш жараёнида нафақат увоҳ ва тингловчи, балки фаолият кўрсатувчи шахс қанлигининг ўзи машгулотни жуда қизиқарли қилади"<sup>27</sup>.

Шундай қилиб, болаларнинг суҳбат жараёнида иштирок этиши мажбурийдир. Суҳбатни шундай уюштириш керакки, токи унда барча иштирок этсин. Агар бола фақат тарбиячининг бошқа болалар билан бўлаётган суҳбатни эшитиб ўтираверсаю, уни луқма ташлай олмаса, бу ҳолда у суҳбатлашиш жараёнини машқ қилмайди ва унинг суҳбатдаги иштироки фақат номигагина, холос. Шунга эришиш лозимки, токи ҳар бир бола нафақат эшитишни, балки сўзлашни ҳам машқ қилсин.

Ишнинг савол-жавоб шакли фойдали ҳисобланади ва ундан тўғри фойдаланилганда катта муваффақиятларга эришиш мумкин. Бироқ у ҳукмрон бўлиб қолмаслиги лозим, уни бошқа усуллар билан уйғунлаштириш зарур.

## БОЛАЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Бошқа кишилар билан суҳбатлашиш, ўз таассуротларини, фикрларини, ҳисларини, кечинмаларини бошқалар билан ўртоқлашишга эҳтиёжмандлик инсонга хос хусусиятлардандир. Болага эса, айниқса, кўпроқ хосдир. Бу эҳтиёждан бошқа миллат болаларида русча суҳбатлашиш нутқини ривожлантириш йўлида фойдаланиш лозим. Мактабгача тарбия соҳасидаги йирик арбоб Е.И.Тихеева шундай кўрсатиб ўтади: "...болалар билан якка тартибдаги суҳбатлар ўз тарбиявий аҳамиятига кўра айниқса аҳамиятлидир, зеро, унда боланинг ички дунёси очилади ва унинг тили жамоадаги суҳбатларга караганда беқийс даражада ривожланади"<sup>28</sup>.

Болалар боғчаларида рус тилини ўқитаётган педагоглар ҳар қандай кичик имкониятлардан фойдаланиб, болалар билан рус тилида кўпроқ гаплашишга интилиши лозим.

Болалар билан суҳбатлашиш учун режимли жараёнларни ўтказиш, масалан: болаларни қабул қилиб олиш, сайрга чиқиш учун кийинтириш, сайр қилиш каби жараёнлардан фойдаланиш тавсия этилади. Масалан, болани қабул қилиб олишда тарбиячи ундан қандай ўйинчоқлар олиб келганлигини ва уйда кимлар билан ўйнаганини сўрайди; сайрга чиқиш учун кийинтираётган пайтда болалардан қандай кийимлар кияётганликларини айтишни таклиф қилади.

Болалар билан якка тартибда ўтказилган суҳбатларда педагог боланинг русча товушлар талаффузидаги хатоларини ёки у ёки бу грамматик шаклларни нотўғри қўллаётганини аниқлаши, тўғри талаффуз этиш ва сўзларни зарур грамматик шаклда қўллаш учун намуналар бериши мумкин.

## ТОПШИРИҚ ВА ВАЗИФАЛАР

Болаларда рус тилида сўзлаш ва тушуниш кўникмаларини шакллантиришда "Топширик ва вазифа" усули катта аҳамиятга эгаллигини Е.И.Тихеева ҳам ўз асарларида бир неча бор кўрсатиб ўтган.

Айниқса, миллий мактабгача тарбия муассасаларида болаларни ўқитишда бу усул айниқса катта аҳамиятга эга. Ушбу усулнинг қиммати нимада? Бунда болага рус тилида муайян топшириқ берилади, айни пайтда, бола:

<sup>28</sup> Тихеева. Е.И. Развитие речи детей. — М.: "Просвещение" 1981, 93-бет.



1. Унга қаратилган нутқни диққат билан тинглаши ва унинг мазмунини тушуниши;

2. Айтилган сўзни эслаб қолиши;

3. Топшириқни бажариши;

4. Бажарилган иш ҳақида сўз билан ҳисоб бериши лозим.

Шундай қилиб диққат-эътибор, хотира, моторика ва нутқ фаоллашади.

Педагог болага берадиган топшириғининг моҳияти ва мазмунини яхши ўйлаб кўриши лозим, бунда болаларнинг рус тилидаги билим даражасини ҳисобга олиш зарур. Биринчи машғулотларда болаларга унчалик мураккаб бўлмаган топшириқлар берилади: ДАЙ КУКЛУ, МЯЧ; ОТНЕСИ КУБИК. Дастлабки босқичларда болалар ўзларига қаратилган нутқни тушунишлари ва мазкур топшириқни бажаришлари кўра муҳим ҳисобланади. Кейинчалик топшириқларни қийинлаштириш лозим. Топшириқни бажариб бўлганидан сўнг бола рус тилида ҳисобот тузиши даркор. Масалан, болага қуйидаги топшириқ берилади: ВОЗЬМИ КУКЛУ И КУБИК. Бола ушбу топшириқни бажариб бўлганидан сўнг тарбиячи нидан нима олганини сўрайди. Ёки: ВОЗЬМИ МЯЧ И ДАЙ ЧТО АЛИШЕРУ, ЧТО ТЫ ВЗЯЛ? КОМУ ТЫ ДАЛ МЯЧ?

Топшириқни бажариш жараёнида болаларнинг топқирлиги ривожланади. Рус тилининг грамматик қурилишига оид қўшимчалар, ўрганилаётган тилда гапларни тўғри тузиш қобилияти шаклланади, луғат фаолланади.

### ШЕЪР ЁДЛАШ

Кузатишлар шуни кўрсатадики, бола товуш дунёси билан қизиқишни ва унга муносабат билдиришни эрта бошлайди, ритмни қабул қилиш борасида ёрқин ифодаланган сезгини намоён қилади. Болалар шеър эшитиш ва уни гапириб беришни яхши кўрадилар. "Яхши шеър — мусиқа. Энг кичик болалар унинг суръатини осонлик билан илғаб оладилар, улар қўфияларнинг бир-бирига мос келишидан ва шеърнинг тиройли ёзилганидан завқландилар. Баъзан фақат улардаги мазмун билан қисман боғланган бу мусиқа тинглаш қобилияти боланинг бадиий таъбини, унинг тилини ривожлантиришида ядгга аҳамиятга эга"<sup>29</sup>.

<sup>29</sup> Гихеева Е.И. Развитие речи детей. — М.: "Просвещение" 1981, 117-бет.

Таълим жараёнида болалар тарбиячи сўзлари орқали кичик шеърлар, қўшиқлар, мақолларни ёд оладилар. Бу русча сўзлар русча нутқдаги сўз бирикмалари ва оборотларини эслаб қолишда катта аҳамият касб этади. Қофияланган матнларни ёд олиш орқали болалар сўзларни, уларнинг талаффузини урғусини яхши ўзлаштириб оладилар, русча нутқ суръатини унинг оҳангини илгаб оладилар ва сўзларни ўрганиб чиқилган грамматик шаклларда қўллашни эгаллайдилар. Бундан ташқари, ёд олиш тилга бўлган қизиқишни оширади. Болаларга завқ-шавқ бағишлайди, машғулотни жонлантиради. Бола хотираси томонидан ўзлаштирилган ҳар бир сўз унинг хотирасини шакллантирувчи сўз жамгармасини бойитади.

Рус тили машғулотларида ёд олиш учун шеър танлашга қўйиладиган талаблар қуйидагилар бўлиши мумкин:

1. Ритм, қофиянинг оддийлиги ва аниқлиги;
2. Ёд олинаётган матннинг унчалик катта эмаслиги;
3. Болаларга таниш образларнинг оддийлиги ва аниқлиги;
4. Баён қилувчи ва кузатиладиган жиҳатларнинг йўқлиги.

Ёд олишни муайян режа асосида ўтказиш лозим.

Болалар билан шеър ёд олишга киришишдан олдин педагог унинг мазмуни ёки мавзусини она тилида тушунтириб беради, шеърда сўз борадиган предмет (ўйинчоқ) ни кўрсатади ва ушбу буюм билан шеърда айтилган ҳаракатларни бажаради, кейин шеърни бир неча марта ўқиб беради. Шеър ўқиб бўлинганидан сўнг тарбиячи болаларга унинг мазмуни юзасидан саволлар беради ва бу саволларга шеър қаторлари билан жавоб беришни ўргатади. Агарда болаларга бу тарзда жавоб бериш қийинлик қилса, бу ҳолда уларга ёрдам бериш зарур. Масалан, А.Бартонинг "Мишка" (Айиқча) шеърини ёд олишдан олдин тарбиячи болаларга айиқчани кўрсатади ва шундай дейди: ЭТО ЛАПЫ, А ЭТО ЛАПА. Айиқчани қўлидан ерга тушириб юборади ва дейди: УРОНИЛА МИШКУ НА ПОЛ. Кейин эса она тилида ерга тушириб юборилган вилан панжаси узилган айиқча ҳақидаги шеърни айтиб беришни тушунтиради. Бироқ болалар айиқчани ерга ташлаб юбормайдилар, чунки у яхши. Сўнгра шеърни рус тилида ўқийди.

Шеърни ўқиб бўлгандан сўнг болаларга савол беради: КУДА УРОНИЛИ МИШКУ? УРОНИЛИ МИШКУ НА ПОЛ. Болаларга қайтаришни таклиф қилади: УРОНИЛИ МИШКУ

А ПОЛ. А ЧТО МИШКЕ ОТОРВАЛИ? ОТОРВАЛИ МИШКЕ ЛАПУ. Болалар педагог ортидан такрорлайдилар: ОТОРВАЛИ МИШКЕ ЛАПУ. БРОСИМ МИШКУ? НЕТ. ПОЧЕМУ? ПОТОМУ ЧТО ОН ХОРОШИЙ.

Болалар такрорлайдилар: ПОТОМУ ЧТО ОН ХОРОШИЙ. Педагог шеър ўқийди, болалар эса унинг ортидан ҳар бир сўз орни такрорлайдилар.

Шеър матни ҳам шу тарзда ёд олинади. Рус тилида кичик қўшиқлар куйлаш нутқни ривожлантириш, тўғри нутқ оборотларини эслаб қолишга ёрдам беради.

Ҳар қандай шеърда, қўшиқда болаларга нотаниш бўлган сўзлар учраши мумкин, агар болалар бу сўзларни тушунмасалар шеър ёки қўшиқнинг асосий маъноси йўқолади. Шунинг учун қандай сўзлар ва улар ифодаланадиган буюм ёки нарсалар билан болаларни олдиндан таништириб чиқиш лозим.

### САЁҲАТ

Русча сўзлашиш нутқини ўргатишда атрофни ўраб турган муҳит катта имкониятлар яратади. Изчиллик билан амалий таҷриба тўплаш ва ўз таассуротлари, ҳиссиётларини нутқда акс эттириш учун болаларда кузатиш қобилиятини ривожлантириш зарур. Таассурот сўздан олдин туриши, сўз эса таассуротнинг ортидан бориши керак.

Болалар билан саёҳатларни болалар боғчасининг ичида ҳам унинг ташқарисида ҳам ўтказиш тавсия этилади. Саёҳат вақтида болалар нафақат олинган билимларни қўлдан устаҳкамлайдилар, балки янги ҳолатлар, нарсалар ва ҳаракатлар билан танишадилар. Саёҳатларда болаларда қабул қилиш ҳисси кучаяди, улар атрофидагиларга нисбатан кўпроқ таъсир-ҳаяжон билан муносабатда бўладилар ва уларнинг ўрганларини рус тилидаги сўзлар билан ифодаласини келади.

Болаларнинг рус тилидаги нутқларини ривожлантириш мақсадида ўтказиладиган саёҳатларга қуйидаги талаблар қўйилади<sup>30</sup>:

<sup>30</sup> Мазкур талаблар Е.И.Тихеевнинг "Развитие речи детей" — М.: Просвещение", 1981 номли асарига белгилаб берилган ва ундан миллий мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари ҳамда мактабларнинг 1-синф ўқувчилари билан сайёҳат ўтказишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ қўйиб олинган.

1. Мазмуннинг болалар қизиқишларига мос келиши Машғулот мазмуни ва уни ўтказиш вақти болаларнинг қизиқишлари (ёшга оид ва яққа тартибдаги), уларнинг ривожланиш даражаси ва машғулотлар чоғида дарсни қабул қилишга тайёрлиги даражасидан келиб чиқиб белгиланиши лозим.

2. Саёҳат шундай уюштирилиши керакки, бунда ҳар қандай ташқи ҳолатлар боланинг асосий нарсдан эътиборини жалб қила олмасин. Кузатиш майдони, болалар диққат-эътиборига таклиф этилаётган тафсилотлар болаларнинг ёш хусусиятлари ва уларнинг ўрганилаётган тилда олган билимлари даражасини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим.

3. Саёҳат дарсга, расмий таълим жараёнига ўхшаб қолмаслиги керак. У жонли ва қизиқарли ўтказилиши лозим. Болалар нафақат томоша қилишлари, балки ҳаракат қилишлари, синаб кўришлари, ўйнашлари ва сўзлашишлари даркор.

4. Педагог саёҳатни ўтказишга пухта тайёргарлик кўриши, бунинг учун тегишли режа ишлаб чиқиши зарур. Шунингдек, болалар ташриф буюрадиган муассасалар, шахслар огоҳлантирилиши, уларнинг ушбу саёҳатда иштирок этиш даражаси ҳақида олдиндан келишиб кўйилиши зарур.

5. Болалар нутқини ривожлантириш мақсадида саёҳатдан энг юқори даражада фойдаланиш учун мустаҳкамланиши лозим бўлган ёки илк бор таклиф этиладиган нутқий материал юзасидан тегишли ўқув қўлланмасини тайёрлаш лозим.

6. Қабул қилинган янгиликларни ички қайта ишлаш вақт талаб этади, шунинг учун саёҳатдан сўнг дарҳол болаларнинг олган билимлари ва таассуротларини мустаҳкамлашни бошлаб юбормаслик керак.

Саёҳат қанчалик муваффақиятли ўтказилган бўлса, у қанчалик болаларни қизиқтира олган бўлса, улар келгусида бу олган таассуротларига нисбатан шунчалик ҳар хил муносабат билдирадидилар, эслайдилар, сўрайдилар, саёҳат чоғида кўрган нарсаларини ўйинларда қайта тиклашга ҳаракат қиладилар.

Бунда педагогнинг роли беқиёсдир. У нафақат болаларнинг саёҳат туфайли пайдо бўлган қизиқишларини илғаб олиши ва қўллаб-қувватлаши, балки уларга маълум бир йўналиши бериши керак. Ўз навбатида педагог бундай

ишларнинг юзага келишига ёрдам бериши керак. Чунончи, педагог ўйинчоқлар дўконига қилинган саёҳат чоғида у ерда болаларга ўйнаш учун шароит яратиши ва кейинчалик уларга кўндо кўрган ўйинчоқларини чизиб беришларини таклиф қилиши лозим.

Бунда, албатта, суҳбат юзага келади, хотиралар жонланади, тўқ пайдо бўлади.

7. Саёҳатлар сони педагоглик жиҳатдан асосланган бўлиши бошқа машғулотлар сонига мос келиши керак.

Бирон-бир машғулот тури бошқалардан устунлик қилмаслиги керак. Ҳаддан зиёд уюштирилган саёҳатлар, ниқса номигагина уюштирилган саёҳатлар болаларнинг юзасига тегиши мумкин. Мўлжалланган саёҳатлар режага яритилади. Яхшиси уларни муайян лексик мавзуни ўтгандан сўнг, тахминан ҳафтасига, ойига бир марта болаларнинг ўқув материални ўзлаштиришларини текшириб кўриш сифатида қизган маъқул. Саёҳат чоғида кўшиқли ўйинларни (ороводларни) уюштириш тавсия этилади.

## ЎЙИНЛИ МАШҚЛАР

### (Жисмоний машқлар)

Мактабгача ёшдаги болалар машғулотда тез толиқиб оладилар, шунинг учун машғулотни ўтказиш жараёнида педагогга болаларнинг иш қобилиятини оширувчи энгал жисмоний машқларни ўтказиш тавсия этилади. Жисмоний машқларни ўтказиш пайтида болалар русча сўзларни қўллаган ҳолда ҳаракат қиладилар, турли ҳаракатларни бажарадилар, иш сўзларни, сўз бирикмаларини, гапларни ва шеърларни ёдрорлайдилар ҳамда мустаҳкамлайдилар. Дастлаб педагог машқни ўзи бажаради, бунда ҳаракатларини сўзлар билан адрҳлайди, кейин эса болаларга машқни биргаликда бажаришни таклиф қилади. Масалан: Дети, встаньте!

РУКИ ВВЕРХ. Педагог қўлини юқори кўтаради.

РУКИ ВНИЗ. Қўлини пастга туширади.

СЕЛИ Чўнқайиб ўтиради.

ХЛОПНУЛИ В ЛАДОШИ. Карсак чалади.

ВСТАЛИ. Туради.

ХЛОПНУЛИ ОПЯТЬ. Икки марта қарсак чалади.

Болалардан жисмоний тарбия машқларида ишлатилган сўзларни дарҳол такрорлашни талаб қилмаслик керак. Уларга эшитган сўзларини ҳазм қилиш, кейин эса уларни такрорлаш учун имконият бериш зарур. Одатда болалар кейинги машғулотдан бошлаб барча сўзларни педагог билан биргаликда такрорлай бошлайдилар. Биринчи машғулотларда оддий жисмоний тарбия машқларини бериш ва уларни сўзлар билан шарҳлаб бориш, болаларнинг рус тилидаги сўз захираси бойитилгач эса машқларни мураккаблаштириш даркор.

Масалан: Можно пальцы сосчитать:

один, два, три, четыре, пять.

На другой руке опять:

один, два, три, четыре, пять.

Десять пальцев, пара рук –

Вот твоё богатство, друг.

Машқларни бажаришда ўйинчоқлар, байроқчалар ва бошқа материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### ЎЙИНЧОҚЛАР АСОСИДА ҲИКОЯ ҚИЛИШ

Мактабгача ёшдаги болалар ҳаётида ўйинчоқлар муҳим ўрин тутади. Ўйинчоқларда атрофдаги ҳаётий нарсалар кичрайтирилган ҳажмда акс этган ва бу болага улардан ўйин давомида ҳаётий вазиятларга қараб фойдаланиш имконини беради. Ўйинчоқлар миллий болалар богчаларида болаларнинг русча нутқини ривожлантиришда катта имкониятлар яратади. Улар болаларнинг рус тилидаги билимларини мустаҳкамлашда кўп марталаб имкониятлар яратиб беради. Болаларга русча сўзлашиш нутқини ўргатишнинг дастлабки босқичларида, машғулотларда педагог нутқи ҳукмрон бўлади. У сўзлар билан шарҳдаган ҳолда ўйинчоқларни кўрсатади, улар билан турли ҳаракатларни бажаради: кукла сидиг, спит, идёт, ест ва ҳоказо. У ёки бу ўйинчоқ, персонажнинг сўзлар билан тушунтирилиб берилаётган ҳаракатлари болаларни ўзига жалб қилади. Ўйинчоқларни рус тилида тавсифлашга доир машғулотлар ҳаяжонли шароитда, "Чудесный мешочек" (мўъжизали Қоп), "Волшебный колпачок" (Сехрли қалпоқча) қаби оддий дидактик ўйинлар кўринишида ўтади. Бирламчи босқичда тавсифлаш учун ўйинчоқларни танлаш айрим хусусиятларга эга: ўйинчоқларнинг номлари бир хил бўлиши, лекин уларнинг ташқи кўриниши, ҳажми ва ранглари турлича бўлиши мумкин.

Бундай танлов таққослаш усулини қўллаган ҳолда луғатни фаоллаштиришни ва раvon нутқни ривожлантиришни таъминлайди.

Ўйинчоқларни тавсифлашга доир машғулотларни уларни кўриб чиқишдан бошлаш керак. Тавсифлаш педагог саволлари асосида боради. Саволларга болалар томонидан жавоб берилганидан сўнг педагог жавобларни умумлаштиради, яъни мўъжазгина ҳикоя тузади: Это кукла. Кукла маленькая, красивая. У куклы красное платье, красный бант.

Ўйинчоқлар билан машғулот ўтказиб бўлгандан сўнг педагогга барча болаларнинг нутқий фаолиятини ташкил этиш тавсия этилади. Чунончи, педагог ўйинчоқни кўрсатади ва у билан турли ҳаракатларни бажаради, сўнгра болаларга жўр бўлиб ёки яқка тартибда кўғирчоқ (куёнча, айиқча) нима қилганини айтишни таклиф қилади.

Болаларнинг рус тилидаги луғати бойитилишини ва фаоллашувини таъминлайдиган сахна кўринишлари жуда қизиқарлидир.

Педагог дастлаб болаларга ўйинчоқларни кўрсатади ва уларнинг номларини айтади, бу ўйинчоқларнинг барча атрибутларидан кейинчалик болаларга нотаниш сўзларни кўрсатиш ва маъносини тушунтиришда фойдаланилади. Бундай сахна кўринишларидан бирини келтириб ўтамиз.

### ЎЙҚУДАН ОЛДИН<sup>31</sup>.

Жиҳозлар: кўғирчоқ, кроватча, ўрин-кўрпа, ўйинчоқ отлар, сигир, мушук, ит, ғиштчалар, қогоз.

Педагог ўйинчоқларни столга териб чиқади ва болаларга уларнинг номларини айтишни таклиф қилади. Кейин, она тилида сахна кўринишининг қисқача мазмунини ҳикоя қилиб беради, болаларга йўлакча бўйлаб кўғирчоқ олдига ким ўтишини кўришни таклиф қилади.

"Перед сном" ("Ўйқудан олдин") сахна кўриниши матни. Кўғирчоқ жавоби:

- |                            |                           |
|----------------------------|---------------------------|
| 1. Идёт корова по дорожке, | 1.Нет, корова, на кровать |
| Говорит "Устали ножки"     | Не пуцу тебя я спать.     |
| По лугам ходить,           | Ты, корова, тяжела        |

<sup>31</sup> Сахна кўриниши Н.Б.Куприянов, Т.Н.Федосеевларнинг "Игры и занятия с детьми до трех лет" номли асаридан олинди, Л., "Медицина", 1974, 105-бет.

- |  |   |
|--|---|
| Молоко копить,<br>Ночку эту ночевать   | А кровать так мала!<br>Пусти, детка, на кровать.  |
| 2. Идёт лошадка по дорожке,<br>Говорит "Устали ножки"<br>То я по полю хожу,<br>То людей вожу, вожу<br>Ночку эту ночевать           | 1. Нет, лошадка, на кровать<br>Не пущу тебя я спать.<br>Ты, лошадка, велика<br>А кровать коротка!<br>Пусти, детка, на кровать |
| 3. Идёт собачка по дорожке,<br>Говорит "Устали ножки"<br>Ночку эту ночевать<br>Пусти, детка, на кровать<br>Буду сон я твой беречь, | 1. Иди, собачка, милая,<br>Со мною ночевать.<br>На мягкую подушечку<br>Под теплую кровать.<br>Буду домик твой стеречь!        |

Кўғирчоқ сўзларидан сўнг педагог кучукни кроваткадаги ёстиққа ётқизиб кўяди ва болаларга алла айтишни таклиф қилади.

"Колыбельная" ("Алла") халқ кўшиғи матни:

- |                    |                     |
|--------------------|---------------------|
| Баю-баю"баю        | Не мешайте, мушки,  |
| Куколку качаю,     | Спать моей Катюшке. |
| Куколка устала,    | Мушек отгоняю,      |
| Целый день играла. | Баю-баю-баю.        |

Ўйинчоқлар ҳаракатида намоёниш этиш чоғида тарбиячи болаларга саволлар беради, агар болалар жавоб бера олмасан тарбиячининг ўзи жавоб беради ва болаларга жавобни такрорлашни таклиф қилади. Масалан: "У кого устали ножки? Кто идёт по дорожке?" ва ҳ.к. Тарбиячи болаларга кўғирчоқ жавобини такрорлашни таклиф қилади. Келгусида болалар матн мазмунини яхши ўзлаштириб олганларидан сўнг уларга ушбу ўйинни ўйнашни таклиф қилиш мумкин.

### СУРАТЛАР АСОСИДА ҲИКОЯ ҚИЛИШ

Суратлар билан машғулотлар ўтказиш нутқни ривожлантириш методикасида етакчи ўрин тутади. Суратларнинг ёрқинлиги, чиройлилиги ижобий ҳиссиётларни туғдиради, болаларда сурат таъсирида юзага келган ўйин кечинмаларини, ҳисларини сўз билан ифодалаш истаги пайдо бўлади. Тилни ўрганишда энгил ва мустақкам эслаб қолиш ҳамда нутқий фаоллик суратларни болаларга иккинчи тилни ўргатишда алмаштириб бўлмайдиган воситага айлантиради.

болаларга русча сўзлашиш нутқини ўргатиш мақсадида сурат танилашда катъий изчилликга риоя қилиш лозим, яъни оддий сюжетлардан нисбатан қийин ва мураккаб сюжетларга ўтилади. Сурат ўз мазмунига кўра болалар ёшига ва уларнинг ривожланиш даражасига, шунингдек, ўрганилаётган тилдаги сўз захирасига мос келиши лозим. Кўриб чиқиладиган суратларнинг болаларда эстетик ҳисларни ривожлантиришга кўмаклашишига ҳаракат қилиш зарур.

Ўзбекистон болалар боғчаларида мактабгача ёшдаги болаларга таълим бериш тажрибаси шуни кўрсатадики, болалар тилга қизиқиш ва фаоллик билан сурат ҳақида ҳикоя қилиб берадилар, бунда эса таниш русча сўзларни қўлайдилар. Суратлар билан ўтказиладиган машғулотлар лексик минимумни мустақкамлаш ва фаоллаштиришга ёрдам беради, рус тилининг грамматик тузилишини, ўз фикрини раво баён қилишни шакллантиради. Педагог рус тили машғулотлари учун суратларни тўғри танлаш ҳақида қайғуриши даркор. Ушбу мақсадда суратларнинг икки туридан, яъни предметли ва сюжетли турларидан фойдаланилади.

Доскада (планкада) осиб қўйишга мўлжалланган суратлардан ташқари мавзулар бўйича тасвирланган суратлар туркуми ҳам бўлиши лозим. Ойдинлар, яроқсиз ҳолга тушиб қолган китоблар ва журналлардан қирқиб олиниб, картонга ништирилган суратлар (10 x 14 ҳажмдаги) ушбу мақсадлар учун хизмат қилиши мумкин. Кичик суратларни турлари ва тифаларига қараб (яъни: ўйинчоқлар, кийимлар, идиш-товуқлар, мебель ва ҳ.к.) тақсимлаш лозим.

Уларни сақлаш масаласини тўғри ўйлаб кўриш лозим. Хар бир мавзу учун тегишли суратлар сақланадиган алоҳида жилд бўлиши лозим.

Болалар ўз қизиқишлари ва хоҳишларидан келиб чиқиб суратларни якка ҳолда кўришни ёқтирадилар. Шунинг учун суратларни улардан болаларнинг эркин фойдаланишлари учун қам тайёрлаш керак. Мазкур суратлар алмаштириш тартибида муносиқ муддатга қутилар, конвертларга солиб қўйилади, болалар уни ўз хоҳишича олишлари мумкин.

Суратлардан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган машғулотлар болаларни буюмларнинг номлари, сифатлари, ҳаракатлари ва белгилари билан таништиришга ёрдам беради.

Суратлар лото ва жуфтлик ўйинлари шаклида ак  
эттирилиши мумкин. Бундай ўйинлар болаларни нарсала  
дунёсида йўл тонишга ёрдам беради, буюмларни уларнинг  
мақсади ва белгиларига қараб таснифланиши билан  
таништиради. Улар диққат-этиборни, мулоҳазани ва, эн  
асосийси, болаларнинг ўрганилаётган тилдаги нутқини  
ривожлантиради.

**Мавзу учун сурат танлаш.** Болалар муайян мавзу уч  
суратларни мустақил равишда танлайдилар, масалан  
"Ўйинчоқлар", "Бизнинг уй", "Уй ҳайвонлари", "Бизнинг  
ватанимиз" ва бошқалар.

Болаларга рус тилини ўқитиш алоҳида нарсалар номлари  
ҳаракатлар, сифатларни белгилашдан бир неча сўзлардан  
иборат бўлган кичик гапларни тузиш, кейинчалик эса бир неча  
гаплардан иборат мазмунан боғлиқ ҳикоялар тузишга қара  
кетиши зарур.

Болалар ўзларига қаратилган тушунарли русча нутқни  
қанчалик кўп эшитса, уларнинг ўрганилаётган тилдаги ў  
нутқлари шунчалик тез ва уюшқоқ ҳолда ривожланади.  
Суратлар билан ўтказиладиган машғулотлар ушбу мақсад  
эришишга ёрдам беради. Мисол сифатида болаларга русч  
равон нутқни ўргатишни келтирамиз.

**Жиҳозлар:** ўйинчоқлар — айиқча; турли рангдаги  
ўйинчоқлар тасвирланган суратлар (ҳар бир болага битта  
суратдан).

**Методик усуллар:** "Чего не стало?" сўз ўйини, гап тузиш  
доир машқлар.

#### **Машғулотнинг бориши:**

1. Болалар ярим доира шаклида ўтқизилган. Марказда стол  
унда айиқча ўтирибди. Тарбиячи болаларга уни кўришни ва  
айиқчада қандай ўйинчоқлар борлигини айтишни таклиф  
қилади. Тарбиячи ўйинчоқларни столга қўяди, болалар э  
уларнинг номларини айтади.

Тарбиячи барча ўйинчоқларни йиғштириб қўяди, кейин  
эса биттадан ўйинчоқни столга қўяди ва яқка тартибда сўра  
бошлайди: "Какая игрушка есть у мишки". Тарбиячи жавоб  
намунасини беради: "У мишки есть машина". Тарбиячи  
болаларга "Чего не стало" ўйинини ўйнашни таклиф қилади.

Ўйин мақсади — болаларни сўзларни зарур грамматик  
шаклда (Қаратгич келишиги, бирлик) қўллашга ўргатиш.

Тарбиячи ўйин қоидаларини она тилида тушунтириб  
беради.

Ўйин тавсифи: Тарбиячи ишораси (қарсак чалиш) билан  
болалар кўзларини юмадилар ёки ортга ўгириладилар,  
тарбиячи эса бу пайтда қайсидир ўйинчоқни олиб қўяди.  
Болалар айиқчада қайси ўйинчоқ йўқлигини айтишлари керак.  
Тарбиячи жавоб намунасини беради: "У мишки нет барабана".  
Ўғри жавоб учун бола совға қоғози (фант) олади. Ўйиндан  
ўнг барча қоғозлар саналади, кимда шундай қоғоз кўп бўлса, у  
ютган ҳисобланади.

2. Тарбиячи турли рангдаги ўйинчоқлар тасвирланган  
суратларнинг юз томонини пастга қилиб столга териб чиқади.

Тарбиячи суратлардан бирини олади, уни болаларга,  
айиқчага кўрсатади ва дейди: "Это красная машина". Сўнгра  
болаларга навбати билан яқин келиб, сурат олишни ва  
айиқчага унинг қандай ўйинчоқлигини, у қайси рангдалигини  
айтишни таклиф қилади. Агарда бола фақат ўйинчоқ номини  
айтса, унга айиқча бу ўйинчоқнинг қайси рангдалигини ҳам  
билишни хоҳлаётганлигини эслатиш лозим.

3. Тарбиячи болаларга ўйинчоқ ҳақида шеър айтиб  
беришни таклиф қилади.

Шундай қилиб, суратлар билан ўтказилган машғулотлар  
лексик минимумни мустаҳкамлаш ва фаоллаштиришга ёрдам  
беради, грамматик қурилишни, ўз фикрларини рус тилида  
равон ифодалаш қобилиятини шакллантиради.

### **ЭРТАКЛАР, ШЕЪРЛАРНИ САҲНАЛАШТИРИШ**

Театрлаштирилган томошалар болаларга катта завқ  
бағишлайди.

Томошалар — саҳна кўринишлари болаларни таассуротлар  
билан бойитади, уларнинг дунёқарашини кенгайтиради,  
фикрлаш, тасаввур, хотирани ривожлантиради, ўрганилаётган  
тилда равон нутқни шакллантиришга ёрдам беради. Сюжетли  
ўйинчоқлар билан саҳналаштирилган ҳикоялар, эртақлар,  
шеърлар болаларни хурсанд қилади, уларнинг нутқини  
фаоллаштиради, эшитиш, берилган саволларга жавоб қайтариш  
қобилиятини ривожлантиради.

Бадий асарлар, эртақлар, шеърларни саҳналаштириш —  
бу педагог ўқиб берган асарларни қайта ҳикоя қилиб  
беришнинг турли хил усуллари. Эртақлар, шеърларни

саҳналаштириш учун таркибида диалогик нутқ бўлган асарлардан фойдаланиш лозим. Уларни қайта ҳикоя қилиш бериш русча сўзлашиш нутқини, шу жумладан, мурожаат қилиш, савол бериш, санаш оҳангини ривожлантириш ва такомиллаштириш имконини беради; болалар нутқи ҳисобга ҳаяжон жиҳатдан янада бойийди, у персонажлар тушиб қолган вазиятдан келиб чиққан ҳолда баъзан қувноқ, баъзан маъносиз баъзан эса илтимос оҳангида жаранглайди.

Болалар боғчаларида болаларга русча сўзлашиш нутқини ўргатишда саҳналаштиришнинг қуйидаги усулларидан фойдаланиш мумкин:

- мураккаб бўлмаган сюжетларни (шеърларнинг) саҳналаштириш ва намоиш этиш;
- ўйин саҳналаштириш;
- театрлаштирилган томошалар (кириш);
- қўғирчоқ театри.

Шеърларнинг саҳна кўринишларини таълимнинг дастлабки босқичида, яъни болаларда рус тилидаги сўзлар заҳираси ҳали унчалик катта бўлмаган пайтда қўллаш лозим.

Саҳна кўринишларини амалга ошириш методикаси қуйидагича: намоиш бошлангунга қадар тарбиячи унчалик қатнашадиган шахсларни болаларга таништириб чиқади. Нарсалар номларини мустақамлайди. Тарбиячи ўйинчоқларни кўрсатади, агар ўйинчоқлар янги бўлса болалардан улар қандай номланишини сўрайди (яъни, болалар уларнинг номлари билан ҳали таниш эмас); тарбиячи ўйинчоқ номини айтади ва болалардан унинг номини бир неча марта такрорлашни сўрайди. Болаларни томошанинг асосий қаҳрамонлари билан таништириб бўлгач, тарбиячи ўйинчоқларни столга териб чиқади ва томошани бошлайди. Бунда болалар нафақа томошабин, балки иштирокчи ҳам бўлишлари лозим.

Масалан, "Мишка" шеърининг саҳналаштирилиши<sup>32</sup>.

Жиҳозлар: момик айиқча ўйинчоғи, унга иштонча, стулча сувли тоғора, сочиқ, тароқ, бант.

Саҳна кўриниши тавсифи. Тарбиячи болалардан бу нарсаларни, яъни: момик айиқча, иштончалар, стулча, сувли тоғора, сочиқ, тароқ, бантларни кўришни ва уларнинг

<sup>32</sup> Н.Б.Куприянова, Т.Н.Федосеева. Игры и занятия с детьми до 3-х лет. - Л. "Медицина", 1974, 106-107 бетлар.

номларини айтишни сўрайди. Болаларга нотаниш бўлган нарсаларни она тилида тушунтириб беради ва уларнинг рус тилидаги номларини айтади.

Тарбиячи айиқчани эшикдан олиб киради ва дейди: "Куда медведь пришел из леса". Айиқчани стулга ўтиргизади. "Иди, стульчик быстро влез он".

Тарбиячи: Болалар:  
"Куда влез мишка?" "На стульчик".

Тарбиячи айиқчани турли томонларга: гоҳ ўнг томонга, гоҳ чап томонга буради.

"Ну-ка, мишка, оглянись. Ребятишкам поклонись". Тарбиячи айиқчанинг номидан болалар билан саломлашади. "Здравствуйте, дети! Здравствуй, мишка!"

Тарбиячи айиқча иштончасини кийдиради ва дейди: "Надевай-ка, мишка, новые штанишки".

Тарбиячи: Болалар:  
"Что надел мишка?" "Штанишки"  
"Какие штанишки?" "Новые штанишки".

Тарбиячи столга сувли тоғорани қўяди ва айиқчани унинг томонидан судрайди. Айиқча боришни истамай, оёғини тираб туриб туради.

"Какой ты грязный, мишка!"  
Давай-ка мыться!

Ты воды не бойся!  
Чисто, чисто мойся!

Тарбиячи айиқча оёқларини ювгандек бўлади, уни сочиқ билан артади: "Полотенцом вытри лапы".

Айиқчага тароқ беради: "Вот расческа причешись". Айиқча чап томонга қарайди. Тарбиячи айиқча билан барча қаракатларни бажаради.

Причесался? Покажись!  
Теперь все порядке — делай зарядку:

Лапы вверх, лапы вниз.  
А теперь, ребята, руки вверх.

Руки вниз.  
Мишка, сядь!  
И, дети сядьте!  
Мишка, встань!  
И, дети, встаньте!

Тарбиячи айиқчанинг бўйнига бант боғлаб қўяди ва ун-гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга буриб, у билан турли рақс ҳаракатларини бажаради.

Айиқча рақсга тушади.

Айиқча болаларга қараб қўлини силкитади.

Айиқча қўлини бирор-бир болага қараб силкитади, ўртага чиқади, айиқчани олади ва у билан рақсга тушади қолган барча болалар эса қарсак чаладилар.

«Выйди, Тахир, поспеши.

Вместе с мишкой попляши».

Саҳна кўринишини яна бир такрорлаш мумкин.

Саҳналаштириш ўйинлари — бу болаларнинг таниш матнни шахслар бўйича (роллар бўйича) сўзма-сўз айтиб беришларидир. Одатда, бу кўп марта ўқилган ёки болаларга намоёиш этилган, шу сабабли уларга яхши таниш бўлган эртаклар бўлади. Саҳналаштириш ўйинлари тарбиячи иштирокида ўтказилиши лозим.

Масалан, «Репка» (Шолғом) ўйини.

Жиҳозлар: ит, мушук, сичқонлар мақскалари, шолғом учун баргли ободок, набира учун дурра, кампир учун этак.

Ўйин тавсифи.

Тарбиячи болаларга «Репка» эртаги асосида ўйнашни таклиф қилади, болалар ўртасида ролларни тақсимлайди. Қолган болалар ярим доира шаклида ўтирадилар. Тарбиячи эртакни айтади, болалар эса тарбиячи айтган ҳаракатларни бажарадилар.

Тарбиячи: «Посадил дед репку. Выросла репка... Какая?»

Болалар: Большая — пребольшая.

Шолғом ролини ўйнаётган бола ўртага чиқади ва стулчага ўтиради.

Тарбиячи: «Стал дед репку тянуть».

Болалар тарбиячи билан биргаликда такрор сўзларни айтадилар:

Тарбиячи:

Болалар:

«Стал дед репку тянуть». Тянет-потянет, вынуть не может

«Позвал дед...

Кого позвал дед?»

Бабку.

Дед: Бабка, иди тянуть репку.

Бабка за дедку, дедка за

репку, тянут — потянут,



вытянуть не могут».

Позвала бабка...

Кого

Внучку.

Внучка за бабку, бабка за  
дедку, дедка за репку.

Позвала внучка.

Кого?

Жучку.

Внучка: Жучка, иди  
тянуть репку.

Жучка: Ав! Ав! Ав!

Прибежала Жучка.

Жучка за внучку, внучка за  
бабку, бабка за дедку, дедка за репку.  
Тянут — потянут, вытянуть не могут.

Позвала Жучка...

Кого?

Кошку.

Жучка: Кошка, иди  
тянуть репку.

Кошка: Мяу-мяу

Иду.

— Кошка за Жучку. Жучка за  
внучку, внучка за бабку, бабка  
за дедку, дедка за репку.

Тянут-потянут, вытянуть не могут.

Позвала кошка...

Кого?

Мышку.

Кошка: Мышка,  
иди тянуть репку.

Мышка: Пи-пи-пи!

Иду!

Мышка за кошку, кошка за  
Жучку, Жучка за внучку, внучка  
за бабку, бабка за дедку.

Тянут-потянут, вытянули репку.

Саҳналаштириш ўйинларини ўтказишда ушбу матн  
мизмунидан биров чекиниш мумкин.

Тарбиячи болаларни улар сўзнинг грамматик шаклини  
(род, сон, келишик) нотўғри қўллаган ҳоллардагина  
тўғрилайди. Ушбу ҳолатда тарбиячи сўзни тўғри ифода этади ва  
бола унинг ортидан зарур шаклда такрорлайди.

Театрлаштирилган томошалар — бу турли хилдаги сюжетли  
ўйинлардир. Бу ўйинда болалар асар матнини ролларга бўлиб

ўқийдилар ва бир вақтнинг ўзида оддий кўғирчоқлар билан асар қахрамонлари ҳаракатларини бажарадилар.

Кўғирчоқ театри куйидаги турларга бўлинади: уйинчоқлар театри; кўғирчоқлар бармон ҳаракатлантириладиган театр, соя театри, стол театри, фланелеграф.

Болалар нашриётлари томонидан бадиий асарларни саҳналаштириш учун турли хил кўргазмалар куралиб чиқарилади. Бу халқ эртаклари учун силуэтлар, саҳифаларидан персонажлар гавдалари ва декорация элементлари қирқиб чиқариладиган китоб театрлари, очилганида икки саҳифа бўладиган панорама китоблар, бу китобдаги айрим суратлар олдиндан чиқиб туради, суратларнинг айрим қисмлари эртак ҳаракатланади, уларнинг қайси томонга ҳаракатланиши стрелкалар билан кўрсатилган.

Фланелеграф — оддий пахмоқ мато (фланель) қопланган кичик экран ва орқа томонидан худди экрандаги каби мато (ёки баҳмал қоғоз) ёпиштирилган персонажлар (эртаклар, шеърлар қахрамонлари) шаклидан иборат. Бундай шакллар экранга қўйганда улар яхши туради ва осон олинади.

Санаб ўтилган кўғирчоқ тетрлари турларидан рус тили машғулотида ҳам ва бу дарслардан ташқарида ҳам фойдаланиш зарур. Матннинг тарбиячи томонидан баён қилиниши намуна бўлиб хизмат қилиши керак, чунки болаларнинг сўзларни талаффуз этиши ва овоз оҳангларида нусхаладилар.

Тарбиячи болаларда тақлидчилик қанчалик кучли ривожланганлигини унутмаган ҳолда ҳис-ҳаяжонли бўлишнинг нутқи тушунарли, лексик ва грамматик хатоларсиз бўлиши лозим.

### БАДИИЙ АСАРЛАР ҲАМ ҲАМ

Мактабгача ёшдаги болаларга русча сўзлашиш нутқини ўргатишда уларда русча нутқни тинглаш орқали қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш зарур. Ушбу мақсадда тарбиячи рус тили машғулотида эртаклар, ҳикоялар, шеърларни ўқишга интилиши лозим. Асарларни қабул қилишни осонлаштириш учун бирламчи босқичда ўқишни ҳаракатлар турли иллюстрациялар билан биргаликда олиб бориш лозим.

Тарбиячи рус тилида бадиий асар ўқишга пухта тайёргилини зарур. Эртаклар (шеърлар ва ҳ.к.) матни ҳар доим ҳам бошқа миллат болаларига тушунарли бўлавермайди. Шунинг учун бундай ҳолларда матнни қайта ишлаб чиқиш (мослаштириш), болаларга тушунарли бўлган сўзларни тушунарлилари билан алмаштириш зарур. Ўқишни болаларда рус тилида етарлича сўзлар захираси тўпланганидан сўнг амалга ошириш лозим. Биринчи ўқишни бошлашдан олдин тарбиячи ҳикоя, эртак мазмунини она тилида қисқача тушунтиради. Болаларнинг ўзлари ҳикояда бевосита иштирок этган тақдирда мазмун яхши қабул қилинади. Зарур пайтда болаларга бирон-бир қахрамон номини айтиш, уларнинг сўзларини такрорлаш, тарбиячи саволларига жавоб бериш лозим.

Эртак, ҳикоя айтишни, албатта, бир неча марта қайтариш зарур. Такрорлаш сўзларни эслаб қолиш учун ва, айни пайтда, боланинг таклиф этилаётган матнни айтиб бера олиши учун ҳам зарурдир.

Ҳикоя қилишни билиш инсоннинг мулоқот қилиш қараёнида катта роль ўйнайди. Бола учун бу қобилият билиш, ўз билимларини, тасаввурларини текшириш воситаси ҳисобланади.

Миллий болалар боғчаларида болаларга русча равон нутқни ўргатишда куйидаги иш турлари ва сўз усулларида фойдаланиш мумкин:

Матнлар, ҳикояларни қайта ҳикоя қилиб бериш.

Болаларга матнни қайта айтиб беришни ўргатишда куйидаги турларга ажраладиган турли хил саволлар катта ўрин тутади:

а) йўналтирувчи, яъни иборадаги охириги сўзга бериладиган савол: «Петушок, петушок, золотой... . Что у петушка золотой?» Гребешок. «Посади дед... . Что? Репку»;

б) жавоби ҳам ўзида бўлган ёрдам берувчи савол «Репка выросла большая?»

Ёрдам берувчи саволлар бўйича ҳикоя қилиб бериш амалга оширилган қайта ҳикоя қилиш деб ҳам аталади. Ушбу усулнинг мақсади болаларни алоҳида сўзларни эмас, балки бутун ибораларни айтишга ундаш, матнни беихтиёр эслаб қолишга ёрдамлашиш;

в) йўналтирувчи савол, унинг ёрдамида бола жавобда нарсанинг белгилари, сифати ва ҳаракатини ҳам аниқлаштириб

беради: «Какая машина?» Машина красная, большая, маленькая»;

г) кўрсатма саволлар болаларга бирон-бир ҳаракат, воқеа ҳақида изчиллик билан ҳикоя қилиб беришга ёрдам беради.

«Кого позвал дед?» «Бабку».

«Как он позвал бабу» ва ҳ.к.

Қайта ҳикоя қилиб беришни ўргатишда тарбиячи болалар диалогик нутқни узатиш орқали оҳангни, асар қаҳрамонларнинг кечинмаларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришни ўрганиб олишлари лозимлигини унутмаслигини даркор.

Маълумки, ҳикоя бирон-бир факт, воқеанинг мазмунли бўлиши ва кенг баён этилишидир. Тарбиячи болаларга эрта шеърлар айтишни ўргатади.

Болаларга мазмун тушунарли бўлаётганини текшириб кўриш ва уларга матнни ўзлаштиришда ёрдам бериш учун матнни ўқиб бўлинганидан сўнг унинг мазмуни бўйича бир неча назорат саволларини бериш лозим. Саволлар осон ва аниқ болаларга тушунарли бўлиши керак. Бу саволларни болаларнинг ҳаммасига ва уларнинг айримларига ҳам бериб кўриш мумкин.

Агар бола берилган саволга жавоб бера олмаса, барча болаларга ёки бошқа болага мурожаат қилиш лозим, саволга жавоб бера олмаган болага эса бошқа болалар жавобларини такрорлашни таклиф қилиш керак. Болаларнинг ўзларини ҳикоя, эртакларни айтиб беришга ундаш фойдалидир.

Эртакни мустақил равишда қайта айтиб бериш фақат болалар тарбиячи ҳикоясини осон ва тез тўлдиришни ўрганиши билан олишлари мумкин.

Ушбу усул ҳикоя қилишни жонлантиради, чунки унда барча болалар иштирок этадилар.

Масалан:

Тарбиячи:

Жили-были... Кто?

Была у них... Кто?

Снесла курочка-ряба... Что?

Непростое яичко... Какое?

Болалар:

Дед да баба.

Курочка - ряба.

Яичко.

Золотое.

Шунингдек, тақлид қилган ҳолда ҳикоя қилиш усулида ҳам фойдаланиш мумкин, бунда болалар хўроз қичқиритишнинг хуриши, шамолнинг увиллаши, ёмғирнинг шитирлашини тақлид қилиб берадилар.

Болаларга рус тилидаги ўқишни тинглаш ва тушунишни ўргатиш мақсадида дастлаб эшитиш учун оддий тусдаги қичқиритишларни бериш лозим. Бундай ҳикоялар намуналарини Л.Н.Толстой, К.Д.Ушинский ва бошқаларнинг асарларидан топиш мумкин.

Л.Н.Толстой. Настина кукла (Настянинг кўғирчоғи).

Была у Настя кукла. Настя звала куклу дочкой. Мама дала Насте для её куклы все; что надо. Были у куклы юбки, кофты, платки, чулки, были даже гребни, щетки, бусы.

А.Н.Толстой. Семья (Оила)

Деду скучно было дома. Пришла внучка, спела песню. Сел дед пить чай.

— Дед! И мне дай чай.

— Вот тебе, внучка, чай. Пей, на себя не лей.

## ЎЙИНЛАР

Мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ва ўқитиш ишларида бола фаолиятини ташкил этишнинг асосий шакли ўйинлар муҳим ўрин тутди. Ўйин жараёнида болаларнинг руҳий сифатлари ва шахс сифатидаги хусусиятлари юқори суръатлар билан шаклланади, уларнинг диққат-эътибор ва хотираси ривожланади. Ўйин шароитида улар (болалар) ўз диққат-эътиборларини бир жойга яхшироқ жамлай оладилар, тез ва кўп эслаб қоладилар.

Бола ўйнаш орқали ўқийди, ўрганади, чунки ўқишни тушунишнинг ёрдамисиз амалга ошириб бўлмаслиги боис, ўйин жараёнида болаларда нутқ ривожланади, луғат бойийди. «Ўйиннинг соҳасида бола мустақиллигини намоён этиш учун энг кучли рағбатлантирувчи омил ҳисобланади», — дея кўрсатиб ўтади мактабгача тарбия соҳасидаги йирик педагог, методист ва жамоат арбоби Е.И.Тихеева<sup>33</sup>.

Ўзбекистон болалар боғчаларида болаларга русча сузлашиш нутқини ўқитишда ўрганилаётган тилда фаол нутққа ундовчи ўйинларга катта аҳамият берилади. Айни пайтда ўйиннинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

— ўйинда болаларни фаол нутқий ҳаракатга ундовчи аниқ вазиятлар яратилади;

<sup>33</sup> Тихеева Е.И. Развитие речи детей. - М.: «Просвещение», 1967.

— уинда болаларга иккинчи тилни ўргатиш жараёнида айниқса зарур бўлган доимий нутқий машқлар учун шарт шaroитлар яратилади.

Ўйинда ҳар бир сўз ҳаракат билан боғланган, аниқ мазмун билан тўлдирилган, бу эса ўқувчиларга янги сўзларни тушуниш ва уларни ўзлаштиришни осонлаштиради. Айрим сўз бирикмалари ва гапларни кўп маргалаб такрорлаш бу нутқий бирикларни қатъий эслаб қолиш ва уларни ўрганилаётган тилдаги фаол луғатга киритишга ёрдам беради.

Ўйиндан самарали фойдаланиш мақсадида тарбиячи унинг мақсадини ва ўйин жараёнининг боришини, бу ўйинда ўзининг ва болаларнинг тутган ўрнини аниқ тасаввур қилиши лозим. Мазмунни танлаш эса болаларнинг ривожланиш даражаси ва тарбия вазибаларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Мазмун болаларнинг имконият даражаси ва улар учун тушунарли бўлиши лозим, лекин у болаларда ўйинга бўлган қизиқишнинг йўқолмаслиги учун жуда ҳам соддалаштириб юборилмаслиги керак.

Бошқа миллат болаларини рус тилига муваффақиятли ўқитиш учун ўйинлар тизимини ўйлаб чиқиш, шунингдек, бу тизимнинг амалиётда жорий этилишини таъминловчи методик усулларни ишлаб чиқиш зарур. Болаларда нутқий қобилиятларни ривожлантиришга (русча нутқни тинглай билиш ва тушуна олиш, рус тили товушларини тўғри айтиш гап тузиш, берилган саволга жавоб қайтариш ва ўзи ҳам унчалик мураккаб бўлмаган саволлар бериш) ёрдам берувчи ўйинлар қуйидагиларга бўлинади:

1. Бировларнинг ролини тушуна олиш қобилиятини шакллантирадиган ўйинлар.

2. Рус тилида гапириш кўникмаларини ривожлантирадиган ўйинлар<sup>34</sup>.

Биринчи ўйинлар жараёнида болаларда пассив луғат кенгайди. Улар тарбиячи нутқидан муайян сўзлар ёки сўз бирикмаларини таниб олишни, уларнинг маъносини тушуниб етишни, мазкур нутқий бирикларни бошқаларининг ичидан онгли равишда ажратиб олишни, унга қаратилган нутққа тўғри муносабат билдиришни ўрганадилар. Бундай ўйинларга қуйидагилар киради: «Командали» ўйинлар, бунда тарбиячи

болалар гуруҳига (ёки битта болага) бажарилиши лозим бўлган вазиратмаларни беради. Масалан, «Встаньте! Прыгайте!» ва ҳ.к.

Ўйинларнинг иккинчи (катта) қисми болаларда рус тилида ўқилиши кўникмаларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Асосан бу тақлид ўйинлари, дидактик жиҳозланган кўғирчоқлар билан ўтқазиладиган ўйинлардир.

Муайян нутқий материалга эга бўлган тақлид ўйинлари. Бу нутқий материал ўйин давомида такрорланади ва болалар томонидан ёд олинади: «Гуси-гуси», «Каравай», «Зайнка» ва бошқалар. Улар мактабгача ёшдага болаларга русча сўзларни тўғри талаффуз этишни, интонацион ифодалиликни ўргатишга ёрдам беради, болаларнинг фаол луғатини бойитади.

Болаларга иккинчи тилни ўқитишда дидактик ўйинлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир, чунки уларда «...ҳар бир сўз, ибора кўргазмали образ, сурат билан боғлиқ. Ва тинглаш қобилияти кўриш қобилияти билан қанчалик муваффақиятли боғланса, у шунчалик мустаҳкам эслаб қолинади»<sup>35</sup>.

Бундай ўйинларда кўғирчоқлар билан ўйналадиган ўйинлар марказий ўрин тутди. Улар болаларнинг ўрганилаётган тилдаги луғатини бойитиш ва мустаҳкамлаш учун катта имкониятлар яратади. Кўғирчоқ ўйнаш, уларга «хизмат кўрсатиш» орқали болалар кундалик ҳаёт билан боғлиқ катгор кўникмаларга эга бўладилар.

Дидактик «жиҳозланган» кўғирчоқлар (кўғирчоқ ўғил бола ва кўғирчоқ қизча) ва уларга тааллуқли бўлган буюмлар (мебель, кийимлар, идиш-товоклар ва ҳ.к.) асосан рус тили мишғулотларида ва уюштирилган ўйинларда жамланади. Масалан, «К кукле пришли гости» («Кўғирчоқникига меҳмонлар келишди») ўйини ёрдамида болаларнинг кўғирчоқлар, мебеллар, идиш-товоклар, сабзавотлар номларини қандай ўзлаштириб олганликларини аниқлаш, шунингдек, уларда мазкур сўзларни турли вазиятларда қўллай олиш кўникмаларини шакллантириш мумкин. Ўйинлар болаларда равон русча нутқ ривожланишига, гапларни, гап бўлақларини ўзаро мослаштирган ҳолда тўғри тузиш қобилиятини шакллантиришга ёрдам беради.

<sup>34</sup> Толипова Р.Т. Ўйин ва нутқ. - Т.; «Педагог», 1974.

<sup>35</sup> Никольская А.В. Обучение русской разговорной речи в национальных детских садах. - Т.; 1961.

Шундай қилиб, болалар мулоқотининг энг табиий шакли — ўйинларда ўрганилаётган тилда доимий равишда нутқни машқларни бажариш учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

### РЕЗЮМЕ

**Суҳбат** — болаларга чет тилини ўқитишнинг энг самарали усули бўлиб, у болаларга янги сўзларни зарур грамматик шаклда ўзлаштиришга ёрдам беради, ўрганилаётган тилда мулоқот қилиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Суҳбатни шундай уюштириш лозимки, токи унда барча болалар иштирок этсин. Суҳбат ёрдамида болаларнинг атрофдаги ҳодисалар, нарсалар ҳақидаги билимлари муаян тизимга келтирилади.

Тарбиячи болалар билан рус тилида иложи борича кўпроқ суҳбатлашиши зарур. Бунда яқка тартибдаги суҳбатлардан фойдаланган маъқул, чунки унда тил жамоадаги суҳбатга қараганда беқиёс даражада кўп ҳажмда ривожланади.

Рус тилини ўқитиш жараёнида «топшириқ ва вазифа» усулидан фойдаланиш боланинг диққат-эътиборини, унинг ақлини, моторикаси ва нутқини фаоллаштиради.

Тарбиячи сўзлари орқали шеърлар ёд олиш русча нутқдаги сўзлар, сўз бирикмалари ва оборотларини эслаб қолишда унинг оҳанг ифодалилиги, грамматик тўғрилигида катта аҳамиятга эга. Бола томонидан ўзлаштирилган ҳар бир сўз унинг хотирасини шакллантирувчи сўз жамғармасини бойитади.

Болани ўраб турган муҳит унинг рус тилидаги нутқини ривожлантиришда катта имкониятлар яратади. Саёҳат ўтказиш жараёнида изчил равишда амалий тажриба тўплаш ва ўз таассуротларини, кечинмаларини нутқда акс эттириш учун болаларда табиат, ижтимоий ҳаётдаги турли ҳодисаларни кишилар, жонзотлар ҳаракатини кузатиш қобилиятини ривожлантириш зарур.

Мактабгача ёшдаги болалар тез чарчаб қоладилар. Ўйинли машқларни қўллаш болаларга рус тилида шарҳлаган ҳолда ҳаракатланиш, турли ҳаракатларни бажариш имконини беради, бу эса чарчоқни чиқариш, ўз нутқларидаги таниш сўзлар ва сўз бирикмалари, гаплар, шеърларни такрорлаш ва мустақкамлашга ёрдам беради.

Мактабгача ёшдаги болалар ҳаётида ўйинчоқлар муҳим ўрни тутади. Чунки уларда ҳаётий нарсалар кичрайтирилган равишда акс этади, бу болага ўйин давомида улардан фойдаланиш имконини беради. Улар болаларнинг рус тилидаги кечинмаларини мустақкамлашда катта имкониятларга эга.

Суратлар ва расмларнинг тиниқлиги, ранг-баранглиги табиий ҳиссиётларни ҳамда ўз кечинмаларини, ҳисларини фойдалаш истагини юзага келтиради. Буларнинг барчаси суратлар ва расмларни болаларга чет тилини ўқитишда тенги таълим воситаларига айлантираб кўяди.

Сурат ва расмлар ўз мазмунига кўра болалар ёшига, кечинмаларининг ривожланиш даражасига ва ўрганилаётган тилдаги сўзлар заҳирасига мос келмоғи даркор.

Суратлар билан машгулотлар ўтказиш болаларда лексик кечинимумни мустақкамлаш ва фаоллаштиришга ёрдам беради, фикрларини раво, грамматик тўғри ифодалаш қобилиятини шакллантиради.

Театрлаштирилган томошалар болалар таассуротларини ривожлантириш, уларнинг атрофни ўраб турган олам ҳақидаги кечинимларини кенгайтириш, ўрганилаётган тилда фикрлаш, сўзлаштириш, раво нутқни ривожлантиришнинг самарали усулидан биридир.

Мактабгача ёшдаги болаларга рус тилини ўқитишдаги муҳим вазифалардан бири уларда русча нутқни тинглай олиш кечинимларини шакллантиришдан иборатдир, бу кўникмани шакллантириш учун ўрганилаётган тилда эртақлар, ҳикоялар, шеърлар ўқишдан фойдаланиш лозим. Дастлабки пайтда бу кечинимларни ҳарақатлар, иллюстрациялар билан шарҳлаб бориш даркор.

Ўқишни болаларда ўрганилаётган тилда етарли сўз заҳираси жамгарилганидан сўнг ўтказиш керак. Эртақ, ҳикоялар айтишни (ўқишни) бир неча марта такрорлаш ва болаларни уни қайтаришга ундаш лозим.

Болаларни ўрганилаётган тилда тезкор нутқий фаолиятга илҳомловчи ўйинлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш зарур, чунки уларда ҳар бир сўз ҳаракат билан боғланган, аниқ мазмун билан бойитилган бўлади.

Ўйинда болаларни фаол нутқий фаолиятга ҳамда доимий нутқ машқларига ундовчи аниқ вазият ва шароитлар яратилади, бу болаларга чет тилини ўргатишда, айниқса, даркордир.

## САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Болаларга чет тилини ўқитиш методи ва усулига таъриб беринг.
2. Болаларга рус тилини ўқитиш жараёнида қайси суҳбат турларидан фойдаланиш лозим? Суҳбат турларига мисоллар келтиринг.
3. Суҳбат жараёнида болаларда қандай руҳий сифатлар шаклланади? Нима учун шундай деб ўйлайсиз?
4. Ҳар бир бола нафақат тинглаши, балки сўзлаши учун суҳбатни қандай ташкил қилиш керак? Ўз жавобингизни аниқ мисолларда асослаб беринг.
5. Болалар билан яқка тартибда суҳбатлашиш нутқни ривожлантиришда қандай аҳамиятга эга?
6. Бола билан яқка тартибда мулоқот қилишни қайси мавзулар бўйича ва қачон уюштириш мумкин?
7. «Топшириқ ва вазифа» усулининг психолого-педагогик қиммати нималарда ифодаланади?

## БОЛАЛАРНИНГ РУС ТИЛИ БЎЙИЧА ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Ўзбекистон болалар боғчаларида мактабгача ёшдаги болаларга русча сўзлашиш нутқини ўргатиш дастурида оғзақ нутқ фаолиятининг икки асосий шаклини ривожлантириш кўзда тутилган. Булар: нутқни тушуниш ва гапиришдир.

Бу икки нутқий фаолият шаклини ўзлаштириб олиш нутқни фонетик жиҳатдан ривожлантиришга, муайян луғатни жамлашга ёрдам беради.

Грамматика соҳасида болаларни мустақил фикр билдириш жараёнида мулоқот учун энг муҳим бўлган грамматик қурилмаларни тушуниш ва уларни фаол қўллашга ўргатиш вазифаси туради. Дастурда ҳар бир ўқув йили учун грамматикани билиш даражаси белгиланган.

